**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎРТА МАХСУС КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ**
**ЎРТА МАХСУС КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИНСТИТУТИ**

ШОҲИДАХОН ЮСУПОВА

# ОНА ТИЛИ ЎҚИТИШ

# МАЗМУНИ

**Она тили ва адабиёт ўқитувчилари учун**
**«Ҳозирги ўзбек адабий тили»**
**дарслигидан услубий қўлланма**

(Морфология)

Тошкент
«Янги аср авлоди» 2003

***Ушбу ўқув қўлланма умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг она тили ўқитувчиларига мўлжалланган. Унда «Ҳозирги ўзбек абадий тили» фаниинг «Морфология» бўлимидан сабо= беришда замонавий педагогик технология усулларидан фойдаланиш йўл-йўриқлари ёритиб берилган. Мазкур китобдаги ноанъанавий савол ва топшириқлар, машқлар ўкувчиларнинг мавзуларни тўлиқ ўзлаштириишга, дунё=арашини, эркин фикрлаш =обилиятини ривожлантиришга ёрдам беради, деган умиддамиз.***

**Масъул муҳаррирлар:** А.НУРМОНОВ, филология фанлари доктори, профессор
Н.НАРЗУЛЛАЕВ, Ўзбекистон халқ шоири

**Тақризчилар:** З.ҚОДИРОВ, филология фанлари номзоди, доцент
В.ҚОДИРОВ, филология фанлари номзоди

ISBN 5633014855

© Ш.Юсупова. «Ўқитувчи китоби». «Янги аср авлоди», НММ 2007 й.

## СЎЗ БОШИ

Мазкур =ылланма ўз олдига Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури», «Давлат таълим стандартлари» асосида янги билим ва кўникмалар бериш ҳамда талабаларнинг ижодий салоҳиятларини ривожлантиришни мақсад қилиб қўйган.

Тафаккурни ривожлантиришга қаратилган ушбу қўлланмада ўқитувчи ва талабанинг ижодкорлик имкониятларини ишга солиш талаб этилади.

Давлат талабларини бажаришда амалий жиҳатдан қулай бўлган ўқитиш механизмини

яратиш ва жорий қилиш ҳозирги долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Қўлланманинг яна бир мақсади жорий қилинаётган янгилик ва ўзгаришларни тезкорлик билан тегишли педагогларимизга ўргатиш орқали талабалар таълим-тарбияси мазмуни ҳамда сифатига янгилик ва ўзгартиришлар киритишдан иборат.

«Янги педагогик технологиялар» деб номланган биринчи бўлимда замонавий технологик усуллардан қандай қилиб фойдаланиш мумкинлиги щақида услубий тавсиялар берилган. Қўлингиздаги «Ўқитувчи китоби» да «Ҳозирги ўзбек адабий тили» фанининг учала босқичи (I.II.Ш босқич) щақида фикр юритилган бўл-сада, асосан, дарс ўтишнинг йўл-йўриқлари «Морфология» бўлими асосида ёритилган.

Дарсликда грамматик билимлар қандай берилгану, уни қайси йўллар билан талабаларга сингдириш машқлар, савол ва топшириқлар, таянч тушунчаларни қандай усуллар билан бажартириш мумкинлиги ҳақида кўрсатмалар акс эттирилган. Чунки баркамол авлодга таълим бериш, тарбиялаш учун анъанавий ёндашиш замон талабига тўла жавоб бермайди, шунинг учун ҳам таълим олдига қўйилаётган вазифалардан бири ноанъанавий ёндашишни тақозо этмоқда.

Хуллас, ушбу қўлланма «Ҳозирги ўзбек адабий тили» фанидан яратилган дарсликнинг мощиятини англашда, она тили дарсларини инновацион технологиялар асосида олиб боришда ўқитувчига кўмак бўлади, деган ниятдамиз.

## УҚТИРИШ ХАТИ

Мустақиллик қўлга киритилиши биланоқ, Республикамизда ёшлар тарбиясига жиддий эътибор берила бошланди, чунки ёшлар бизнинг эртанги кунимиз. Истиқлолимиз истиқболи шуларнинг қўлида.

Юртбошимиз И. А.Каримов: **«Жаҳон цивилизациясига дахлдор бўлган энг замонавий илмларни эгалламай туриб, бугун мамлакат тарақиётини таъминлаш қийин», -**деб таъкидлайди.

Мустабид тузумдан қолган итоаткорлик руҳидаги таълим тизимининг эскирганлиги, бу даврда яратилган дарслик ва қўлланмалар, ўқув дастурларининг бугунги кун талабларига жавоб бермай қолганлиги ҳаммамизга беш қўлдек маълум.

«Олдимизга қўйган буюк мақсадларимизга, эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгиланиши, ҳаётимизнинг тараққиёти ва истиқболи, амалга оширилаётган ислощотларимиз, режаларимизнинг самараси, тақдири-буларнинг барчаси, аввалламбор, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқлигини барчамиз англаб етмо=дамиз»,-дейди Президентимиз Олий Мажлиснинг IX сессиясида сўзлаган нутқида.

Жащон андозаларига мос дастур ва дарсликлар яратиш, ёшларимизни юксак маънавиятли, чуқур билимли, ватанпарвар, кенг мушоҳадали, буюк давлатни барпо этиш йўлида ижодкор ва фаол қилиб тарбиялаш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидандир.

Ана шунинг учун ҳам ҳукуматимиз томонидан таълим тизимини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада чиқарилган «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»,

«Таълим тўғрисида» Қонун ва Ўзбекистон Республикасининг таълимни ислоҳ қилишга қаратилган бир қатор қонунлари фикримизнингяққол далилидир.

«Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да умумий ўрта таълимдан сўнг академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежлари узлуксиз таълимнинг энг муҳим ҳалқаси, жаҳон андозаларидаги замонавий бир босқичи сифатида ажратилади.

**Академик лицей ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятларини жадал ўстиришни, уларнинг чуқур, табақалаштирилган ва касб-ҳунарга йўналтирилган билим олишларини таъминлайди.** Шунинг учун ҳам академик лицейларга ёзилган дастур ва дарслик мазмуни ўқувчиларнинг умумий ўрта таълимда олган билимларини чуқурлаштиришга, шу ихтисослик бўйича кенг билим беришга, ёшларнинг ижодий фикрлаш қобилиятини ўстиришга қаратилмоғи лозим.

**Ўз фикрини равон, гўзал ва лўнда ифода эта олмайдиган** мутахассисни замон талаби даражасидаги мутахассис деб бўлмайди. Ана шуни ҳисобга олган ҳолда академик лицейларда ҳозирги ўзбек адабий тили таълимига алоҳида эътибор берилади.

Дарслик ва =ўлланмада босқичли, кетмакетлик тамойилига амал қилади. Уни тузишда ўрта умумий таълимда амалда бўлган она тили дастури (интуктив-2) да берилган таълим мазмуни ва шакли эътиборга олинди. Ана шу асосда ўрта умумий таълим билан ўрта махсус таълимнинг узвийлиги таъминланди.

Юртбошимиз Олий Мажлиснинг IX сессиясидаги маърузаларида мавжуд таълим тизими ҳақида тўхталар экан, мактабларда болаларнинг мустақил фикр юритишга ўргатилмаслигини, ў=итиш жараёнида ўқувчининг пассив тингловчи, ўқитувчининг эса ҳукмрон эканлигини ҳаққоний танқид қиладилар.

Ушбу =ўлланмада шу давргача таъдим жараёнида йўл қўйилган ана шу камчиликка барҳам беришга, ўқувчини пассив тингловчи эмас, балки дарснинг фаол иштирокчиси, ўқитувчини эса ўқувчининг фаолиятини бошқарувчи субъектга айлантиришга эътибор қаратилган.

**Муҳтарам Президентимиз агар болалар эркин фикрлашни ўрганмаса, берилган таълим самараси паст бўлиши муқаррарлигини, мустақил фикрлаш катта бойлик эканлигини таъкидлаган эди.**

Демократик жамиятнинг ўқитиш жараёнидаги ўзига хос томони ҳар бир инсонни эркин фикрлайдиган қилиб тарбиялашдан иборатдир. Бу эса шу томони билан мустабид, тоталитар тузумдан қолган, маъмурий-буйруқбозликка асосланган, «менинг айтганим-айтган, деганим-деган» қабилидаги ўқитиш тамойилидан кескин фарқланади. Шуни ҳисобга олган ҳолда, =ўлланмада ўқувчиларнинг эркин фикрини ўстиришга алоҳида эътибор берилди.

Академик лицейларда иқтидорли болалар таълим олишларини, улар бу билим юртида ўз ихтисосликлари бўйича олий ўқув юртига кириш учун замин ҳозирлашларини эътиборга олиб, индуктив асосда назарий билимларни ўзлаштириш тавсия этилди.

**Щозирги ўзбек адабий тили фанини ўқитишнинг мақсад ва вазифалари:**

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили тўғрисида»ги, «Таълим тўғрисида»ги Қонунлари ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»га мувофиқ, академик лицейларда ҳозирги ўзбек адабий тили фанини ўқитиш олдига бутунлай янги мақсад ва вазифалар қўйилмоқда.

Академик лицейларда ҳозирги ўзбек адабий тили фанини ўқитишнинг бош мақсади ёшларимизни ижодий фикрлашга, ўз фикрини эркин ва таъсирли қилиб
ёзма ва оғзаки шаклда ифодалашга, ўзбек тили қонун-=оидаларини онгли ўзлаштиришга, фикр доирасини кенгайтиришга, Ватанимизга, миллий анъаналаримизга, бой маънавиятимизга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашга ўргатишдир.

Ана шу бош мақсаддан келиб чиққан ҳолда ҳозирги ўзбек адабий тили фанининг ўқитиш олдига қуйидаги вазифалар қўйилади:

-ўқувчиларни эркин фикрлашга ўргатиш;

-ўз фикрини оғзаки ва ёзма шаклда ўзбек тилининг қонун-қоидаларига мувофиқ равишда тўғри ифодалаш;

-бир маънони турли шаклларда бера олиш кўникмасини шакллантириш;

-ўзбек тилининг ички тузилиши ва тузилиш бирликлари юзасидан ўрта умумий таълимда олган билимларини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш;

-орфография ва пунктуация қоидаларини сингдириш;

-иш қоғозларини юрита олиш кўникмасини бериш;

-оламни билишда она тилининг ащамиятини сингдириш.

## К И Р И Ш

*Ранж кўрмай киши топарму фаро\,*
*Кўнгил ўртанмайин ёнарму чиро\.*
*Тухум ерга кириб чечак бўлди.*
*Қурт жондин кечиб ипак бўлди.*
*Лола тухумича ра\батинг йў=му?*
*Ипак =уртучалик щимматинг йўқму?*

Алишер НАВОЙИ

Қўлланмани Навоий сатрлари билан бошладик. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки академик лицейлар учун А. Нурмонов бошчилигидаги муаллифлар томонидан ёзилган «Ҳозирги ўзбек адабий тили» дарслигининг асосий мақсади ўқувчи-талабаларда фикрлаш қобилиятини ўстириш, тафаккурини ривожлантириш масалаларига бағишланган.

Дастур щамда дарслик грамматик мавзуларни ўрганиш асосига қурилган бўлсада, мақсад фақат тилшунослик илмини ўрганиш эмас, балки тил илми билан биргаликда, асосан, ижодий тафаккурни ўстириш, мустақил фикрловчи ёшларни тарбиялаш, ўқувчиларни эркин фикрлашга ўргатишдан иборатдир. Шундай экан, мустақил тафаккур эгаси қандай инсон? деган саволга жавобни ойдинлаштириб олишга тўғри келади. Мустақил тафаккур эгаси бажариши керак бўлган вазифани ўзининг ақлий изланиши туфайли ҳар хил усуллар билан мустақил равишда ҳал қилувчи ақлий қобилият эгаси бўлган кишидир.

Дейдиларким, Тангри ўз бандаларини яратар экан, «сен тўрт нарсадан бирини оласан. Булар: ақл, илм, дунё, дин», деди. Одам ақлни олди, шунда илм «Мен ақлли одам билан бўламан», деди. Дин эса «Ақлли, ҳам илмли одам билан бўламан». Навбат дунёга келди, у «Сизлар қаерда бўлсаларинг мен ҳам ўша ердаман», дейди. А=л щаммасига эга бўлди. Демак, инсон учун ақлдан улуғроқ нарса яратилмади. Ақл яратилганда, у 10 бўлакка бўлинган экан. Унинг 9 бўлаги жаноби пайғамбаримизга, қолган бирини ўнтага бўлиб, тўққизини қолган пайғамбарларга, авлиёларга, сўнгги бир улушини бандаларига берди. Барча одамларнинг ақли жаноби расули акрам ақлининг юздан биридир.Шу озгина ақли билан одам неларга қодир эканлигини бугунги талаба билиши, ана шу тафаккурни ривожлантириш йўл-йўриқларини топа олиши, изланиши керак.

Ҳозирги замонда ривожланган давлатларнинг таълим тизимида таълимни янгилашнинг ижобий ҳал қилиш йўналиши бўлган билиш фаоллиги ва мустақил фикрлашни ташкил этадиган янги усулларга ўтилмоқда. АҚШ нинг педагоглар касб уюшмаси «Таълим миллий ассоциацияси» ушбу вазифани қуйидагича ҳал қилишмоқда: «Ҳар бир ўқув мақсадни бир-бири билан боғлаб турган, асосий мақсад-фикрлаш қобилиятини ривожлантиришдир». Таълимнинг йўналиши мазмундан жараёнга ўзгартирилмоқда, яъни маълумотни қабул =илишдан фикрлаш кўникмаларини ривожлантиришга ўтилмоқда.

Академик лицейларда тафаккур ўстириш ҳозирги ўзбек адабий тили фани ўқитишнинг «жон томири » дир.

Тафаккурни қай даражада ривожланганлигини эса қуйидаги чизмадан билишимиз мумкин:

40-бет



Юқоридагиларни ҳар бир ўқитувчи дарс ўтиши давомида эътиборга олмоғи лозим.

Мустақил фикрлаш-одамлар фикридан кўр-кўрона андоза олиш эмас, балки кўрган, идрок этган, мушоҳада қилган нарса-ҳодисаларга онгли муносабат билдирган ҳолда руҳан уларни эркин тахлил қилиш, улардаги ўзига ва жамиятга манфаатлиларини умумлаштириш ва таққослаш орқали ҳукм чиқариш ва ўз нутқида буни айта олиш қобилиятидир.

Ҳукуматимиз томонидан тафаккурни ўстириш, эркин фикрлашга ундовчи бир қанча қарор ва қонунлар чиқарилди.

Бу соҳадаги ютуқларимизнинг энг салмоқлиси «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» бўлди. Кенг қамровга эга бўлган таълимни бирданига ҳал этиш осон эмас. Шунинг учун ҳам Президентимиз бу Қонунни босқичма-босқич ҳал этишга даъват этди.

Ислоҳотнинг биринчи босқичида ўқув юртларини замонавий ўқув қуролллари билан жиҳозлаш, жаҳон стандартларига мос таълим тизимини жорий этиш, янги дарслик ва қўлланмалар яратиш кўзда тутилган эди. Ана шу муҳим масалага эътибор бериш таълим соқасида ишлаётганларнинг асосий мақсадига айланди.

Ёшлар тарбиясида ўқиш, ўқитиш, дарслик билан ишлаш масалалари тенг ҳал қилинмаса, бу борада ижобий силжишлар рўй бермайди.

Фарзандларимиз олдига миллий қадрият, урф-одат ва анъаналаримизга тамоман зид бўлган бузғунчилик ғояларини сингдирмаслик учун, уларни маънавий ва жисмоний баркамол этиб етиштириш, умуминсоний қадриятларга таянган ҳолда тарбиялашимиз, таълим беришимиз даркор. Юқоридагиларни амалиётга тадбиқ этишимизда албатта дарслик ва қўлланмалар қулай восита ҳисобланади.

Бугун биз мустақил тафаккур юритадиган, дунёқараши кенг, авлодлар қолдирган илмий, маънавий бойликлардан баҳраманд бўлган инсонни тарбиялашни мақсад қилиб олган эканмиз, демакким, юқоридаги талабларга жавоб берадиган дарслик ва қўлланмалар яратишимиз талаб этилади.

Яратилган дарсликни яхши ёзишгина эмас, балки дарслик билан ишлашни, ишлатишини ҳам яхши билмоқ талаб этилади. Масалан, ўқувчи-талабалар берилган матнни ёки мавзуни ёдлаб олмасдан уни қисмларга бўлиш, асосий фикрни топиш, мантиқий хулоса чиқариш, маълум бир грамматик қоидани иккинчисидан ажратиб, уларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлай олишлари ҳам аҳамиятлидир.

Ана шу мақсадда ўқитувчи ва ўқувчиларимизга дарслик билан ишлаш, ундан фойдаланиш йўллари ҳақида маълум бир тушунчалар беришни лозим топдик. Бу қўлланма илмий педагогика ва ҳозирги ўзбек адабий тили фанининг морфология бўлимини ўқитиш методикаси фанида содир бўлган ўзгаришларнинг назарий-пдагогик асослари тадқиқига

бағишланган. Академик лицейларда она тили ўқитишнинг мақсад ва вазифалари унинг мазмунини ҳам белгилаб беради.

Дарслик ўз олдига бир қанча вазифа ва топшириқлар бажаришни мақсад қилиб олган. Улар қуйидагилардир:

1. *«Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» вазифаларини бажариш.*
2. *Талабалар дунёқарашини кенгайтириш.*
3. *Мустақил ижодий ишлаш кўникмасини ривожлантириш.*
4. *Миллий истиқлол \оясини тар\иб этиш.*
5. *Ўзбекистоннинг ўзбек моделини татбиқ этиш.*
6. *Мантиқий фикрлаш малакасини ривожлантириш.*
7. *Ёшларни таълим тизимининг истеъмолчиси ва иштирокчисига айлантириш.*
8. *Сўзамол, эркин фикрлайдиган шахсни тарбиялаш.*
9. *«Фикри қарам, тафаккури =ул» бўлмасликни ўргатиш.*
10. *Ўз шахсий қарашларини давлат ва жамият, умумхалқ қарашлари билан бирга қўядиган комил инсонларни тарбиялашни кўзда тутади.*
11. *Ўқувчи-талабаларни маънавий-ахлоқий тарбияси ва бунёдкорлигини шакллантиришни кўзда тугади.*
12. *Халқимизнинг бой, миллий, маданий, тарихий урф-одатларига асосланиб, умум инсоний қадриятлар асосида таълим-тарбия бериш.*
13. *Таълимни инсонпарварлаштириш ва демократиялаштириш.*
14. *Ривожланган мамлакатларнинг ил\ор технологияларини жорий этиш.*

Юқоридагиларни амалга ошириш учун барча ўқитувчиларимиз бор интеллектуал қобилиятларини ишга солмоғи, ўқувчини ўйлантирмоғи ва муаммоларнинг ечимини щал қилишда уларга йўлланма бермоғи даркор. Чунки бугунги замонавий ўқитувчи фақат дарс берувчи эмас, балки дарснинг йўналтирувчиси ҳисобланади.

Хўш, бугунги устоз қандай маҳоратга эга бўлиши керак, қандай талабларга жавоб бериши лозим?

Анъанавий метод ва усулларнинг айримларидан узоқлашган щолда қуйидагиларга асосий эътибор қаратмоқ лозим:

а) ўқувчилар фаолиятини бошқара олиш;

б) талабалар қобилиятларини мустақиллигини ривожлантириш;

в) талабаларни ўйлашга мажбурлаш маҳоратига эга бўлмоғи ;

г) талабаларга таъсир кўрсатиш учун керак бўлган билим, маҳорат ва кўникмаларга эга бўлиш;

д) таълим олувчилар билан оддий, табиий муомалада бўлиш, сунъийликдан узоқлашиш, уларга хос оҳанг топа олиш;

е) фанлараро алоқани кенг очиб бериш;

ё) ўқув материалини талабалар билан биргаликда бажариб, эркин сўзлашишга ўргатиш;

ж) ўқув муаммоларини ўз вақтида ечиш учун керакли янги усулларни ўргатиш зарур;

з) интернет, масофавий таълимни қўллаш;

и) замонавий информацион ва педагогик технологиялардан фойдалана олиш.

Замонавий талаба эса ўз-ўзига доимо қуйидаги саволларни бермоғи лозим: «Мен нималарни ўрганишим керак, бунинг учун нималар қилишим лозим?» Бу жараённи яна қандай қилиб ўзгартириш мумкин? Нималарни ўқиб, ўрганишим керак? каби муаммоларни щал қилишга эътибор қаратмоғи шарт.

Юқорида ўқитувчи ва талаба щақида фикр юритдик. Сабаби ўқитиш жараёнининг ядросини ўқитувчи билан талабалар ҳамкорлиги, талабаларнинг бир-бирлари билан ҳамкорлиги ташкил этади.

Таълим самарадорлиги, кўп жиҳатдан ўқитувчи ва талабалар ҳамкорлигидаги маҳсулдор фаолияти қамровига боғлиқ бўлиб, унинг кўлами қанчалик кенг бўлса, талабаларда билимларни ўзлаштириш қийинчиликлари шунчалик кам бўлади.

Билимларни ўзлаштириш мураккаб психологик жараён бўлиб, унинг асосида тафаккур ва хотира сингари мураккаб билиш жараёнлари ётади. К.К.Платонов «Катта совет (собиқ) энциклопедияси»да ёзишича, «билимларни ўзлаштириш мақсадга қаратилган жараён бўлиб,

қатор бўғинларни ўз ичига қамраб олади, ана шулардан бири эсда олиб қолиш ва билимларни қўллаш» дир. Шунинг учун ўқув материалини тушуниш учун уни идрок қилиш керак. Демак, ўзлаштириш-сезги аъзоларининг сезувчанлигига, идрок =илувчининг ақлий қобилиятига, билим даражасига, =изиқишига, тажрибаларига боғлиқдир.

Таълим жараёнида ўқув материалини тўла тушуниш учун, аввало, уни онгли равишда идрок қилиш, яъни қатор тафаккур жараёнларидан (таҳлил ва йиғиш, таққослаш, умумлаштириш, хулоса чиқариш кабилардан) унумли фойдаланиш керак.

Ўқув материалини ўзлаштириш жараёни-бу механик тарзда эсда олиб қолиш эмас, балки онгли равишда эсда олиб қолишдир, яъни эсда олиб қолиш фикр юритиш моцшятига ва амалий фаолиятга қанчалик яқинлашса, материалнинг эсда қолиши шунчалик самарали бўлади. Шуни алоҳида айтиш керакки, билимларни ўзлаштириш жараёни шахс фаолиятига, унинг фаоллигига, мотиви ва қизиқишига, йўналишига ва қобилиятига узвий боғлиқдир.

Яратилган «Ҳозирги ўзбек адабий тили» дарслиги дастурга мос бўлиб, «Она тили ўқитиш» концепцияси, ДТС ларини қамраб олган; уни ёзишда жаҳон педагогикаси, миллий тарбияга, миллий истиқлол ғоясига ва миллий қадриятларга таянилди. Берилган мавзуларни талабалар ўзлари ўзлаштирадилар, уларга тайёр билим бериш билан биргаликда мантиқий хулоса чиқариш вазифаси юклатилган. Муаллифларнинг яна бир мақсади дарсда болани билим олиш йўлида ишлата билишлик ҳисобланади. Шунинг учун ҳам муаллифлар ҳар бир мавзуни ёритишда тайёр билим бермасдан мавзуни топшириқлар беришдан бошлайди:

Масалан, **30.2дарс**

«Майл қўшимчаларининг услубий хусусиятлари» мавзусида бўлиб, у қуйидаги топшириқ билан бошланади: *кел... сўзи охиридаги нуқталар ўрнига* *-са, -ай (-гин,-син), -моқчи шаклларини =ўйинг. Ҳар=айси шаклда қандай маъно ифодаланаётганини айтинг.*

Топшириқни бажариш давомида талабалар феъл шаклларига эътибор берадилар, замон маъноси борлигини топадилар, харакатни бажарилиш маъноси ифодаланишига диққат қиладилар, яъни назарий маълумотни аввал амалиётда исботлаб, кейин қоида яратадилар.

Она тили дарслигида берилган топшириқлар талаба талабани фикр айтишга, муносабат билдиришга даъват этади. Айниқса, она тили дарслигида маънавиятни шакллантириш устувор йўналиш бўлганлигини пайқаш мумкин. Бугунги талаба фақат эшитувчитингловчи эмас, балки у гапирувчи, ғоялар берувчи, мустақил фикрловчи, ўз дунёқарашига эга бўлган шахс эканлигини, тарбияланувчиларнинг руцший, жисмоний хусусиятлари, интеллектуал имкониятларини дарслик ёзувчи муаллифлар эътиборга олганлар. Чунки яратилган дарслик ўқувчининг шахсига мос тушса, у ўқишдан, уқишдан зерикмайди, дарслик билан ишлаш малол келмайди, дарсликка нисбатан меҳр уйғонади.

Аввалги дарсликларда тил ҳодисалари дедуктив усулда берилган бўлиб, умумийликдан хусусийликка қараб боради, бунда талаба аввал тайёр билимларга дуч келади. Бу билимлар амалий маш=лар орқали мустаҳкамланади; бундай усул талабанинг таълим жараёнининг субъектига айланишига монеълик қилади. Чунки тайёр хулоса, таърифлар, қоида ва ҳукмлар ўқувчининг ижодий фикрлашига, изланишига эҳтиёж туғдирмайди.

Ўз-ўзидан равшанки, бундай щолларда ўқувчи тингловчига, билимларни қабул қилувчи объектга айланади.

Индуктив усулда эса ўқувчи хусусийликдан умумийликка қараб йўл тутади. Бу усулда ўқувчи мавзуни кузатади, таққослайди ва ўқувчи таълим жараёнининг субъектига айланади.

Тафаккурни ривожлантирувчи топшириқларни бажариш натижасида умумлашма қоида щосил қилинади. Хулоса чиқариш ақлий фаолиятнинг асосий сулларидан бўлиб, бола тафаккурининг қай даражада ривожланганлигининг асосий белгиси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам у меъёрга киради. Қоида тузиш ўқувчи зиммасига юклатилади: кузатиш, таққослаш, гуруҳлаш, ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлаш асосида умумлашма щосил бўлади ва қоида яратадилар. Қоида яратишнинг ащамияти шундаки, бу жараён ўқувчини таълим жараёнининг фаол иштирокчисига айлантиради.

Дарслик яратиш ҳамда дарс бериш щақида гап кетар экан, таълим тизимига алоҳида тўхталиб ўтмоқ лозим.

Таълим тизими эркин фикрлашга мувофиқ келишини Президентимиз IX сессияда айтиб

ўтган эди. Она тили таълими тизими ҳақида гапирар эканмиз, бироз ортга қайтишга тўғри келади. XX асрнинг 20-йилларигача матнлар тузиш, =ироат билан ўқиш, фикрни боғланишли матнлар орқали баён қилиш, малака ва кўникмалар ҳосил қилишга эътибор берилди. Маърифат учун хизмат қилган Саидрасул Саидазизов, Мунавварқори Абдурашидхон ўғли, Абдулла Авлоний, Ҳамза асарлари шунга йўналтирилган эди. Кейинчалик эса грамматик таълим бериш она тили таълимида биринчи ўринга чиқди. Ва шундан сўнг бирин-кетин грамматика илмига оид бир қанча дарслик ва қўлланмалар чоп этилди ва мактабларда адабий тил меъёрлари оммалаштирилди.

70-йиллардан буён она тили таълими гарчи нутқ ўстириш ва саводхонликни ривожлантириш масалаларига бағишланган бўлсада, у эркин, мустақил фикрловчи ўқувчилар учун хизмат қилмади, балки «грамматика грамматика учун хизмат қила бошлади».

1989 йилдан бери фаолият кўрсатиб келаётган «Ўзбек тили таълимини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари» доимий илмий-методик анжуманининг таълим тизимида ўзбек тили таълимини такомиллаштириш ва мазмунини янгилаш жараёнидаги ўрнини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бугун она тилидан нималарни ўқитиш лозимлиги, нималарни ўргатишимиз кераклиги уқтирилди щамда янги дарсликлар яратилди. Ҳ. Неъматов бошчилигидаги муаллифлар гурущи томонидан яратилган дарслик грамматика ўқитишга эмас, балки нутқ ўстириш масалаларини ҳал қилишга бағишлангани бунинг исботидир.

Сизга тавсия этилган академик лицейлар учун А.Нурмонов бошчилигидаги муаллифлар томонидан ёзилган «Ҳозирги ўзбек адабий тили» дарслигининг асосий мақсади ўқувчи-талабаларда фикрлаш қобилиятларини ўстириш, тафаккурини ривожлантириш масалаларига бағишланган. Дастур щамда дарслик грамматик мавзуларни ўрганиш асосига қурилган бўлса-да, мақсад фақат тилшунослик илмини ўрганиш эмас, балки тил илми билан биргаликда асосан ижодий тафаккурни ўстириш, мустақил фикрловчи ёшларни тарбиялаш, эркин фикрлайдиган ўқувчиларни ўқитишдан иборатдир. Чунки онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб, биз кўзлаган мақсад «озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди».

«Бу соҳадаги ишларимизнинг пировард мақсади, -деб таъкидлайди И.А. Каримов,- иймон-эътиқоди бутун, иродаси бақувват эркин фуқаро маънавиятини шакллантиришдир, яъни мустақил дунёқарашга эга, аждодларимизнинг бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурга таяниб яшайдиган баркамол шахс-комил инсонни тарбиялашдан иборат».

Таълим соҳасидаги ислоҳотларни ҳаётда қўллашда ўқитувчиларнинг масъулиятини ошириш замон талаби, ҳаёт эҳтиёжидир. Ықитувчининг дарс бериш услуби маънавият, инсон руҳиятига таъсир қилиш даражаси, ўқувчиларни бошқариш, йўналтириш, қизиқтириш санъатини эгаллаш омиллари билан ўлчанар экан, унинг самарали усуллари, йўллари, янги воситаларини кашф қилиш ижодий жараёндир.

Дарсликда грамматик билимлар тизими ва эгалланиши зарур бўлган минимал нутқий малака ва тафаккур ўстириш масалаларини инобатга олган ҳолда тажрибаларда синалган илмий-методик мезонларга асосландик.

Муаллифлар дарслик ёзишда мактабда ўрганилган мавзуларни мазмунан-шаклан кенгайтирган тарзда ёритдилар ҳамда она тили ўқитишда узлуксизликка алоҳида эътибор берилган бўлиб, у грамматик билимларнинг умумдидактик ва она тили ўқитиш методикаси тамойиллари асосида тақсимланган.

Она тили ўқитишни эгаллаш учун зарур бўлган мавзулар, материаллар, грамматик воситалар илмий, мантиқий изчилликда, оддийдан мураккабга томон тарзда яхлит тизим сифатида берилди.

Ҳозирги ўзбек адабий тилининг морфология бўлимини ўргатишдаги методик мақсад нимадан иборат эканини аниқ белгилаб олиш даркор: бунда 3 хил мақсадда мурожаат этилади:

1)ўзбек тили материалини ўргатиш;

2) ўзбек тилида ўз фикрини баён қилишга ўргатиш;

3) тафаккур ўстириш.

Морфология ўқитиш методикасида аввал репродуктив метод тарғиб қилинди, сўнгра эса продуктив (маҳсулдор) методга ўтилди.

«...Маҳсулдор нутқ-фикр баёнининг грамматик шаклини танлашда, баённинг мантиқий режасини тузиш ва баён мазмунини белгилашда ижодкорлик ва мустақиллик билан тавсифланади.»[1]. Маҳсулдор (продуктив) нутқ ижодкорлик демакдир. Буни методист А.М. Петре ҳам тасдиқлайди. У маҳсулдор нутқ деб мазмунни тушунганликдан далолат берувчи шакл ўзгартиришларни айтади.

Талаба дарсда тил воситаларини ўзи танласа, гапни ўзи тузса, ўз муносабатини баён этса, ўзи маъқул топган режага амал қилсагина ижодкорлик юз беради. Дарсликда талабаларга бериладиган савол-топшириқлар матнда тасвирланган воқеа-ҳодисаларни идрок қилиш, моҳиятини англаш, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатларига муносабат билдириши каби муҳим дидактик-тарбиявий мақсад сари йўналтирилган. Масалан, 14-дарсда шундай топшириқ берилган:

*Ватан ҳақида берилган ҳикматларни ёзинг ва унинг ма\зини чақинг. Сиз ҳам Ватан ҳақидаги ҳикматли фикрларни давом эттиринг. От сўз туркумининг ишлатилишига эътибор беринг.*

*(Рогова Г.В., Верешагина И.Н. Методика обучения английскому язнку на начальном этапе в средней школе. Москва «Просвеодения», 1988 г).*

Дарслик умумдидактик тамойилларига асосланади: жумладан, *тарбияловчи таълим тамойили.* У берилган билим мазмуннинг тарбиявий аҳамиятида ҳам, ўқувчи-талабаларнинг мантиқий фикрлашини тартибга солишда ҳам, мантиқан асосли, тўғри ва равон гапиришга ўргатишда ҳам, ақлий меҳнат кўникма ва малакаларни шакллантириши, ўқув-билув фаоллигини ўстиришда ҳам ўз аксини топади.

2. *Тизимлилик тамойили*га кўра ўзбек тили грамматикасини тизим сифатида ўрганишга асосланади.

3. *Фаоллик тамойили.* Талабалар дарсда фаол иштирок этадилар.

4. *Кўрсатмалилик тамойили*- у талабаларнинг идрокини янада ойдинлаштиради. Мавзуни тушуниш жараёнида тасвирланаётган нарса, буюм, ўрин-жойни баён этилаётган воқеа-ҳодисаларни кўз ўнгида гавдалантириш, аниқ манзарани кўз олдига келтиришда ўз ифодасини топади.

Кўрсатмали воситани кўрсатиш эмас, балки у билан ишлаш керак, шундай бўлсагина талабаларнинг ижодий билимларини оширишга эришиш мумкин.

Кўргазмали қуроллар сирасига фақат қуроллар эмас, балки аудиториядаги доскага чизиладиган расмлар ҳамда чизмалар ҳам киради. Ўқитувчи чизган расм талабаларнинг билимларини ўзлаштириш жараёнини осонлаштиради ҳамда уларнинг ижодий фикрлаш қобилиятларини кенгайтиради. Бундай кўргазмалар кўрсатмалиликнинг бошқа воситалари билан бирга талабаларнинг ҳодиса ва воқеаларни хотирада сақлаб қолишларига, идрок қилишларига ёрдам беради.

5. *Индивидуал ёндашиш тамопили* ҳаммага бир хил талаб қўймаслик, ҳар бир талаба ўзига хослигини назарда тутиш, эътибор бериш.

6. *Ривожлантирувчи таълим тамойили.* Талабаларнинг билими изчил бўлиб, кундан-кунга янгидан-янги тил бирликлари билан бойиб боришида намоён бўлади.

Талабаларда қуйидаги билим, кўникма ва малакалар мавжуд бўлишига эришишимиз лозим:

1. Ўқувчиларнинг фаол сўз бойлигини ошириш.
2. Уларни грамматик воситаларни қўллашга ўргатиш.
3. Гапларни мантиқан ўйлаб, маъноли қилиб айтишга кўниктириш.

Дарслик умумдидактик ва методик тамойилларга амал қилади. Чунки талабага бир хил топшириқ бериш, бир хил билим бериш уни толиқтиради. «Бизнинг мақсадимиз,-деган эди мутафаккир Беруний,-ўқувчини толиқтириб қўймасликдир, ҳадеб бир нарсани ўқий бериш зерикарли бўлади ва тоқатни тоқ қилади. Агар ўқувчи бир масаладан бошқа бир масалага ўтиб турса, у худди турли-туман гулзорда сайр қилгандек бўлади, бир боғдан ўтар-ўтмас

бошқа боғ бошланади. Киши уларнинг ҳаммасини кўргиси ва томоша қилгиси келади. Ҳар бир янги нарса кишига роҳат бағишлайди».

Фикрни тўғри ва изчил баён қилиш учун талаба етарли сўз бойлигини тўплаш, грамматик маъно ифодаловчи воситалар асосида сўзларни грамматик шакллантириш малакасини ривожлантириш зарур.

Ўқувчиларнинг фаоллигини ошириш мақсадида қоида-ахборотлар, қоида-кўрсатмалар билан танишиш жараёнида ўқитувчи раҳбарлигида ана шу қоидалар талабаларнинг ўзлари томонидан яратилса, яхши натижалар беради.

Она тили дарсларининг мазмунини белгилаш ва таълим методларини танлашда, диққат шунчаки нутқ ўстиришга эмас, балки гапириш фаолиятининг субъектига-ўқувчига-унинг эҳтиёжларига, қизиқишлари, атрофдаги оламга муносабатига қаратилмоғи зарур.

Машқларни бажартиришда шундай қилиш керакки, ўрганилган грамматик материалдан вазиятга қараб эркин фойдаланиш малакасини ҳосил қилиш керак. Талабаларда ҳар қадамда ўрганилган грамматик материални нутқда қўллаш кўникмаси шакллансин. Сўзлашув вазиятларининг тез-тез ҳосил қилиниб туриши, қизиқишнинг пасаймаслиги муваффақият гаровидир.

Методист олим С.В.Калинина ўқувчиларни монологик баёнга ўргатиш концепциясини ишлаб чиққан. У «Умумтаълим мактабининг вазифаси ўқувчилардан ўз фикрларини боғланишли ва мантиқий баён қилиш малакасини шакллантириш йўлида пойдевор қўйишдан иборат»[1] деб таъкидлайди Биз ҳам юқоридаги фикрларга қўшилган ҳолда академик лицейларда мантиқий баён қилиш эмас, балки мантиқий фикрлашга ўргатишни вазифа қилиб қўямиз. Худди шунингдек, академик лицей талабаларида ҳам фикр баён қилиш йўл-йўриқларини ҳамда мустақил фикрлашни ривожлантириш долзарб вазифадир.

Дарсликнинг асосий вазифаси теран фикрга эга бўлган тафаккурли инсонни ўқитиш экан, уни янги педагогик технологиялар орқали уқтиришимиз, ўқитишимиз керак. Чунки янги педагогик технологиянинг инсон тафаккури олдига қўяётган асосий вазифаси оламни билишгина эмас, балки уни ўзгартиришга қаратилганлигидир.

Бизнинг мақсадимиз дарсликда берилган билимларни мияда ёд олиб қолишгина эмас, балки шу илмларни хаётга тадбиқ қилиш, атрофлича талқин қила билишни ўргатиш.

## ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ ВА УНИНГ МОЩИЯТИ

Ы=ув юртларида таълим-тарбия жараёнини шакллантириш, билимларни самарадор усуллар ор=али сингдириш Ызбекистон Республикаси «Таълим ты\рисида»ги +онунининг асосий йыналишидир. Унда кырсатилишича, «ы=итишнинг ил\ор шакллари ва янги технологияларни, таълимнинг техник ва ахборот воситаларини ы=ув жараёнига жорий этиш»[1] асосий масалалардан биридир.

Таълим жараёнини янги мазмун ва шаклда йылга =ыйиш масаласи щар бир фан учун тааллу=лидир. Шу сабабли замонавий ы=итиш учун бизга педагогик технология зарур.

---

[1] «Таълим ты\рисида»ги +онун // Баркамол авлод-Ызбекистон тара==иётининг пойдевори.-Т.: Шар=, 1998. -Б. 27.

Технология атамаси щаётимизнинг щар бир жабщасида муста=илликдан сынг кенг =ыллана бошлади. Ана шулардан бири биз фикр юритмо=чи былган **педагогик технологиядир.**

Щозирги кунда педагогик технология тушунчасига щамма щар хил таъриф бермо=да ва уни тушуниш щам турлича былмо=да.

Педагогик технология турлича таърифланаётган былса щам, унинг мощиятини ы=ув жараёнини мукаммал лойищалаштириш, ани= ма=садлар =ыйиб, унга эришиш имконини берувчи тамойиллар йи\индиси ташкил этади.

ЮНЕСКО таърифича, педагогик технология-техник щамда шахс ресурсларини щисобга олиш[2], М.В.Кларин фикрича, педагогик технология-ы=ув жараёнини лойищалаш[3], В.П.Беспалько педагогик технология ы=итувчи мащоратига бо\ли= эмас,[4] деб айтса, Б.Л.Фарберман уни «ижтимоий онг ифодаси, техникавий тафаккур асосида стандарт щолига солиб, унинг оптимал лойищасини тузиб чи=иш билан бо\ли= ижтимоий щодиса»[5], -дейди.

Ызбекистонлик олимлар У.Нишоналиев, Ы.Толиповлар щам Ызбекистонда педагогик технологиянинг татби= этилишига муносиб щисса =ышдилар. Педагогик технология доираси янги ы=ув материалини ызлаштиришнинг бошлан\ич, алгоритмик, ижодий, эвристик характердаги даражаларга былинади.

Профессор Н.Сайидащмедов эса субъект ва объект тушунчаларига алощида эътибор беради щамда щар =андай таълимий технологиялар асосини дидактик жараён ташкил этиш[6]ини таъкидлайди. Профессор Н.Хыжаев былса, педагогикага интеграл технологияни олиб киришни таклиф =илиб, ы=итишга (технологияга) педагогик психологияни татби= этишни тавсия этади[7].

Ща=и=атан щам биз ы=увчиларнинг психологияси щамда унинг ызига хос индивидуал хусусиятларини билмас эканмиз, таълим беришда тыла ма=садга эриша олмаймиз. Чунки ы=увчиларнинг ёш хусусиятлари ырганилиб, сынгра шу асосга мылжаллаб дарслар ташкил =илиниши кутилган натижани беради.

Б.Зиёмущаммадов щамда Ш.Абдуллаевалар педагогик технологиянинг бош=а таълим услубларидан фар=и таълим жараёнини бир бутунликда эканлигини таъкидлаб, дарс натижаси билим берувчининг педагогик мащоратига бо\ли= эмас[8]лигини у=тирадилар. Бу фикрни В.П.Беспалько щам тасди=лайди. Биз эса бундай =арашга =ышила олмаймиз. Чунки фаолиятли ёндашувни, тизимлиликни, асосланганликни исботлаш щамда мотивация щосил =илиш учун ы=итувчи билим олувчиларда дидактик жараёнларни лойищалаштириши лозим, бунда албатта ы=итувчининг мащорати зарур ва шарт былиб щисобланади.

Бизнингча, педагогик технология – бу билишда амалий меъёр ва объектив борли=ни бир бутунликда ырганиш, бир фанни ырганишда фалсафий =онуниятларнинг акс этиши, образли фикрлашга одатлантириш, ёшларнинг билим олишга былган =изи=иш ва эщтиёжларини =ондириш, эщтиёж туфайли билишга ыргатиш, ы=увчиларни фаоллаштириш, ДТС асосида муста=ил ва эркин фикрлашга ыргатиш, таълимда техник ва ахборот воситаларидан фойдаланиш, ы=увчиларни ностандарт тафаккур =илишга ундаш, фикрлар ранг-баранглигига эришишдир.

Педагогик жараён, аслини олганда, диалектик =онуниятлар ва категориялардан келиб чи=ади. Педагогик технологиянинг ма=сад, вазифа, мазмун ва методлари унинг бир бутунлигини белгилайди. Педагогик технологияни такомиллаштиришда диалектиканинг ызига хос =онуниятларини щисобга олиш унинг илмий ва амалий гаровидир.

---

[2] Фарберман Б.Л. ва бош=алар. Олий ы=ув юртларида ы=итишнинг замонавий усуллари. Ы=ув-услубий =ылланма.-Т., 2002.-Б.138.

[3] Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. -М.: Знание, 1989. – С.75.

[4] Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии. – М.: Педагогика, 1989. – С.192.

[5] Фарберман Б.Л. Ил\ор педагогик технологиялар. -Т., 1999. -Б. 4.

[6] Сайидащмедов Н. Икки шахс // Маърифат. - 2000. – 19 июнь.

[7] Хыжаев Н. Педагогик технология ща=ида // Миллий таълим.-2003.-№ 2.-Б. 15.

[8] Зиёмущаммадов Б., Абдуллаева Ш. Ил\ор педагогик технология. - Т.: Абу Али ибн Сино, 2001.-Б. 21.

Бизнинг асосий ма=садимиз педагогик технология ща=ида фикр юритишгина эмас, балки тил таълимига ана шу технологияни =андай усулларда олиб кириш билан бо\ли=дир.

Таълимни технологик усулда олиб бориш ы=увчиларга билим асосларини илмий, ишонарли ва таъсирчан сингдириш, таълим мазмунини ижодий режалаштириш щамда уни янги \оялар билан бойитиш щисобланади.

Педагогик технология «янги педагогик технология», «ил\ор педагогик технология», «замонавий педагогик технология» номлари билан атаб келинмо=да. Бизнингча, «янги» тушунчаси бу-ва=т билан бо\ли= щодиса былиб, у доимо янгилигича =олмайди, ил\ор педагогик технологияда-ил\ор тушунчаси щар доим щам ты\ри келавермайди, фикримизча, замонавий деган тушунча ты\ри келади. Чунки щар бир давр (замон)нинг ыз технологияси мавжуд былиб, ыша замонга ты\ри келадиган, янгилик деб =абул =илинган \оялари мавжуд былади. Шу жищатдан замонавий технология деб аташ манти==а ты\ри келади.

Таълим самарадорлигини оширувчи усуллар мавжуд экан, замонавий педагогик технологиялар щам ызининг ижобий натижаларини кырсата беради. Бунинг учун, энг аввало, ижодий-изланувчи ы=итувчи шахси ащамиятлидир. Ы=итувчи ы=увчиларнинг муста=ил фикр юритишлари учун ы=увчиларга имкон бериши, хулоса-щукмлар чи=аришга, ыз \ояларини беришга ыргатиши ма=садга мувофи=дир.

Давлат таълим стандартларида замонавий педагогик технологияларни жорий этиш юзасидан педагогларга =уйидагича талаблар =ыйилган:

-ы=ув жараёни тамойиллари ща=ида тасаввурга эга былиш;

-ызлаштиришнинг унумли ва изланув по\оналари учун педагогик технологияларни яратиш;

-ы=итиладиган фанга тааллу=ли ил\ор педагогик технологияларни ишлаб чи=иш;

-«лойищавий ы=итиш»ни =ыллай олиш, ы=итишга технологик ва изланувчан ёндашиш усулини ишлаб чи=иш;

-ы=ув ма=садлари ва вазифаларининг каталогини ишлаб чи=иш вазифаларини =ыяди[9].

Ана шу ма=саддан келиб чи==ан щолда ишимизда «ы=итишда технологик ва изланувчан ёндашиш усули»ни ёритишга щаракат =илдик.

Замонавий педагогик технологияларнинг таълим тизимига жадал кириб келиши янгича фикрлаш натижаси былиб, ривожланиш сари бораётган жамиятимизнинг янгиланишига олиб келади. Жамиятимизда муста=илликдан сынг анъанавийликдан фар= =иладиган замонавий технологиялар яратилди. Щозирга =адар таълим жараёнида **щамкорликда ы=итиш технологияси, муаммоли ы=итиш, дидактик ыйинлар ытказиш технологияси, модулли таълим технологияси, гурущларда ы=итиш технология**лари амалиётга кенг жорий этилди. Улардан модулли дастур ёрдамида ы=итиш ы=увчиларни муста=ил щамда ижодий ишлашга ыргатиш щисобланади.

**Щамкорликда ы=итиш технологиясини** биринчи былиб россиялик ы=итувчилар =ыллаб, кафолатланган натижаларини тажрибада синаб кырдилар. Щамкорликда ы=итишнинг натижаси шуки, ы=увчилар ы=ув топшири=ларини сифатли бажаришга ырганадилар, ызаро ёрдам щамда фикр алмашиш учун =улай имконият яратилади.

Гурущларда ишлаш технологияси =ылланганда щар хил фикрлар айтилади, лекин уларнинг ичидан энг маънолиси танлаб олиниб, фикрлар умумлаштирилади. Бизнингча, гурущда ишлашда доимо щар бир ы=увчида ижодий фикрлаш юз бермайди, чунки ыша гурущдаги аълочи ы=увчи ыз сызини ытказа олади, ил\ор \оялар беради, натижада билганлар ырганиб, билмаганлар яна жим ытиришлари мумкин. Билимларни ызлаштиришга =ийналаётган ы=увчилар эса улардан ырганади; биз гурущларда ишлашда щамма тенг, щамма эркин фикрлай олади, деган мулощазаларга =ышила олмаймиз. Рущшунос З.Нишонова бу ща=да =уйидагиларни эътироф этади: «Фикрлар лидерлари орасидаги интеллектуал лидер-гурущ аъзоларига ыз фикри, \оялари, принциплари, =адриятлари билан

[9] Олий ва ырта махсус, касб-щунар таълими педагоглари щамда ращбар ходимларининг малакасини оширишга =ыйиладиган давлат талаблари. -Т., 2000. -Б. 25.

ажралиб турадиган шахс былиб, айнан шундайлар ызлари муста=ил фикрловчи ва ызгаларни щам муста=ил, эркин фикрлашга чорловчи, ундовчи мотиваторлар»[10]дир.

Тад=и=отчи +.Щусанбоева «интерфаол методлар»ни муаммоли таълим методлари сирасига киритади[11]. Гурущларда =андай ишлаш, у =андай талабларга жавоб бериши кераклиги =уйидагиларда ыз аксини топган:

-ы=увчилар шу ишни бажаришлари учун билим ва малакалари етарли эканлигига ишонч щосил =илиш;

-гурущларга ани= йыл-йыри=лар кырсатиш;

-вазифанинг бажарилиши учун етарли ва=т ажратиш;

-ыз вазифасини ва=тдан илгари бажарган гурущнинг бандлигини таъминлаш;

-=ыйиладиган масала мураккаб былганда гурущларни камайтириб, гурущ аъзоларининг сонини кыпайтириш;

-бащолаш ва мукофотлаш гурущ аъзоларининг фаоллигига таъсир этилишини кызда тутиш;

-кучли гурущларни мукофотлаш;

-бажарилган иш натижасини бащолаш ва бащоларни эълон =илиш;

-жамоанинг эркинлигига имконият яратиш:

Кыриниб турибдики, интерфаол методларни амалиётга жорий этишда, асосан, ва=т меъёри, ы=увчилар билимини ты\ри бащолаш щамда улар фаоллигини таъминлаш каби масалаларга эътибор =аратиш мущим щисобланади.

**Муаммоли ы=итиш технологияси** щам замонавий педагогик технологиялар сирасига киради. Мазкур технологияда жумбо= щосил =илинади, унинг ечимини ы=увчилар муста=ил равишда топадилар, бир хил саволга жавоблар турли-туман былади, жавоблар далиллар асосида былиши талаб =илинади, ижодий фикр юритиш давомида назарий ва амалий жищатдан фикрлар исботланади, натижада фалсафий фикрлаш, манти=ий хулоса чи=ариш амалга ошади. Ы=итувчи бу технологияда ща=и=атан щам йыналтирувчилик вазифасини бажаради.

Фалсафий фикрлаш эса тафаккур ыстиришнинг асоси щисобланади (Бу ща=да II бобда берилган). Тажрибаларимиз шуни тасди=лайдики, муаммоли ы=итиш технологияси тил таълимини ыргатишда асосий восита щисобланади, чунки бунда рущий жищатдан тетикланиш щодисаси юз беради.

**Дидактик ыйин технологияси** ор=али ы=итиш ы=увчиларнинг билим олиш фаолиятининг ыйин фаолияти билан уй\унлигини кырсатади.

Педагогик ыйин ы=итувчи билан ы=увчилар ыртасидаги ызаро муносабатларни уй\унлаштиради. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да янги методлар, усулларни =ыллаш, дарс ытишнинг турли шакл ва воситаларидан фойдаланиш щар бир ы=итувчи учун дастуруламал былиши кераклиги алощида таъкидланади.

Ы=увчиларни билимларни муста=ил эгаллашга ундовчи ы=итишнинг муаммоли усули, мунозаралар, дидактик ыйинлар, махсус ижодий топшири=лар, щар хил ёшдаги жамоада, ялпи ва 1 гурущга доир топшири=ларни бир-бирига =ышиб олиб бориш ва шунга ыхшашларнинг щаммаси педагогик жараёндан муносиб ырин олиши керак[12].

Ы=итувчиларимиз дарсни ноанъанавий тарзда олиб боришлари учун улар замонавий таълим технологиялари мощиятидан хабардор былишлари, педагогик фаолиятни ташкил этишда ана шу ноанъанавийликни самарали =ыллай олишлари мущим щисобланади. Замонавий педагогик технология щамда унинг бир кыриниши былган ноанъанавийлик ща=ида жуда кып фикрлар айтилди, мунозаралар олиб борилди, биро= уларнинг щалигача =олипга тушган назарияси щамда унинг амалиётдаги исботи ыз аксини топгани йы=.

---

[10] Нишонова З. Ижодий муста=ил фикрни тарбиялашда ы=итувчининг ролини янада ошириш // Таълим–тарбия.-2001.- №1-2. -Б.40-41.

[11] Щусанбоева +. Адабий таълимни ташкил этишда муста=ил фикрлаш: Пед. фанлари д-ри ... дис. -Т., 2003. – Б. 178.

[12] Умумий ырта таълим концепцияси // Хал= таълими. - 1992. - № 2. -Б.4.

Шунинг учун щам бугунги кунда щар бир фан унинг мощиятини очиб берувчи назарияларни алощида-алощида яратиши та=озо этилади.

## Ноанъанавий таълим - дарс самарадорлигини оширувчи восита

Замонавий педагогик технологиянинг мущим хусусияти билимларни ызлаштиришдангина иборат былмасдан, балки муло=от материали сифатида ахборотлардан фойдаланишни щам ыз ичига олади. Ы=итиб ыргатадиган анъанавий педагогика ыз самарасини бермай =ыйганлигини ы=итувчиларимиз тушуниб етмо=да. Сабаби, XXI аср тайёрини ы=иб-ырганиш эмас, излашга, =идиришга ыргатиш, зиддиятли фикрлар щосил =илиб, ундан ты\рисини топиш, ы=увчилардан кып таклифлар олиш ва уни =ыллаб-=увватлаб образли фикрлашга ыргатадиган аср. Бунинг учун эса ы=итувчилар ижодкор, изланувчан былишлари даркор. Ноанъанавий усуллар ы=итишнинг замонавий технологиялари таркибига кириб, у таълим тизимини ислощ =илишнинг асосий ма=сади сифатида ы=увчиларнинг фикрлаш =обилиятини ривожлантиришга мылжаллангандир. Ноанъанавий дарс ва усулларнинг =ылланиши кыр-кырона, шаклбозлик учун былмаслиги керак, унинг исботланмаган тарзда олиб борилиши самарасизгина эмас, балки зарарли щамдир. Негаки ноанъанавийлик тасди=ланган, режалаштирилган анъанавийликдан тубдан фар= =илар экан, унинг самарасини ы=итувчи аввалдан кыз олдига келтириши, шунга кыра уни ташкил =илиши ма=садга мувофи= былади.

Ноанъанавий таълимга кенг йыл очилиши «анъанавий дарс усулларининг бир =олипга тушиб =олган, болани зериктирадиган, алмисо=дан =олган усуллардан фойдаланишнинг самарасизлиги, ы=увчиларга фа=ат =оидани ёдлатиш, лекин уни амалда =ыллашдан ожизликнинг щосил былгани, ы=увчиларнинг о\заки, ёзма нут=ининг талаб даражасидан нищоятда пасайиб кетганлиги ва шуларнинг натижасида уларда фикрлаш, тафаккур, манти=ий фикрнинг пассивлашгани натижаси деб билиш мумкин. Кыпгина мактабларда нут= ыстириш ырнига щали щам грамматика ыргатиш давом этяпти»[13].

Ноанъанавий таълимдан кызда тутилган ма=сад ы=увчиларга фа=ат билим, кыникма, малака беришдан иборат былмасдан, уларни табиий шароитга я=инлаштиришдан иборатдир. Яъни дарсда вужудга келадиган муаммоли вазиятларни ызларида мавжуд былган билим, кыникма ва малакалар ор=али щал =илишга, ы=увчиларни муста=ил ва образли фикрлашга ыргатишдан иборатдир. Шундагина ы=увчи дарсда фаол иштирок этувчи шахсга айланиши, эркин фикрлай олиши ва ыз фикрини дадил айтиши щамда уни щимоя =ила олиши, ташаббускор, муста=ил была олиши мумкин. Бу хусусиятларнинг шаклланиши ы=увчининг рущий щолатига щам таъсир этади ва ноанъанавий таълим натижасида уларда ызига хос психологик характер шакллана боради: щар =андай щолатда ыз фикрини айтиш, ызгалар фикрини мущокама =илиш, хулосалаш, =иёслаш, инкор =илиш каби хусусиятлар таркиб топа боради. Ноанъанавий таълимни интерфаол, ижодий, муаммоли, бащс-мунозарали, савол-жавоб усулларида олиб боришда билим олувчи етакчи саналади. Умуман олганда, ноанъанавий таълимда ы=увчи дарсда фаол иштирок этади ва билим олувчи, ыз билимини намойиш этувчи былиши мумкин.

Муста=илликдан сынг «ноанъанавий дарс», «ноанъанавий усул», «интерфаол усуллар», «тренинг дарслари», «синквейн», «класстер», «занжир»... каби атамаларга оид она тили ы=итиш хусусидаги илмий тад=и=отлар, рисолалар, ма=олалар, ахборот-тезислар берилмо=даки, бу ишларнинг барчасида дарснинг маълум типида ёки бос=ичларида дарс самарадорлигини оширувчи, яъни она тили таълимидаги анъанага кирган усуллардан фар=ли былган усул ва йыл кырсатилмо=да.

[13] Мащмудов Н. Она тили ы=итишнинг долзарб муаммолари // Тил ва адабиёт таълими. – 1993. –Б. 3-4.

Дарс таълим бериш ма=садига йыналтирилган ы=итиш жараёни былиб, у таълим олиб бориш ма=садига кыра маълум талабларга жавоб бериши керак былади. Бу талаблар дарс =урилишига, дарс типларига, бос=ичларига тааллу=ли былиб, таълимнинг анъанавий шаклига тегишлидир. (Уй вазифасини сыраш, янги билим бериш, мустащкамлаш, уйга вазифа бериш, такрорлаш дарслари, ёзма иш ытказиш ва щ.к.). Шуни щам унутмаслик керакки, «доимо бир хил шакл ва методларда дарс ыта бериш ы=увчиларнинг дарсга =изи=ишини сусайтириши, рущий толи=тириш натижасида шу ы=итувчининг дарсларига ло=айд муносабат пайдо былиши мумкин»[14].

Ноанъанавий дарсни ташкил этиш ва ытиш анъанавий усуллардан фар=ланувчи щолат былиб, у ноанъанавий дарс, ноанъанавий метод, ноанъанавий усул, ноанъанавий йылларни ыз ичига олади. Умуман олганда, ы=итувчининг таълимга ижодий, самарадор ёндашишини щамда маш\улотларни ызгача олиб боришини таълимни ноанъанавий тарзда олиб бориш деса былади; бу инновацион технология деб щам юритилмо=да.

Ноанъанавий дарсларни ташкил =илиш, уларнинг самарадорлигини исботлаш, ы=увчиларнинг маълум мавзуни эгаллашларида бу каби дарсларнинг ащамияти ща=ида Ж.Толипованинг «Ноанъанавий таълимнинг дидактик асослари» мавзусидаги номзодлик диссертациясида эътиборли фикрлар берилган. Тад=и=отда ноанъанавий таълимни рыёбга чи=аришда 3 асосий омил санаб ытилади: ижодкор ы=итувчи, мукаммал дарслик, фаол ишловчи ы=увчи[15].

Ноанъанавий дарс - таркибий жищатдан анъанавий дарслардан фар=ланади. М.Валиеванинг «Она тили дарсларида турли сащифалардан фойдаланиш»[16] ма=оласидаги бир соатлик синов дарси ишланмасининг берилиши бунга мисол была олади. УЫТДТСида белгиланган кыникмаларни щосил =илиш учун ы=увчилар она тили дарсларида ноанъанавий усуллар ор=али янги технология асосида бадиий, бадиий-ижодий, тасвирий ва эркин мавзудаги иншоларни ёза билишлари, фикрларини равон ва ты\ри ифодалай олишлари лозимлиги кырсатилади.

Тад=и=отчи +.Щусанбоева эса янги педагогик технология билан методларнинг фар=ини тушунтириб беради, янги технологиянинг мощиятини =уйидагича изощлайди: «Янги педагогик технология амалиётда, хусусан, адабий таълимда бола шахсини бош =адриятга айлантириш, унга таълим жараёнининг объекти эмас, субъекти сифатида ёндашиш»[17] демакдир. Ушбу фикрга =ышила олмаймиз, чунки педагогик технологиянинг мощияти фа=ат бола шахсини бош =адриятга айлантириш билангина ылчанмайди.

Таълимни ноанъанавий дарс шаклида олиб боришнинг самарадорлиги шундаки, биринчидан, ы=увчиларга она тилидан ДТС асосида илмий билим берилади, иккинчидан, она тилидан кызланган ма=сад амалга оширилади, учинчидан, фа=ат назарий маълумотларгина берилмасдан, ы=увчиларнинг уни амалиётда, щаётий-табиий щолда =ыллаш ор=али дарсга былган интилиши кучаяди, дарсга =изи=иш билан =атнашишлари таъминланади.

Ил\ор ы=итувчилар, методист олимлардан Р.Искандарованинг «Танлов дарси», «Хотира дарси»[18], Г.Ю.Никитенконинг «Билимлар океанига экскурсия», «Сифат ща=идаги эртак»[19] дарслари, Д.+ащщорованинг «Эртак дарси»[20], Ж.Толипованинг номзодлик диссертацияси[21] щамда З.Нишонова[22] каби олимларнинг ноанъанавий дарслар хусусидаги

---

[14] +одиров В. Ноанъанавий дарслар// Илмий-услубий ма=олалар тыплами. 5-чи=иш. - Андижон, 1996. -Б. 3.

[15] Толипова Ж. Ноанъанавий таълимнинг дидактик асослари: Пед.фанлари номзоди....дис..-Т., 1996. -Б.157.

[16] Валиева М. Она тили дарсларида турли сащифалардан фойдаланиш // Тил ва адабиёт таълими. – 2002. - №5-6. – Б. 7-12.

[17] Щусанбоева +. Адабий таълимда муста=ил фикрлашга ыргатиш асослари. -Т.: Узинкомцентр, 2003. -Б.94.

[18] Искандарова Р. Она тили ы=итишда ижодкорлик дарслари // Таълим бы\инларида она тили ы=итиш мазмунини янгилаш асослари.-+арши. –1993. –Б.29-30.

[19] Никитенко Г.Ю. Игра как средство повыщения интереса к урокам русского языка // Русский язык.-1991. - №8. – С.12.

[20] +ащщорова Д. Антоним, синоним ва омоним сызлар мавзусини эртак усулида ытиш // Тил ва адабиёт таълими. –1996.-№3. -Б.34-40.

[21] Толипова Ж. Ноанъанавий таълимнинг дидактик асослари: Пед. фанлари номзоди. ... дисс -Т., 1996.

бир =анча тад=и=отлари «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да келтирилган талабларга берилган ызига хос жавобдир. Умуман олганда, дарсни ташкил =илишда ы=итувчилардаги ижодийлик, топ=ирлик, ноанъанавий шаклларни излаш, синаш, оммалаштириш 90-йиллардан кейин кенг тус олди. 1996 йилда республика педагогик ы=ишлари учун тавсия этилган маърузалар[23]нинг тенг ярми ноанъанавий таълимга ба\ишланган былса, «Ызбек тили ы=итишнинг илмий-методик доимий анжумани»да берилган ма=олаларнинг щам аксарияти шу муаммоларга ба\ишлангани барча ы=итувчиларимизнинг бу масалага жиддий ёндашаётганидан далолатдир.

Агар ноанъанавий дарс маълум дарс жараёнини мутло= равишда анъанавий бос=ичлардан фар=ли уюштириш былса, ноанъанавий метод хусусий дидактик методлар ну=таи назаридан таълимни ташкил =илиш ва уни ытказиш жараёни саналади.

Дарсни ташкил =илиш технологияси билан методи бир-биридан фар= =илади, чунки технологияда таълим шаклларининг самарадорлиги, шахс ресурслари щисобга олинади. Ы=итувчининг ишбилармонлиги ва мащорати технологияда щам, методикада щам акс этади. Технология методикадан фар=ли ыларо= тизимли метод щисобланади. Технология методика, дидактика назариясини инкор этмайди, аммо уларнинг ырнини щам босмайди.

Дидактик ва методик адабиётларда фаоллик даражаси асосан уч бос=ичдан: =айта хотирлаш (репродуктив), =исман ижодийлик (интерпретацион) ва ижодий фаолликдан иборат дейилади,

Маълумки, анъанавий методда ы=итувчи ахборотни тушунтиради, тизимли ёндашувда эса манти=ийлик, ани=лик мавжуд былади. Ы=увчининг ташаббускорлиги, муста=ил фикрга эгалиги тад=и=ий-ижодий ёндашувда амалга ошади.

Илмий жищатдан асосланган методларни =ыллаш таълим самарадорлигига хизмат =илади. Психолог З.И.Калмикова тавсия этган методлар шу жищатдан бирмунча асослидир. У ыз тад=и=отларида тафаккурни репродуктив ва продуктив(мащсулдор) турларга ажратиб ырганган эди[24].

Ызига хос фикр яратиш ёки мущим илмий ащамиятга молик былган, кашф =илиш билан белгиланадиган тафаккур продуктив даражадаги тафаккур дейилади. Инсоннинг тайёр мулощазаларни ызлаштириб олишга =аратилган тафаккури репродуктив тафаккур щисобланади.

Бир неча йиллардан буён ы=итишга анъанавий ёндашув билан ноанъанавий ёндашувлар ыртасида бащс юритилмо=да. Ы=итишга анъанавий ёндашувга тушунтирувчи, репродуктив методлар киритилади. Чунки бунда ы=увчиларга тайёр билимлар берилади, ы=итувчи билимларни узатиш щамда сингдириш йылларини ташкил =илади, ы=увчилар билимларни =абул =илиб, уни ыз хотираларида са=лаб =оладилар щамда олган билимларини хотирада =айта тиклаб айтиб берадилар. Анъанавий тизимда, яъни репродуктив методда ы=увчи олган маълумотларини бир =анча ва=т ытиб тиклай олса (вазифа сыралганда, имтищонда, коллоквиумларда) ызлаштириш ижобий бащоланади, чунки бу тизимда билимлар ылчови, асосан, эслаб =олиш, хотиранинг ыткирлиги билан ылчанади. Бизнингча, репродуктив методнинг камчилиги шундаки, унда ы=увчилар изланмайди, топмайди; фикрлар хилма-хиллиги юз бермайди, берилган билимларнинг щаммаси эса щамиша эсда =олавермайди. Ы=увчилар репродуктив метод ор=али ы=итилганда, кып билим эгаллашлари мумкин, аммо уларда ырганиш =уввати пассив былади, тафаккур ва нут= ривожланиши юксак былмайди. Репродуктив методни биз тыла инкор =ила олмаймиз, чунки бунда билимлар ызгалар (ы=итувчи) воситасида эгалланади, масалага ижодий ёндашиш учун замин тайёрланади.

Анъанавий ы=итишда ы=итувчининг асосий вазифаларидан бири ы=увчиларда материалларни эслаб =олиш учун муайян интилишни таркиб топтириш, уларга эслаб =олишнинг усулларини, фикр юритиш жараёнларини ыргатишдан иборатдир. Репродуктив

---

[22] Нишонова З. Муста=ил фикрлашнинг психологик феноменологияси // Хал= таълими. -2003.- №5. –Б. 67-71.

[23] Республика педагогик ы=ишлари илмий-амалий конференция материаллари. -Бухоро. 1995.

[24] Калмыкова З.И. Продуктивное мышление как основы обучаемости. - М.: Педагогика, 1981. – С.117.

методда ы=итишнинг афзал томонлари а=л-заковат инсоннинг хотираси билан бо\ли= щолда олиб борилишидадир. Инсон хотирасининг мустащкамлиги а=лий зукколик =арор топишининг мущим шартидир. Инсонлар хотирасини мустащкамлаш учун, асосан, =уйидаги шартга риоя =илиш лозим: аввало, ыткир зещнли былиш, фащм-фаросат ёрдамида у=иб олиш, идрок =ила олиш, ы=иган нарсаларни бир неча марта эсга олиш щамда кыриш ор=али эслаб =олиш. Демак, хотира а=л-заковат, зещн, истеъдод билан бо\ли= жараён экан.

В.Каримова хотира эслаб =олиш, эсда са=лаш, эсга тушириш ва унутиш билан бо\ли= мураккаб жараён эканлигини таъкидлаган щолда инсон хотирасининг яхши былишини бир неча омилларга бо\ли= деб кырсатса[25], психолог Э./озиев хотира тушунчасига турли ну=таи назардан =арайди. Жумладан, у хотирани билиш процесси, продуктив ёки репродуктив мнемик фаолият, амалиётга зарур билимлар фонди[26] деб атайди. Бизнингча, хотира репродуктив (продуктив эмас) фаолият былиб, материални эслаб =олиш, эсга тушириш, тушунилган ва англанилган щолатдир.

Биз таълим жараёнида ана шу репродуктив методдаги хотирани синаш щамда мустащкамлаш учун =уйидаги ноанъанавий усулни тажрибада синаб кырдик. Бу усул «Танишув» деб аталади. Маълумки, анъанавий усулда ы=итувчи билан ы=увчилар журналдаги фамилияларни ы=иш билан танишар эдилар. Ы=итувчи билан ы=увчи, ы=увчи билан ы=увчи ыртасидаги ноанъанавий танишувни =уйидагича амалга ошириш мумкин. Ы=увчилар икки гурущга былиниб, доира шаклида турадилар. Биринчи ы=увчи исмини щамда ызининг хусусиятларини акс эттирувчи сызлар =ышиб айтади. Навбатдаги ы=увчи щам ёнидаги ырто\ининг исми щамда сифатларини =ышиб айтиб, сынгра ызиникини айтади. Бу жараён =аторнинг охиригача давом этади, яъни: Шащбоз-шердил, Щумоюн-жирраки, Бещзод-мещрибон... Бундай сифатлар ы=увчининг ызи томонидан айтилиши ы=итувчига ы=увчиларини тушунишда, уларнинг дунёсига кириб боришида, =айси ы=увчига =андай муомалада былишида, яъни уларнинг психологиясини ырганишда мущим ащамият касб этади. Бу усул ор=али ы=увчилардаги ижобий хислатларни бош=а ы=увчиларга ырнак =илишда ёки, аксинча, баъзи ы=увчилардаги салбий хислатларни йы= =илишда ы=итувчи щар бир ы=увчининг сифатларини навбатдаги дарсида кириш =исм =илиб мунозара ташкил этиш щам кутилган натижа беради. Айтайлик, «Жирракилик о=ибати» ёки «Мещрибонлик фойдаси» каби нут= ыстириш маш\улотларини олиб бориш мумкин.

Дарснинг кейинги бос=ичида худди ана шу танишув усулини щозирги ызбек адабий тили фанига татби= =илиш мумкин. Бунда щар бир ы=увчи биттадан мавзуга оид \оя айтади. Агар ытилган мавзу «Нисбат шакллари услубиёти» былса, *Саида: бош нисбат =ышимчаси йы=. Нилуфар: бош нисбат =ышимчаси йы= (олдинги фикрни такрорлайди, сынг ызиникини айтади), биргалик нисбатда щаракат бир неча шахс томонидан бажарилади, Нозанин-олдинги иккита фикрни такрорлайди, сынг ызининг фикрини айтади: щаракатни бажарувчи шахс билан щаракат тушган объект бирлашган щолда былади.* Шундай =илиб, аудиторияда нечта ы=увчи былса, мавзуга оид шунча фикр такрорланади.

Бундай усулда дарслар ташкил =илиш ы=увчидаги мавжуд \оялар, фикрларни кенгайтириш имконини беради. Ы=итувчи эса ы=увчилар топшири=ни бажараётганларида щар бир ы=увчининг тыли= иштирокини, айтилган фикрларни кузатиб боради. Улар айтган фикрлар ыз ырнида изощланмайди ва рад этилмайди. +ачонки бу усул нищоясига етганда ноты\ри фикр айтганларга ты\ри вариант тавсия этилади. Бунинг учун щар бир ы=увчи айтилаётган фикрга зийраклик билан эътибор бериши талаб =илинади, чунки кейинги бос=ич «Хато топинг» тарзида щам ытказилади. Фикрни тинглаётган ы=увчилар ырто=лари айтган ноты\ри фикрни ани=лайдилар, сынгра уни изощлаб берадилар.

Ю=оридаги олиб борилган усул репродуктив методлардан бири былиб, хотирани синаш щамда мустащкамлашга =аратилгандир. Бунда ы=увчиларнинг билим доираси кенгаяди щамда ы=итувчи уларнинг эслаб =олиш =обилиятини синаб олади. Эслаб =олишнинг самарадорлиги ы=увчиларнинг а=лий фаолият даражаси билан бо\ли= былиб, у

---

[25] Каримова В. Психология. –Т: А.+одирий номидаги хал= мероси нашриёти, 2002. -Б. 96-97.
[26] /озиев Э. Тафаккур психологияси. –Т.: Ы=итувчи, 1990.-Б.176.

мнемик хотира усули щисобланади. «А=лий фаолият даражаси ы=увчиларнинг эслаб =олишини ташкил этиш ва бош=ариш усулларини эгаллашига узвий ало=адордир. Мнемик хотира усулларига таъриф ёки =оидани сызма-сыз эслаб =олиш щам киради...»[27].

Эсда са=лаш, эсга тушириш кабилар хотирани чархлайди щамда билишга =изи=иш уй\отади, щожиржавоблик щиссини ривожлантиради, грамматик =оидаларни ырганишда ащамиятли саналади.

Хотирада маълумотларни са=лаш бир неча хил йыллар билан амалга оширилиши мумкин. Бирин-кетинлик, манти=ийлик, англанганлик щолатларда эсда олиб =олиш мустащкамро= былади. Ызлаштирилиши лозим былган маълумотнинг хотирада са=ланишини америкалик психолог Квинн Вирджиния =уйидагича тасниф =илади:[28]

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| сен-сор хоти-ра блоки | маълумот тушди, лекин са=ланмади | =ис=а муддатли хотира блоки | маълумот са=ланмади | узо= муддатли хотира блоки | мущим маълумот ажратиб олинди |

Тажрибадан шу нарса маълум былдики, биз амалиётда =ыллаган хотирани синаш щамда мустащкамлашга =аратилган ноанъанавий («Танишув усули»даги) методик усули В.Квинн таъкидлаганидек, узо= муддатли хотира блокига щамда мущим маълумотни ажратиб олишга асосланган былиб, унда асосий зарур маълумотлар бир неча марта такрорланиб, амалиётда мустащкамланади. Чунки инсон тафаккури узо= муддатли хотирадаги маълумотлар, шунингдек, кып нарса ичидан алощидани танлаб олиш щисобига ривожланади, бу эса ыз навбатида репродуктив тафаккурни та=озо этади.

Биз =ыллаган ноанъанавий методик усул, албатта, ёшларнинг физиологияси щамда психологиясига бо\ли=. Инсоннинг ыспиринлик даври а=лий имкониятларни ишга солишнинг самарали ва=ти щисобланади. Чунки бу ва=тда уларда ы=иб, у=иб олишлик =обилияти ривожланган былиб, у=увлиликнинг =улай имконияти вужудга келади. У=ув инсоннинг ахборотларни =абул =илиш, эслаб =олиш ва хотирада са=лаш =обилиятини билдиради. У=увлилик тафаккурнинг теранлигини, закийлигини таъминлайдиган омил былиб щисобланади.

Дарсларда репродуктив методни асос =илиб олиб, уни ноанъанавий усулда ташкил этиш йыл-йыри=лари щамда унинг назарий, илмий, педагогик ва методик жищатдан ащамияти ща=ида муаллиф номзодлик диссертациясида тыхталгани учун у ща=да тыла маълумот беришни маъ=ул деб топмадик[29].

Шундай =илиб, репродуктив ы=итиш ы=увчини ыйлашга, изланишга, ижодий фикр юритишга тыла имкон бермайди. Чунки унда тайёр билимлар ы=итувчи томонидан узатилади, ы=увчилар эса уни =абул =иладилар, хотирасига жойлайдилар. Ы=увчиларни ижодий изланишга йыналтирадиган ы=итиш тизимини яратиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидандир.

## Продуктив ы=итишнинг ижодий ызлаштиришдаги ащамияти

Замонавий педагогик технологиянинг мазмуни ёшларни муста=ил фикрлашга ыргатиш, уларнинг билишга =изи=ишларини кучайтириш, назарий =оидаларни ёдлашга

[27] /озиев Э. Психология. -Т.: Ы=итувчи, 1994. -Б. 122.

[28] Квинн В. Прикладная психология. – СПб. – 2000. - С. 37.

[29] Юсупова Ш. Она тили таълими самарадорлигини оширишда ил\ор педагогик технологияларни жорий этиш: Пед. фанлари номлари... дисс.-Т., 1998.-Б.48.

эмас, балки амалиётда жорий эта олишга ыргатиш, ностандарт тафаккур =илиш, фикрлар ранг-баранглиги, турли фан ма=садларини уй\унлаштириш, яъни интеграциялаш демакдир.

Бугунги ы=итувчи щар томонлама ривожланган, ыз сощаси быйича янги педагогик технологияни биладиган былиши билан бирга ы=увчиларга =уйидагича билим, кыникма ва малакаларни бериши даркор:

-умумнинг ичидан яккани топишга ыргатиш;

-манти=ий =онунларга асосланиб, фикр юритишга одатлантириш;

-ижодий мулощаза =илиб, бир неча хил фикрлар беришга ыргатиш;

-муаммоларни ызлари щал =илишга, ечимини щам излашга ыргатиш;

-ностандарт тафаккур =илишга йыналтириш;

-турли фан ма=садларини уй\унлаштириш йылларини пухта ырганиб, уни ы=увчиларга щам ыргатиш.

Замонавий педагогик технология асосида таълим бериш учун ы=итувчи ю=орида кырсатилган модул дастурини ишлаб чи=ади. Модулли таълим технологиясининг ызига хос жищати шуки, у ырганилаётган мавзу быйича ы=увчиларнинг муста=ил ва ижодий ишлашига имкон беради.

Таълим-тарбия жараёнида замонавий педагогик технологияларни =ыллаш, аввало, педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократлаштиришни талаб этади. Бу эса кутилган самарага олиб келади щамда продуктив даражада ы=итиш учун шароит яратади. Натижада ы=увчиларнинг фикрлаш =обилиятини ыстириш, ыз-ызини ривожлантириш учун ижтимоий ва психологик щолат вужудга келади.

Таълим-тарбия жараёнида замонавий педагогик технологиялардан ыз ырнида фойдаланиш ы=увчиларнинг билим олишга былган =изи=ишларини орттиради. Замонавий технологияларнинг барчасида дарсга былган =изи=иш-мотивация асосий ырин тутади. Хыш, мотивация нима? Нега у таълим беришда тез-тез тилга олинадиган былиб =олди?

Бу сыз айрим адабиётларда тилшуносликка оид атама сифатида кырсатилган былиб, номинациянинг асосий принципларидан бири эканлиги айтилган. Мотивацияга турли адабиётларда турлича изощ ва таърифлар берилган. Жумладан: О.С.Ахманованинг «Словарь лингвистических терминов»[30] лу\атида унинг икки маъноси кырсатилиб, очи= семантик структура эканлиги, номотивланиш щодисасига тескарилиги таъкидланса, А.Щожиевнинг шу номдаги лу\атида бу щодиса «мотивланган сыз», «мотивловчи сыз» терминлари билан берилади[31]. «Русча-ызбекча лу\ат»да «мотив», «мотивировать», «мотивировка» сызлари келтирилиб, *сабаб, боис, важ, далил, бащона, асосламо=, далил келтирмо=, сабаб кырсатмо=...* каби маъноларда келиши изощланган[32]. Мотивация номинацияга ало=адор былиб, номлаш процессидаги зарурий бос=ичдир[33].

«Мотивация» тушунчасининг асосида лотин тилидаги «мотив» сызи ётади. Мотив-щаракатга келтирувчи куч, =ыз\атувчи сабаб, вужудга келтирувчи бащона, важ маъносини билдиради[34]. Агар инсоннинг ахло=ий поклигини бир бутун яхлит тизим десак, ыша тизимни щаракатлантирувчи кучнинг ички омиллари-яъни мотивацияси, инсоннинг хатти-щаракатини белгилашда мущим ащамиятга эга[35]. Чунки мотивация бу-инсоннинг эщтиёжи. Файласуф А.Чориев фикрича, ахло=ий мотивлар мотивация жараёнида холис щакамлик вазифасини бажаради, баъзи мотивларнинг ты\ри, щаётий, зарурлиги, айримларининг эса кераксиз, ыринсиз эканлигини айтади. Демак, мотив фалсафий жищатдан олиб =араганда, инсон фаолияти билан унинг шу фаолиятга муносабатини бир-бирига бо\лайдиган восита щисобланади.

---

[30] Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. -М.: Сов. энцикл., 1969. – С.244.

[31] Щожиев А. Лингвистик терминларнинг изощли лу\ати.-Т., 1985.-Б. 58.

[32] Русча-ызбекча лу\ат. Ызбек совет энциклопедияси. -Т.1. - Т., 1983. -Б. 573.

[33] Сетаров Д.С. Типология номинации и мотивации и лексико-семантических преобразований. -Вильнюс, 1988. -С.29.

[34] Философский энциклопедический словарь. –М.: Наука, 1989. – С. 380.

[35] Чориев А. Инсон фалсафаси. – Т.: Chinor ЕНК, 2002. -Б.76.

Психолог Д.Аткинсон мотивацияга психологик ну=таи назардан ёндашиб, ижро этиш кучи ва даражаси муваффа=иятга эришиш щамда муваффа=иятсизликдан =очиш мотивларининг кучи билан ылчанишини таъкидлайди.

Щозирги кунда, умуман, ы=иш фаолиятидаги мотивация муаммоларини ырганишга =аратилган тад=и=отлар анчагина. М.Г.Давлетшин, А.К.Саитова, Э.Г./озиев, Э.З.Усмонова, А.И.Файзуллаев каби олимларнинг ишлари шулар жумласидандир.

Мотив-(лот.moveo-щаракатлантираман) одамни муайян хатти-щаракатларга ундайдиган бош сабаб, щаракатга ундаш эса эщтиёжнинг пайдо былишидир. Мотив психологлар фикрича, майлдир. Майл туфайли билим олишга эщтиёж ту\илади. Албатта шахс ривожланишида, тафаккур ысишида майлнинг алощида ащамияти бор. Мотивлар турли-туман былиб, улар ичида =изи=иш алощида ырин тутади.

Кишининг ди==ати, хаёли, фикри =изи=ишга йыналган былади, яъни =изи=ишни биз мотив деб =абул =иламиз. Агар бола =изи=са, у ы=ишга интилади.

Ы=увчиларга =ыйиладиган талаблар тушунарли былиши щамда уларнинг ызларида ички эщтиёж туфайли билишга интилиш жараёни былмо\и керак. Билишга мажбуран интилтириш эмас, ихтиёрий =изи=иш уй\отмо= лозим.

«Мотивация» тушунчаси «мотив» тушунчасидан кенгро= маъно ва мазмунга эга. Мотивация-инсон хул=-атвори. Унинг бо\ланиши, йыналиши ва фаоллигини тушунтириб берувчи психологик сабаблар мажмуини билдиради. Бу тушунча у ёки бу шахс хул=ини тушунтириб бериши керак былганда ишлатилади, яъни: «нега», «нима учун», «нима ма=садда», «=андай манфаат йылида?» деган саволларга жавоб излаш мотивацияни =идириш демакдир[36].

Биз учун муваффа=иятга эришиш мотивлари энг ащамиятлидир. Чунки ёшларни ы=итишда муваффа=иятларга эришиш йыл-йыри=ларини ыргатиш фанга нисбатан мещр-мущаббат уй\отади, билишга интилиш кучаяди. Бундай назарияни биринчи былиб, америкалик олимлар Д.Макклелланд, Д.Аткинсон, немис олими Х.Хекхаузенлар яратдилар[37].

Муваффа=иятга эришиш мотиви билан ишлайдиган ы=увчилар нима былса щам ыз ма=садларига эришишлари учун курашади, ыз муваффа=иятидан щузур топади.

Биз щам продуктив даражада ы=итиш ор=али ана шу ма=садни ы=увчиларда таркиб топтиришимиз лозим.

Хориж олимларининг мотивация ща=идаги =арашларида щам интилиш (Motivation)га алощида эътибор берилиб, ы=увчилар ызи =изи==ан фанни ички щиссиёт билан ырганишлари таъкидланади. Ушбу жараёнда ы=итувчи ы=увчилар хул=-атворини чу=ур ырганиш ор=али интилишларини щисобга олиб фаолият юритади.

Щар =андай дарснинг янгилиги унинг =изи=арли эканлигидир, =изи=арлилик интилишга олиб келади. Ы=увчиларнинг =изи=иш ва мойиллиги асосида ытилган дарс уларга зав= беради. +изи=иш асосида нарса ва щодисалар синчиклаб ырганилади, шунинг учун щам =изи=ишлар туфайли эгалланган билим хотирада узо= ва=т са=ланиб =олади. +изи=иш-интилиш щиссининг пайдо былиши, интилиш-ырганиш, атрофлича фикрлаш, ырганиш эса - ихтиёрий тафаккур ыстириш, муваффа=ият демакдир.

Ы=итувчининг педагогик мащорати шундаки, у ыз ы=увчиларини дарсга =изи=тириб, изланувчанлик даражасига кытара олса, ыз фанига нисбатан кучли эщтирос уй\ота олади. Ы=итувчи ва ы=увчи муносабатининг ты\ри йылга =ыйилиши ы=увчида билим олишга, ырганишга иштиё= щосил =илади, натижада тафаккур ривожланади.

+омусий олимларимиз Беруний, Форобий, Абу Али ибн Сино, шунингдек, Алишер Навоийлар щам кишининг ички интилишига алощида тыхталиб ытганлар.

Маълумки, интилиш продуктив метод ор=али амалга ошади. Продуктив методда ы=итувчи:

-берилаётган билимларнинг энг мущимини ажратиб олишни ыргатиши;

-таълимда турли усуллардан фойдаланиши (=изи=тириш учун);

-билимларни ы=увчиларнинг ёши, а=лий даражасига мос равишда бериши;

---

[36] Каримова В. Психология. -Т.: А.+одирий номидаги хал= мероси нашриёти, 2002.-Б. 77.

[37] Бу ща=да =аранг: Каримова В. Психология. – Т.: А.+одирий номидаги хал= мероси нашриёти, 2002. – Б. 80.

-фанга =изи=тира олиши;

-фалсафий фикрлашга ыргатиши;

-щар бир сызни болалар щиссиётини уй\отиш даражасида беришга щаракат =илиш (мотивация щосил =илиш) лозим.

Кейинги йилларда мотивация щамда мотив фаолиятига ба\ишланган бир =анча тад=и=отлар яратилди. /.Шоумаров, В.Каримова, М.Т.Давлетшин, Э./озиев каби рущшунослар, Щ.Неъматов, А./уломов каби тилшунос методистлар ушбу муаммонинг щал =илинишига ижобий даражада муносиб щисса =ыщдилар. Жумладан, Щ.Неъматов, А./уломовлар тил ы=итищда самарадорликка эришиш учун ы=увчида, аввало, билим олишга эщтиёж щосил =илиш-мотивация уй\отиш лозимлигини алощида у=тирадилар. Ы=итувчи ва ы=увчи ыртасидаги муносабатларни щам янгилаш кераклигини айтадилар[38].

Бизнингча щам, ы=увчилар дарсда фаол шахсга айланишлари учун ырганишни эщтиёжга айлантириб, билим олишга интилтириш лозим. Интилиш эса ю=орида таъкидлаганимиздек, =изи=ишни рыёга чи=аради.

Профессор Н.Сайидащмедов дидактик жараён ызаро бо\ли= былган учта компонент-мотивация, ы=увчининг ы=ув-билув фаолияти ва уни бош=арищдан иборатлигини алощида эътироф этади[39].

Ща=и=атан щам ю=оридагига ыхшаш щолатлар ы=увчиларда мотивацион щаракатларни вужудга келтириб, мавзуларни кучли эщтирос билан ырганишга ундайди.

Шунинг учун щам ы=ув ва=тининг 25% ини ы=итувчи ихтиёрига бериб, шу ва=т ичида муаллимлар ы=увчиларда мотивация щосил =илиш учун сарфлашлари лозим.

Биз тад=и=от ытказган интерфаол усулларда щам ажратилган 80 минут ва=тнинг 20 минути ы=итувчининг дарс бош=аришига, 10-15 минути мотивация уй\отишга, =олган ва=т эса ы=увчиларни дарсдаги фаол иштирокига сарф былди.

Рущшунос тад=и=отчи Ф.Щайдаров ы=увчиларда мотивацион щолатни юзага келтириш учун айрим тренинг дарсларини тавсия =илади щамда ы=увчиларни дарсга =изи=тиришнинг йыл-йыри=ларини ани=лаб, унинг сабабларини =уйидагиларда деб кырсатади:

1.Шахсий =атнашув, жавобгарлик, нимагадир эришиши мумкин, деган туй\у.

2. Ыта =изи=увчанлик.

3. +увват фаоллигини щис =илиш.

4. Сезгининг зарурлигини щис =илиш.

5. Нимадандир зав= олиш[40].

Ща=и=атан щам билим олишга эщтиёж щосил =илиш учун уларни зав= олишга, =увват фаоллигини щис =илишга ыргатиш таълим самарадорлигини оширади.

Бизнингча, мотивация-билим олувчиларни щаракатга ундаб, уларда щиссиёт уй\отиш, фаоллаштириш, камолот сари интилтириш, инсоннинг интеллектуал =обилиятининг юзага чи=иши, =изи=тириш ор=али тафаккур ыстиришни рыёбга чи=ариш каби фаолият усулидир.

Психология илмида ы=ув мотивлари икки категорияга ажратилади: биринчи категорияга тааллу=ли мотивлар ы=ув фаолиятининг мазмуни, унинг жараёнлари, шароитлари билан бевосита уй\унлашган былади. Иккинчи категорияга кирувчи мотивлар тизими ы=увчиларнинг атроф-мущит билан кенг кыламдаги ызаро муносабатларига, уларнинг ызга кишилар билан муомалага киришиш эщтиёжига нисбатан шахсий =арашига бо\ли=дир.

Академик лицей ы=увчиларига илмий билимларни беришда мотив англанган, унга етиш воситалари ани=ланган былиши лозим. Бунинг учун эса щар бир фанни ы=итищда алощида мотив ва мотивациялаш фаолиятларини ырганиб чи=иш та=озо этилади. Щозирги ызбек адабий тили фанини ы=итищда академик лицей ы=увчиларининг ы=иш мотивлари фаоллигини ошириш билан бо\ли= былган тафаккур ыстириш ща=ида тад=и=отлар олиб

---

[38] /уломов А., Неъматов Щ. Она тили таълими мазмуни- Т.: Ы=итувчи, 1995. -Б. 123.

[39] Сайидащмедов Н. Технологик ёндашув устуворлиги.// Маърифат-2003.-№ 25.

[40] Щайдаров Ф. +ишло= мактаблари ы=увчиларида ы=иш мотивларини шакллантириш: Психол. фанлари номзоди. ... дисс. –Т., 1996.-Б.40-41.

борилмаган. Шунинг учун щам биз олиб бораётган тад=и=отнинг асосий ма=сади щозирги ызбек адабий тили фани ор=али мотивация пайдо былишини лицей ы=увчилари фаолиятида ани=лаш ва ы=иш фаолиятида мотивларни шакллантиришнинг интерфаол усулидаги бош=ариш системасини ишлаб чи=ишдир.

Педагогик технология асосини фаол ўқитиш усули — интерактив технология ташкил қилади: фаол ўқитиш усулларига эса =уйидагилар киради: бу талабаларни фикрлашга мажбур қилиш, тайёр билим бермаслик, муаммоли вазиятлар келтириб чиқариш, мотивация ҳосил қилиш, ўйин дарслар асосида дарс ташкил қилиш, матн тузиш мащоратини ривожлантириш, мавзуларни саҳна асарлари сифатида ўрганиш демакдир. Ўқувчи талабалар дарсда қанчалик фаол қатнашсалар, уларда мақсадга интилувчанлик ва масъулият ҳисси шунчалик кучли пайдо бўлади ва демократик жараёнларнинг мақсадларини янада чуқурроқ англайдилар.

Интерактив педагогик технологияда ўқитиш ўқитувчи ва талабаларнинг ўзаро ҳамкорлиги асосида ташкил этилади. Бундай дарсда ўқитувчилар ўзини фақат билим берувчи эмас, балки ўқувчиларнинг фаол ўрганиш жараёнини педагогик ва психологик жиҳатдан ташкил этувчи ҳамкор, яъни ўқитиш асосан ўрганувчиларнинг фаоллигига асосланади.

Таълимга ёндашув 3 хил асосда ҳал қилинади.

56-бет



Юқоридагидан кыриниб турибдики, таълим беришда технологик ҳамда изланувчан ёндашувлардан фойдаланмоқни давр тақозо этмоқда. Ҳар иккаласини ҳам қўшиб олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, янги педагогик технология қоидасига асосланган технология талабига мувофиқ ўқитувчи ҳар бир болага *Индивидуал ёндашиш*, фанлараро *Интеграция*ни амалга ошириш, таълимни *Инсонпарварлаштириш* ва *Демократлаштириш* талаб этилади.

Индивидуал ёндашувда аввало ўқитувчи таълим эмас, балки талаба таълим олишга ихтиёрий ҳаракат қилиши, талабаларнинг ривожланиши лозим бўлган бор имкониятларини ҳисобга олган ҳолда таълимни ташкил этиш тушунилади.

Талабаларда ижодий фикрни ривожлантириш учун ижобий хусусиятга эга бўлган *Мен ва Биз* концепциясидан фойдаланмоқ зарур.

*Мен* бу-ўзгалардан ўз билимининг кучли эканлигини намойиш қила олиш.

*Биз* бу-жуфтликларда, гуруҳларда ўқитганда бир гуруқ 2-гуруҳга нисбатан кучлилигини намойиш қила олиш.

*Мен* ва *Биз* концепцияси маъқуллаш, муваффақиятини кўрсата билиш, фикрнинг тўғрилигини исботлаш, ютуқларини маъқуллаш, уни қўллаб-қувватлашлар киради.

Таълим тизимини инсонпарварлаштириш ва демократлаштиришни таъминлаш ҳам муҳим вазифалардан биридир. Таълим тизимини инсонпарварлаштиришнинг асосий йўналишлари ёш авлоднинг билим ва қобилиятларини ўстириш, уларни умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, ўқувчи ва мураббий орасидаги масофани йўқотиш. Таълимни инсонпарварлаштириш ёшларда юксак маънавият, ҳар тарафлама ривожланган шахсни тарбиялашнинг устувор йўналишларини ўз ичига олган таълим-тарбия дастурларини такомиллаштиришни назарда тутади. Бунда ўқувчида мустақил шахсни тарбиялаш, унда билим олиш маданиятини шакллантириш, шахсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш,мустақил фикрлаш ҳамда шахсий ғурур, ишонч каби хислатларни ҳосил қилишга алоҳида эътибор берилади.

Замонавий таълимнинг асосий хусусиятларидан бири таълимни дифферентациялаш. У талабаларнинг шахсий эҳтиёжлари, лаёқати, имкониятлари, қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда ҳар хил билим олишини билдиради.

Тафаккурни ривожлантириш учун ўқув фанлариаро интеграциядан ҳам фойдаланмоқ кутилган натижага олиб келади. Интеграциялашган таълимда бола шахсининг ҳис-туйғуларга бой ва ахлоқий ривожланишига, унда ижодий тафаккур шаклланишига таъсир

этади.

Интеграция гўёки билим беришда зарур эмасга ўхшайди, бироқ инсон дунёни кенгроқ тушуниш учун бир йўл бўлиб, у орқали талабалар дунёқараши кенгаяди: тил, санъат, тарих, мусиқа, адабиётнинг қонуниятларини чуқур англайди, алоқадорликни англаб етади, мустақил ишлаш учун, фикрлаш учун шароит яратилади.

Ўқувчи-талабаларни ижод қилишга ўргатиш, изланишга йўналтириш, тасаввур, фантазияни ҳосил килиш ўқитишнинг замонавий усулларига киради. Жумладан, ўқитувчи дарсга кириб, талабаларни мунозарага чорлайди.

Муаллим: «*Болалар, яхшишар қалби яродур*! деган фикр айтилган .Сиз бунга қандай қарайсиз? Инсон яхши бўлмаслиги керакми?» — деган савол билан мурожаат қилади.

Талабалар баҳсга киришадилар, ўқитувчи уларнинг фикрларига якун ясаб жавоб сифатида шоир Э.Воҳидовнинг «Бир ниҳол» шеърини ифодали қилиб айтиб беради. Яъни:

*Юртдошим, бо\ингга бир ниҳол қада,*
*Бу ниҳол номини яхшилик ата.*

*Ниxолнинг ёнига бир гул экиб қўй,*
*Бу гулнинг номини Гўзаллик деб қўй.*

*Гулу ниҳолинга бахш этиб ҳаёт,*
*Сув бер ва бу сувга Меҳр деб қўй от .*

*Сендан фарзандингга бог қолсин, эй дўст.*
*Богинг Ватан деган ном олсин, эй дўст,*

Шеърни тинғлаганларидан сўнг иккинчи топшириқ берилади. Айтилган шеърга мос расм чизишлари сўралади (бунда фанлараро интеграция қам амалга ошади). Юқоридаги топшириқ продуктив даражада бўлиб, ўқувчи ўзи тузган режа асосида фантазия =илади. Продуктив даражали топшириқлар дидактик ащамиятга эгадир. Чунки ундай топшириқни бажариш жараёнида талабалар мантиқий фикр қиладилар, топшириқларни тащлил қилиш асосида хулоса чиқарадилар, янги информация яратадилар.

Талаба ўқув жараёнининг асосий иштирокчиси, шунинг учун ҳам унинг фаол бўлишига тўсиқ бўлувчи омилларга йўл қўймаслик керак, яъни:

1 .Гапиришдан қўрқиш ҳисси.

2.Талабанинг билдираётган фикрларига щурматсизлик билан қараш.

3.Берилган материални ёдлаб олишга йўл қўймаслик.

4.Билим олувчининг хотира ва қобилиятини щисобга олмаслик.

5.Ўқишга бўлган қизиқиш мотивация щосил қилишга кенг йўл очиб бермаслик.

Хўш, мотивация нима? Нега у таълим беришда тез-тез тилга олинадиган бўлиб қолди?

Ўқишга иштиёқ, қизиқиш уйғотиш, айниқса, ўзининг муваффақиятидан хузур топиб, мамнун бўлишга одатлантириш муваффақият гаровидир.

Бугунги ў=увчи назарий қоидалар ортида амалиёт борлигини щис қилиши зарур. Бунинг учун талабада илм олишга қизиқиш ҳосил қилиб, ички мотивация уйғота олишимиз керак. Руҳшунос олимнинг таъкидлашича, талабаларнинг фанни ўзлаштиришга бўлган қизиқишларининг 25 фоизи шахсий қизиқишларига, 25 фоизи ўқитиш усулига, 50 фоизи эса талабаларнинг рущиятига боғлиқ экан. Дарслик ёзишда муаллифлар ана шуларни щисобга олган. Ў=увчи-талабалар интеллект даражаси билан бир-бирларидан бироз фарқ килади, уларнинг асосий фарқи ўқув фаолиятига нисбатан мотивация ҳосил қилиш билан фарқланади. Ўкувчи-талабаларда мантиқий фикр юритишдан олдин мотивацияни вужудга келтириш керак. Ана шундагина талабалар ўз қизиқишлари асосида ўқийдилар, мақсадга интилувчанлик пайдо бўлади, ўқув мақсади, ўқувчининг ўзлари томонидан белгиланади.

Мотивация ҳосил қилиш учун муаммоли таълимдан фойдаланмоқ талаб этилади. Муаммоли методлардан мавзуни тушунтиришда, уни мустаҳкамлашда фойдаланиш мумкин, бунда талабалар ўзи ҳаракат қилади, янги билимлар шаклланади, талаба ўзини намойиш қила олади.

Муаммоли таълимни амалга ошириш учун ў=увчи ўзи ихтиёрий равишда масалани ҳал қилиш учун ўқув жараёнига онгли қатнашиши, қизиқиши лозим. Демак, мотивация бу-ундаш, нимагадир эщтиёж ҳосил қилиш. Қайсики талаба дига муаммо қўйилса, унинг руҳиятида ички эҳтиёж ҳосил бўлиб, билим олишга қизиқиш туфайли ихтиёрий муаммони ечишга киришади. Агар илм олувчи билим олиш учун изланмаса, ўйланмаса, топшириқни осонгини ҳал этса, у муаммоли таълим эмас, берилган топшириқ талабанинг интеллектуал имкониятидан юқори бўлмоғи керак, ана шундагина у муаммонинг ечимини қийналиб ўзи ҳал этса, унда ўз меҳнатидан роҳатланиш щисси пайдо бўлади, натижада билими ривожланади.

Тафаккурни ривожлантиришда муаммоли масалалардан фойдаланмоқ бугунги таълимнинг талаби ҳисобланади. Муаммоли таълимда талабалар мустақил равишда, шунингдек, ўқитувчи ёрдамида муаммони ҳал қилиш йўлларини излайдилар, ўйланадилар, натижада улар янгилик яратадилар, мустақил фикрлайдилар. Бу вақтда, яъни муаммони ечишда ўқитувчи томошабин эмас, балки талабанинг йўналтирувчиси бўлмоғи лозим. Муаммони ким тўғри ҳал қилган, кимнинг мантиқий фикри асосли эканлигини ўқитувчи ва тингловчилар изощлайди, ҳал қилади, ўқитувчи эса щар бир талабанинг фикрига муносабат билдиради.

Демак, мотив ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, юқорида айтганимиздек, бунинг учун муаммоли вазиятни вужудга келтириш ёки шу мавзуни ўрганишда киши ҳаёти учун аҳамиятли бўлган ўқув вазифаларни қўя билиш, қизиқарли ташкил қилиш—мотив щосил қилиш усулларидан биридир.

Дарсликнинг 208-бетида қуйидагича топшириқ берилган: **жон таслим қилаётган шоирнинг қуйида берилган гапларини у=иб олинг, муаллифини топинг ва ундаги фикрларни мунозарага айлантиринг.** Матнда сифатларнинг ишлатилишига алоҳида диққат қилинг. «*Мен сизларни Ватансиз қилдим. Ватанга яро\ кўтариб борманг. Агар шундай қилсангиз, мен гўримда тик тураман*».

Юқорида фикр айтган шоир щатто ўз ўлимидан сўнг ҳам Ватани узра фарзандларининг яро\ кўтариб боришини истамаган. Она-Ватанининг муқаддаслигини бир умр қалбида сақлаган ва ана шу туйғуни фарзандларига ҳам сингдира олган.

Юқоридаги топшириқларни бажариш давомида талабада билим олишга ички эҳтиёж туғилади, муаммони щал қилиш учун ўз ҳаётидан ёзади. Ы=увчиларда ўқишга иштиёқ, қизиқиш уйғотиш, айниқса, ўзининг муваффақиятидан щузур топиб, хурсанд бўлиш энг яхши кутилган натижадир. Кутилган натижага эришиш эса замонавий технология ў=увчиларидандир.

Секин-асталик билан ўқитувчиларимиз хорижий давлатларда қўлланиладиган таълимнинг интерактив технологияларини қўллай бошладилар. Бундай технологик усулларни дарс давомида қўллашнинг аҳамияти шундаки, бунда ҳар бир талабанинг дарс жараёнида турли долзарб вазифаларни илгари суриши, улар ўртасида ўзаро ахборот алмашинуви, ўқитувчи ва талаба ҳамкорлиги асосида қарорлар қабул қила билиши ҳисобига билим олиш жараёнини фаоллаштиришдан иборат. Инновацион таълим янги ғоя ва билимлар билан қуролланган кадрлар тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга.

Академик лицей талабалари щамда мактаб ы=увчиларининг ўқув билиш фаолиятини фаоллаштириш, уларда мустақиллик ва ижодкорлик қобилиятларини таркиб топтириш узлуксиз таълим тизимининг долзарб муаммоларидандир.

Ықув-билув фаолиятида фаоллик ўз-ўзидан пайдо бўлмай, балки таҳсил олувчилар фаоллигининг асосини ўқув материалининг муҳим зарурлигини англаб етиш, уни мукаммал ўзлаштиришга хоҳиш истак, қизиқиш, қўйилган ў=ув муаммосини ечимини топиб, интеллектуал қониқиш ҳосил қилиш кабилар ташкил этади.

Бозор иқтисодиёти шароитида замонавий дарс ўқитувчилардан кўпроқ мустақилликни, билимдонликни, вазиятларга мослашиш ўқувини, муаммолар ечимини топишда ноанъанавий дарс шакл ва усулларини қўллашни талаб этади.

**Фаоллаштириш, қулайлаштириш** таълимнинг ижодий шаклига ўтишнинг зарурияти ҳамда уни таҳлил қилиш, танқидий ўрганиш, мустақил ва мантиқий хулоса чиқаришни ривожлантиради.

Мустақил ўқиш учун, тафаккурни ривожлантириш учун билим олишга ўргатиш, уларнинг дарсга бўлган қизикишларини ошириш мақсадида **Модулли таълим** дастуридан фойдаланиш мумкин.

Талабалар дарс давомида ўқув материали топшириқларини бажариши учун ўқитувчи кўрсатмалар беради. Ўқитувчи айрим (ҳамма мавзуларни эмас) мавзуларни модулли таълимдан фойдаланиб ўтишини ўз режасида белгилайди.

Модулли таълимни амалга ошириш учун ўқув материали мазмунини ўқитувчи қисмларга ажратади. Ва мавзуни бошлашдан олдин талабаларга қуйидаги жадвални тўлдиришни тавсия этади.

Айтайлик, «Ўзбек лексикографияси» мавзуси бўйича қуйидагича бўлиши мумкин.

Қуйидаги жадвални ҳар қандай мавзуни ўтишда қўллаш мумкин.

| Биламан | Билишни истайман | Билиб олдим |
|---|---|---|
| Луғатлар икки турли бўлади:<br>1) энциклопедик:<br>2) филологик луғатлар:<br>«Ўзбек тилининг изоқли луғати».<br>«У ким? Бу нима?» Болалар энциклопедияси; | Яна қандай луғатлар мавжуд? Уларда нечта сўз берилган?<br>Луғатлар бўйича қайси олимлар иш олиб борган?<br>Ҳар бир ўзига хос бўлган луғатнинг қандай аҳамияти бор? | |

Ы=увчилар 1-бўлимда мавзуга оид нима билса шуни езади, 2-бўлимда эса ўша мавзу бўйича уларни нималар қизиқтиради, ана шу саволларни ёзади. Бу саволларга қайси ы=увчи жавоб берса, ўшани ы=увчилар «Билиб олдим» бўлимига ёзади. Натижада, билганлардан билмаганлар ўрганади, билганлар эса ўргатадилар, ўзаро фикр алмашиш жараёни юз беради, шу билан талабанинг билиши керак бўлган билимлари кенгаяди, ривожланади. Бу билан билим олувчилар ўқув материалини олдиндан мустақил ва ижодий ўзлаштирадилар.

«Таълим модули ибораси халқаро «модул» тушунчаси билан боғлиқ бўлиб, ушбу сўзнинг маъноларидан бири тугундир. Таълим модули—маълум бир йўналиш ахборотларининг якунланган бир бўлагидир»[1]

Модул микро ҳамда макро модулга ажратилади. Микромодул юқоридаги чизма асосида бўлади.

Макромодулга эса 1 та бўлим, яъни 4-5 маъруза, шунингдек, амалий машғулот дарслари киради.

Демак, таълим модули ўқув материалининг якунланган бир бўлагидир. Модул тизимида ўқитишда ўқитувчи талабаларга режа, маъруза матнларини етказиб беради. Дарсга улар аввалдан тайёргарлик кўриб, савол-жавоб, мунозарага тайёр бўлиб келади, шунинг учун ҳам бу таълимда дарс олиб бориш қизиқарли бўлади. Ўқитувчи қайси мавзуни модулли таълимдан фойдаланиб ўтишни ўз режаси асосида белгилайди. Модул дастурини ўқитувчи тузади, бунда у =уйидаги талабларга жавоб бериши керак:

1. Ы=увчилар бу ўқитишда нималарга эришади?
2. Қандай тушунчаларга таъриф бермоқ лозимлиги, қоида чиқариш.
3. Ўрганаётган материалнинг лексик, морфологик хусусиятларига изощ бериш.
4. Бош=а тушунчалар билан та==ослаш, тащлил =илиш.
5. Ў=иши керак бўлган материалнинг мазмунини =исмларга ажратиб хулосалаш.

Модул дастурининг ащамияти шуки, у ы=увчиларни муста=ил билим олишга ундайди.

Модулли дарсни ытказиш тартиби =уйидагича былади:

I. Ы=увчиларни мунозарага чорлаш (А=лий щужум). Жумладан, «Ювош йигит сизга ё=адими?» (II-бос=ич. 310-маш=) Нега? деган савол билан ў=итувчи

мурожаат =илади. Ў=увчилар дарсга анча киришиб олганларидан сынг ы=итувчи модул дарсининг ма=сади билан таништиради щамда уни тар=атади.

Бунда ы=итувчи ы=ув топшири=ларини бажаришга йыллайди, уни назорат =илади, бажариш учун кырсатмалар, тавсиялар беради. Ў=увчилар якка тартибда фикрларини айтадилар ёки савол-жавобни гурущлараро ытказиш щам мумкин.

Бизга маълумки, замонавий педагогик технология талабларидан бири ы=увчиларни бирор фикр (\оя) беришга ыргатишдан иборат.

Ы=итувчи ы=увчилар берган фикрларни тинглайди, бу фикр =ис=а былади. Бунинг учун ы=увчиларни 2 гурущга былиб оламиз.

| *I-гурущ* | *II-гурущ* |
|---|---|
| /оялар, фикрлар (\оялар) берувчи гурущ | Фикрларни ты\ри, ноты\рилигини ишлаб чи=адиган гурущ |
| Ю=оридаги жадвалнинг «билишни истайман» =исмида \оялар берилади | Фикрларнинг =абул =илингани эса (ты\риси) «билиб олдим» =исмига ёзилади |

Бундай дарслар ташкил =илинганда ы=увчиларнинг барчасидан фикрлар олинади, биро= ундан фа=ат ты\ри фикрларгина =абул =илинади.
Фикрларнинг ты\ри эканлигини ёки хатога йыл =ыйганлигини II гурущ исботлаб беради.

Инновацион таълим талабига кыра ы=увчилар фанларни билибгина =олмай, балки оламни ызгартиришга =одир былишлар лозим. Чунки янгича таълим беришдаги муаммолардан бири интеллектуал салощиятга эга былган ёшларни етиштиришдир. Бизга энди фа=ат билимли ёшлар эмас, балки юртбошимиз таъкидлаганидек: «Ызининг =адр-=имматини англайдиган, иродаси ба=увват, имони бутун, щаётда ани= ма=садга эга былган инсонлар керак»[2]

+уйида II бос=ич ы=увчилари учун «От ва унинг услубий хусусиятлари» мавзуси быйича тузилган, щар бир шахс алощида бажарадиган модул дастури берилган.

Модул дастури ёрдамида от сыз туркумининг умумий хусусиятлари, лексик морфологик хусусиятлари, маъновий турлари, уларнинг ызаро фар=лари, тузилишига кыра турлари, нут=имизда бу туркумнинг =ай даражада =ылланилиши, услубий хусусиятлари, семантик жищатдан гурущларга ажратиш, от сыз туркумининг шаклларини билишлари, ижодий ишлашлари, олган билимларини янада кенгайтиришлари лозим. Ы=увчилар модулли таълим технологиясини =ыллаш натижасида бир мавзу быйича нималарни билиши ва ырганиши керак. Масалан: *дарс ма=сади ва унинг услубий хусусиятларини нут=да =ылланишини ырганиш.*

Таълим усули: репродуктив (ақлий фаолият илгари ўрганилган қоидаларни ёддан қўллайди) ва продуктив (ўзлаштирган билимларни мустақил ҳолда қўллай олиш, ўзгартириб хулоса чиқариш)

Ы=увчилар қуйидаги саволларга жавоб тайёрлайдилар:

1. От сўз туркумининг маъно турлари ҳа=ида айтинг.
2. Отларнинг ясалишини тушунтиринг.
3. Отлар эгалик ва келишик шаклларини олишини айтинг.
4. Сон шаклларини услубий хусусиятлари хақида ёзинг.
5. Ўқиган бадиий асарингизда кўплик шаклининг қайсиларини учратгансиз?
6. Бирор матндан морфологик ва синтактик усул билан ясалган отларни топинг.
7. Тест топшири=лари берилади.
8. От сўз туркумига оид сканворд тузинг.

Юқоридаги топшириқларни талабалар, аввало, индивидуал ишлайди, сўнгра гуруҳ-гуруҳ бўлиб бажарадилар. Ўқитувчи эса модул дастурига тест саволларини илова қилиб, ўқувчилар билимини назорат қилади ва баҳолайди. Ўқувчилар тест саволларининг жавобларини аниқлагандан сўнг, ўқитувчи тўғри жавобларни эълон қилади, талаба ўз

[2] И.Каримов «Жамиятимиз мафкураси хал=ни-хал=, миллатни-миллат =илишга хизмат этсин» Т., Ызбекистон, 1998. 21-бет.

жавобларини ўзи текширади, улар ўзини-ўзи назорат қилади. Модул дастурининг бажарилишини назорат қилишда ўқитувчи талабалар ўртасида ўзаро назоратни қўллаш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

Модул дастури асосида ўқитишда қўйидаги мувафаққиятларга эришилади:

а) талабанинг фикрлаши фаоллашади;

б) баҳс, тортишувлар учун имкониятлар яратилади;

в) талабалар фикрини тинглаш учун шароит яратилади;

г) мустақил фикр айтиш имкониятига эга бўлади;

д) мустақил тайёрланади.

Замонавий педагогик технология ҳақида гап кетар экан, шуни айтиш лозимки, муаллифлар гуруҳи дарслик яратишда ривожланган мамлакатларда мавжуд бўлган илғор ғоялар, таълим ҳамда тарбияга оид назарияларни ўргандилар ҳамда улардан халқимизнинг миллий хусусиятлари, маҳаллий шароитларига мослаштирган ҳолда мавзуларни ёритдилар. Чунки жаҳон маданиятининг илғор ғояларидан унумли фойдалана олиш билан бирга, бир неча асрлик тарихга эга бўлган ўзбек халқининг ўзига хос хусусиятларини, муомала маданиятини, шарқона миллий тарбияни ўқитиш жараёнларига киритмасдан туриб, ўқув юртларида ўқитиш самарадорлигини ошириш мумкин эмас. Бу жараён қуйидаги чизмада акс этган: 70 бет



Ҳозирги ўзбек адабий тили фанини ўқитишда самарадорликка эришиш учун қўйидаги ёндашувларни таклиф этамиз:

Ўқув юртларида таълим маъруза ўқишгагина асосланмасдан, балки талабалар мустақил билим олиш, ўз ўқув фаолиятини ўзи бошқариш, янги ғоялар ишлаб чи=иш ор=али уларда янгича муносабатни щосил =илиш замонавий ы=итувчиларнинг асосий вазифаларидандир.

Ана шу илғор технологиялардан бири жамоа бўлиб фикрлашдир. Ўқитувчи билим бериш жараёнида талабаларнинг бир-бирига таъсир қилишини талаб этади. Ўрганишда тенг ҳуқуқли, демократик ўзаро таъсир ҳар бир талабада ташаббус кўрсатиш, ижод қилиш истагини уйғотади. Бу модел жамоа бўлиб фикрлаш фаолиятидан иборат бўлиб бунда барча дарс иштирокчилари билимга қизиқиш билан қарайдилар. Умумий изланувчанликнинг муваффақияти — ҳар бир талабанинг ақлий, ташкилотчилик қобилияти кучаяди.

Жамоа бўлиб фикрлаш технологиясининг асосий моҳияти ва унинг эхтиёжларини ривожлантиришдан щамда уларнинг щаракатлари фаол былиб, бир-бирларига таъсир =илишдан иборатдир.

Жамоа бўлиб фикрлаганда муаммо эълон қилинади, мақсадга эришишда гуруҳ-гуруҳ бўлиб муҳокама киладилар, хулоса ҳосил қилиб, қарорлар қабул қиладилар. Ўқитувчи ўқув жараёнини ташкил этишда ижодий гурущларни шундай шакллантирадики, бу гуруҳларда битта раҳбар, фикр билдирувчилар, қарши чи=увчилар, янги ғоя берувчилар бўлади.

Жамоа бўлиб фикрлаганда таълим олувчи ўз билимини тащлил қила олади, уларни умумлаштиради, нотўғри фикрлаш усулларидан воз кечади.

Академик лицей талабаларига бериладиган таълим тарбия жараёнида давр талабларига жавоб берадиган методлар, усуллар, воситалардан фойдаланишда, ўқитишнинг янгича инновацион фаол, ижодий, ҳамкорликда ўқитиш (ўқитувчи ва талабалар) каби турларига асосланилди.

Маълумки, инновацион таълимнинг бир кўриниши *синергетикадир*. У ҳамкор деган маънони билдиради. Бу ҳамкорлик фанлар ўртасидаги ҳамкорлик, ўқитувчи ва талаба ўртасидаги ҳамкорлик, шунингдек, талаба билан талаба ўртасидаги ҳамкорлик демақдир.

Таълимдаги ислоҳотларнинг асосий моҳияти шундаки, ўқитишнинг энг самара берадиган метод ва усулларини ишлаб чиқиш, ўқитувчи ва талабалар ҳамкорлигини янада такомиллаштириш талаб этилмоқда. Бугун ўша ҳамкорлик педагогикаси жуда керак бўлиб қолди. Сабаби талабаларни нима билан яшаётгани, нима хақида ўйлаётганини ва нималар исташини щар бир ўқитувчи, айниқса, она тили ўқитувчиси яхшироқ билиши, ўша

нарсаларни фан билан боғлай олиши зарур. Билимларни ўзлаштиришнинг маҳсулдорлиги ўқитувчи билан талабаларнинг щамкорлигига боғлиқ, бу хамкорлик кўлами қанча кенг бўлса, билимларни ўзлаштириш даражаси шунча пухта бўлади. Ҳамкорлик шакллари, босқичлари, усуллари қанчалик ранг-баранг бўлса, мулоқотга киришиш шунчалик енгил кечади, натижада, ўзаро таъсир ўтказиш доираси яна да кенгаяди, муаммолар тезкорликда ҳал қилинади.Ўқитувчи билан талабалар щамкорлик фаолиятини бошқариш даражаларини эгаллашда фаоллик, илиқ муносабат, психик мущит, қизиқиш, эщтиёж, лаёқат, мойиллик, ташаббус бир-бирларини узлуксиз равишда тўлдириб турсалар, у щолда ижро қилиш тезкор лик билан бажарилади.Жамоа бўлиб фикрлаш технологиясини мусиқа эшитиш орқали амалга ошириш ҳам кутилган натижага олиб келади. Чунки, инсон қалбига мусиқанинг кириб келиши, унинг рущиятига, характер хусусиятларига таъсир этади.

Японияниг атоқли мутафаккири Масору Ибака «Болаларни бир хил ўқув режасида ўқитиш ақлан қобилиятли болаларни эҳтиёжларини қондирмайди, қобилиятсиз болаларни эса қийнаб қўяди»[1], деган эди. Шунинг учун ҳам айрим машқларни бажартиришда уларни гурухларга ажратиб, мусиқа орқали вазифаларни бажартириш ўринлидир. Мусиқа сабоғи ёшларда бадиий-ахлоқий сифатларни тарбияловчи маънавият ва тафаккурни шакллантирувчи таълим сифатида муҳимдир Шу боис биз ҳам замонавий таълим технологияларидан бўлмиш «Мусиқали дақиқа» усулини қандай ўтказиш мумкинлиги қақида методик тавсиялар берамиз.

## «МУСИҚАЛИ ДАҚИҚА» УСУЛИ

Ўқувчи берилган мавзуни эсда сақлаб қолиш учун, унинг диққатини, ҳиссиётини, қизиқишини жонлантириш лозим. Бунинг учун дарсда турли ўйинлар ўтказиш даркор. Ўқиб билиб олиниши лозим бўлган материалда ўқувчиларнинг ҳис-туйғусига таъсир қиладиган онлар ўқувчига тақдим қилинаётган материалнинг мазмунидагина эмас, балки ўқитувчининг бу материални баён этиш маҳорати ва усулларида, ўқувчиларнинг бу материалга қизиқишида ва қизиқтиришида намоён бўлади. «Боланинг эсида бирор нарсанинг маҳкам ўрнашиб қолишини хоҳловчи педагог бола сезги органларининг мумкин қадар кўпроғини-кўзи, қулоғи, товуш органлари, мускул сезгиси ва, иложи бўлса, ҳатто ҳидлаш ва таъм билиш органларини эсда тутиб қолиш жараёнида қатнаштиришга ҳаракат қилиши керак», — деган эди машқур педагоглардан бири. Юқорида айтилганидек, ўтилган вазифаларни сўраш ёки мустаҳкамлаш бобида «мусиқали дақиқа» усулидан фойдаланиш мумкин. Бу усул қуйидагича амалга оширилади: магнитафон ёки радиодан куй таралади. Ўқитувчи бу вақтга қадар ўқувчиларни уч гуруҳга ажратади. Уч хил ёки ўнтагача бўлган топшириқни (ёки тестни) беради. Ўқувчилар мусиқа овози эшитилган заҳоти ўринларидан турадилар. (Маълумки, куй инсон организмига таъсир этиб, унинг щолатини ўзгартириши мумкин. Масалан мумтоз куйлар кишига тинчлантирувчи руҳ бағишлаб, ундаги чарчоқ щиссини тарқатиб, хуш кайфият ҳосил қилади. Бошқача (тез) куйлар эса, аксинча, кишини тинмай щаракат қилишга ундайди. Шунинг учун щам «мусиқали дақиқа» усули ўқувчиларда хуш кайфият хрсил қилади). Тўғри, магнитафон ёки радиодан фойдаланиш ноанъанавий усул эмас, бироқ биз қўллаган усулда уч нарса амалга ошади. Аввало, талабаларда лирик кайфият щосил қилинади, жамоа бўлиб мушоқада қилиш шаклланади, ўқувчилар бир хилда ўтиравериб зерикмайдилар, балки улар бу усулни амалга ошириш учун ўринларидан туриб(мусиқа садолари остида ) учта гурущга бўлинадилар ва уч доира шаклида турадилар, ўқитувчи уч гурущга уч хил топшириқни бажаришни буюради, улар маълум бир вақт ичида топшириқнинг енгил ёки мураккаблигига қараб, бирор муддат ичида, яъни уч дақиқадан ўн дақиқагача бўлган вақтда ҳар бир гуруҳ ўзаро маслаҳатлашиб топшириқларни бажарадилар. Топшириқ тахминан қуйидагича бўлиши мумкин:

*1. Иборага 3-4 та мисол айтинг.*

*2. Турловчи қўшимчаларни тушунпгиринг.*

*3. Бош бўлак дейилишига нима сабаб?*

---

[1] «Хал= таълими». 2002 йил. 3-сон. 3-9 бет.

*4. Сифат неча хил белги билдиришини тушунтиринг*

*5. Қўшимчалар ҳақида маьлумот беринг.*

Саволларга жавоблар ўқитувчи тарқатган варақларга ёзилади. Одатдагидек жавоб ёзилаётган вақтда радиодан куй таралиб туради. Жавоблар дарсдан кейин ёки дарс пайтида текширилади ва ўқувчилар баҳоланади. 1-гуруҳ 2-никини, 2-гуруҳ эса 3-гурущникини, 3-гуруҳ эса биринчи гуруҳнинг жавобларини текшириши мумкин. Ишни жамоа бўлиб бажаришда билганлар ўргатадилар, билмаганлар ўрганадилар. Мусиқа жавоблар ёзиб бўлиниб, талабалар ўринларига ўтирганларидан сўнг тўхтатилади.

II-босқич талабалари учун мўлжалланган «Ҳозирги ўзбек адабий тили» дарслигининг 179-бетида ана шундай топшириқли машқ берилган бўлиб, ўқитувчи истаган топшириқни юқоридагидек бажартириши мумкин.

Замонавий педагогик технология талабларидан бири жуфтликларда, гуруҳларда ўқитиш экан, уни амалга ошираётганда муаллим қуйидагиларга эътибор бериши лозим:

Аудиториядаги талабалар 2 та ёки 3 та гуруҳга бўлинишади: кимлар қайси гуруҳга тушиши олдиндан белгилаб қўйилади. Чунки юқори даражада фикрлайдиганлар алоҳида, қуйи даражада фикрлайдиганлар алоҳида бўлса, кутилган натижага эришиб бўлмайди, шунинг учун ҳам улар аралаш ҳолда гуруҳга ажратилади.

Ҳар бир гуруҳга ўрганилган ёки ўрганилиши лозим бўлган (модулли) мавзулар бўйича муаммоли саволлар берилади. Гуруҳларнинг ҳар бирида сардор тайинланади, у ўз гуруҳининг жавобларини ўқиб беради.

Шундай қилиб, педагогик технология жамоа бўлиб фикрлаш маҳоратини ҳимоя қилади.

Академик лицейларда ўқитишнинг асосий вазифаси ёшларда иқтидор ва қобилиятни янада ўстириш, уларда илмий изланиш кўникмаларини шакллантириш, қадимий, маданий меросимизни ўрганиш, умуминсоний қадриятларни эгаллаш ва чуқур билим олиш иштиёқини ривожлантиришдан иборатдар.

Юқорида биз мусиқа ҳақида фикр юритдик, дарсликлардаги топшириқларда ана шу мусиқа илмига ҳам тўхталиб ўтилган. Чунки мусиқа улуғ неъмат бўлиб, у инсон қалбига маънавият улашиши, уларни эзгуликка чорлаш воситаси деб эътироф этилган. Ўқувчи ёшларни ўзбек хал= қўши=ларининг мусиқий поэтик хусусиятлари билан таништиришда куй — шеърий матнни ўқишда ҳосил бўладиган ҳиссий кайфият ва руҳий кечинмаларни ифода этиши, айни пайтда поэтик матнда тасвирланган образларни англашга эътибор қаратиш лозим.

Шунинг учун ҳам дарслик ҳамда дастурда қуйидаги топшириқлар берилган.

*Замонавий куй ва қўшиқлардан намуналар эшитиб, фикр билдириш: «Насруллойи» куйини тинглаш ва унинг бош \оясини хис қилиш.* Ёки I босқич учун мўлжалланган дастурда она юртни, Турон — Туркистонни улуғловчи ашулалардан намуналар эшиттириши, улардан олинган таассуротлар асосида ёзма микроматнлар тузиши, шунингдек, II босқич талабалари учун мўлжалланган дарсликларнинг 20-машқ шарти ҳам ана шу мусиқа илмини сингдиришга асосланган. Яъни *«Дилхирож», «Шашмақом», «Лазги», «Ушшоқ» каби мумтоз куйлардан намуналар эшитиб, улар асосида гаплар тузинг. Тузган матнингиз ичида энг кўп =ўлланган фаол сўз ясовчи қўшимчаларни ажратиб, уларни изоҳланг.*

Кўриниб турибдики, таълимий мақсадни амалга ошириш билан биргаликда тарбиявий мақсад ҳам амалга оширилмоқда.

Ўқитувчиларимизга шуни айтиб ўтмоқчимизки, юқоридаги куйларни эшитиш имконияти йўқ бўлса, ўрнига бошқа куйларни эшиттириш ҳам мумкин.

Бугун таълим-тарбия мазмунини замон талабига мослаштириш талаб этилади.

«Таълим-тарбия мазмуни, — дейди методист олим Э.Ғозиев, — то ҳозирги кунгача коммуникация, яъни бир ёқлама ахборот узатиш (ўқитувчи ахборот манбаи, ўқувчи эса уни қабул қилувчи) асосига қурилиб келмоқда, ваҳоланки, у коммуникация (узатиш, таъсир ўтказиш), перцепция (инсонни инсон томонидан идрок қилиш, яъни ўқитувчи ёки ўқитувчининг ўқувчи томонидан идрок қилиш) сингари таркиблардан иборат бўлиши лозим».

Юқоридаги фикрларнинг тўғри эканлигини тасдиқловчи қуйидаги дарс ишланмасидан намунани тавсия этамиз. Жумладан, 23-дарс шундай бошланади.

**1-топшириқ**: *Ту\илган юртингиз ҳақида сифатлардан фойдаланган ҳолда кичик ҳикоя ёзинг. Қайси сифатлардан фойдаланганингиз ва унинг ўзига хос хусусиятларини айтинг.*

**2-топшириқ**: *Матндан сифатларни топинг. Улар =андай белгиларни ифодалаётганини аниқланг.*

Юқоридаги топшириқни бажариш жараёнида бир ёқлама ахборот узатиш бўлмайди, балки билимларни ўзлаштиришни ҳамкорлик асосида қабул қилиш, идрок қилиш амалга ошади. Бунинг учун щозирги замон фанини ўқитишда фаол методлардан фойдаланмоқ зарур, яъни улар: ҳамкорликка асосланган муҳокама, мунозара, музокара, савол-жавоб методларидан фойдаланиш бўлиб, у назарий билимларни мустаҳкамлайди, талабаларда ўз назариясини ёқлаш ва муҳокама қила олиш малакасини юзага келтиради.

Бугунда тафаккурни ривожлантиришимиз жуда зарур, сабаби ҳаётимиздаги ижтимоий, маънавий ўзгаришлар аввало ўқитувчида, сўнгра талабаларда юқори даражада шаклланиши лозим. Бунинг учун ўқитувчи ва талабаларимизда илмий таҳлил қилишни, таҳлилий тафаккурни (ТТ) ривожлантиришимиз зарурлигини барчамиз ҳис қилмоғимиз керак. Билим олувчилар тафаккурини ривожлантирувчи ва уни чуқурлаштирувчи фаол ўқитув технологиялари ишлаб чиқилиши ва ўқув жараёнига уни жорий қилиниши аҳамиятлидир. Ҳар бир ўқитиш босқичида ўзлаштирилиши лозим бўлган билим салмоғи талабанинг ТТ ининг ривожланганлик даражасига боғлиқ.

Янги педагогик технология талабларидан бири билим олувчиларда ТТ ни ривожлантириш экан, унинг ижобий томонларидан бири у нафақат билим олувчини, балки ўқитувчининг такомиллашишини, дарс мақсади, мазмуни ва самарасини назорат қилишда дидактик хулосалар чиқара олишини таъминлайди. Ана шуларга асосланиб, дарсликнинг (II босқич) 193-бетида қуйидагича топшириқ берилган: сизга тавсия этилаётган машқ «Хато топинг» деб номланади. *Матнни ўқигандан сўнг сифат сўз туркумига оид сўзларни икки устунга бўлиб кўчиринг. Хато ёзилган ўринларни аниқланг ва сўзларни тў\рилаб қўйинг.* Бу топшириқни талабалар ўқитувчи билан ҳамкорликда бажарадилар ҳамда таҳлилий тафаккури ривожланади, назарияни амалиёт билан боғлайдилар. Биз мазкур топшириқни намуна учун бердик, ўқитувчи хоҳлаган мавзуда ана шундай билим беришни амалга ошириши мумкин. Шу усул билан сўз туркумларининг боғланишини ўргатиш, орфографик билим бериш амалга оширилади.

Янги педагогик технология ўқитувчида ўзининг фани бўйича кенг билимга эга бўлишни ва уни дарс ўтиш жараёнида қўллай билишни талаб қилади. Ўқув жараёни ижобий ривожланиши учун ўқитувчи дарс ўтиш шаклини турлича қилиб, «ақлий хужум» усулларидан фойдаланиб, ТТ ни такомиллаштиришга эришиши лозим.

Бунинг учун шеърий асарларни насрий баён этиш, насрий матнга айлантириш ҳам ижодий фикрлашни амалга оширади, таҳлилий тафаккурни ривожлантиради. Шунга кўра дарсликда (II босқич) қуйидаги топшириқлар берилган.

*252-бет 298-машқ. Қуйидаги балладанинг мазмунини насрий йўл билан о\заки баён қилинг, сўнгра феъл майлларини аниқланг, уларни алоҳида кўчириб ёзинг ёки 183-бетда Сирожиддин Саййиднинг «Ватан надир?!» шеърини ифодали ўқинг. Сўнг шеърни насрий баён қилинг.*

Бизга маълумки, дарслардаги бир хиллик, баёнчиликдан воз кечиб, мунозара, онгли фикрлаш усулларидан фойдаланиш керак, бунда тингловчи мустақил фикрловчи шахсга айланмоғи зарур, чунки талабанинг дарсга қизиқмаслигига зерикарли дарс ўтилиши, доимо бир хиллик бўлиши сабабдир. Дарсда =андай самарага эришилганлик амалиётда қўлланилиши билан белгиланади.

## АСОСИЙ ҚИСМ

Ҳозирги ўзбек адабий тили фани III қисмдан иборат. I,II,III босқич учун мўлжалланган дарслик учун дастурда 240 соат вақт ажратилган бўлиб, щар бири 80 соатдан иборат. Ўша 80 соат 40 та (мавзу) дарс асосида олиб борилиши режалаштирилган.

I босқичда «Ҳозирги ўзбек адабий тили» фанининг фонетика, графика, орфоэпия, пунктуация, ўзбек тилининг янги имло қоидалари, сўз ясалиши, иншо назарияси ва амалиёти;

II босқичда эса адабий тил, лексикология, лексикография, услубиёт, морфология каби қисмлар ёритилган;

III босқичда эса сўз бирикмаси, нутқда гап бўлакларининг ўрни, уюшиқ бўлаклар услубиёти, ажратилган бўлаклар услубиёти, ундалмалар ва кириш қурилмалар услубиёти, ўзбек тилида гап қурилиши, қўшма гаплар синонимияси, кўчирма ва ўзлаштирма гаплар услубиёти каби бўлимларни ўз ичига олган.

Ҳар бир дарс мавжуд дарсликлардан фар=ли ўлароқ алоқида шаклга эга бўлиб, чет эл технологияси асосида ёзилган ва у 9 хил шартли белгилар билан берилган.

Жумладан, ? (жавоб беринг), ☝ (диққат қилинг),! (эсда сақланг), (эътибор беринг), (ўйланг), (топинг), 🕮

Дарслик (II ҳамда III босқич) қуйидаги пирамида шаклига асосланган ҳолда берилган. 80-бет

**81-бет**

### I. Пирамидамизнинг биринчи поғонаси «Дарс мақсади» ҳисобланади

Дарс мақсади — у нимани англатади, нима учун мавзудан сўнг дарсликда мақсад берилади? Унинг боиси албатта янги педагогик технология талабига кўра мақсад натижа, кутилган самарадорликка эришишдир. Яъни таълим мақсади талабанинг ҳаракатларида акс этган ўқиш-ўқитиш натижалари орқали ифодаланади ва бу ҳаракатларни муаллим ёки бирорта ҳайъат аъзоси эшитиб, ўша билимни ўлчаш мумкин.

Масалан, дарсликнинг 66-бетидаги 8-дарсида «Ўзбек тили лексикасининг ривожланиши» мавзуси берилган бўлиб, ундаги дарс мақсади: талабаларда ўзбек тили лексикасининг такомил топиб бориш йўллари, тилдаги сўзларнинг эскириб бориши ва уларнинг ўрнига янгилари кириб келиши ҳақида билим ҳамда кўникмалар ҳосил қилиш.

Биз юқоридаги шаклларнинг мақсад ва вазифалари ҳақида маълумот бериб ўтамиз!

Юқоридаги мақсадга эришиш учун дарслик муаллимга энг яқин ёрдамчи бўлиб, унда мавзулар изчил акс эттирилган. Мавзуни кенгроқ тушунишлари учун ўқитувчи талабалардан ҳаётий мисоллар асосида сўраб, савол-жавоб ўтказишлари зарур, шундагина мақсад кутилган натижага олиб боради.

Дарсни таҳлил этишда ўқитувчи ўз олдига аниқ мақсад қўйиши керак ва бу мақсадга қай даражада эришганини таҳлил қилиш даркор.

Дарсда юқори самарага эришиш ўқитувчининг ижодкорлигига боғлиқ.

## II. Пирамидамизнинг иккинчи поғонаси «Дарс режаси» хисобланади

Дарсликда ҳар бир мавзу юзасидан аниқ режа берилган ва шу режа асосида мавзунинг асосий қирралари илмий жиҳатдан асосланиб, талабалар учун тушунарли бўлган мисоллар асосида ёритилган. Дарсликнинг режа асосида берилиши ушбу фанни ўрганаётган талаба учун ҳам, дарс берувчи, ўқитувчи учун хам ўқувчилар учун ҳам амалий жиҳатдан ёрдам берувчи йўлланма бўлиб хизмат қилади. Жумладан, саккизинчи дарснинг режаси қуйидагича:

1. Лексика таркибидаги ўзгаришларнинг сабаблари.

2. Айрим лексемаларнинг эскириши ва унинг сабаблари: архаизмлар ва историзмлар (тарихий сўзлар).

6. Янги сўзларнинг пайдо бўлиш сабаблари.

Кўриниб турибдики, режанинг берилиши бу изчилликка, кетма-кетликка риоя қилиш, дарсни системали олиб боришдир. Зеро "режасиз ишқолипсиз ғишт" мақолига амал қилинган

## III. Пирамидамизнинг учинчи поғонаси «Топшириқлар» деб аталади.

Уларни бажаришда талабалар педагогик инноватиканинг бир йўли бўлган акмеология таълимотига асосланади. Топшириқни бажаришда шахс ўзини-ўзи ривожлантиради, яъни ўз устида ишлайди, натижада унинг фикрлаши ривожланади, берилган имконият унга қандай ютуқ келтиришини кўз олдига келтиради.

«Акмеология» (акте чўққи, ривожланишнинг юқори поғонаси маъноларини англатади) таълимнинг асосий йўналиши, объекти ҳисобланади. Инсон ўзини-ўзи ривожлантириш, ўз устида ишлаш ва унинг оқибатида шахснинг такомиллашувини билдиради. Демак, талаба ўз имкониятларидан келиб чиқиб топшириқни бажаради, унинг уддасидан чиқиш учун бор интеллектини ишга солади.

Дарсларда мавзуни бошлашдан олдин уни кўпроқ идрок қилиш ва осон қилиш учун ҳар бир мавзуни талабаларга ўзини-ўзи текшириш учун тайёрланган (саволлар) топшириқлар берилган. Ўқув материалининг баён қилишнинг мазкур шакли талабага у ёки бу педагогик илмий муаммонинг моҳиятини очишга имкон беради. Замонавий педагогик технология талабига кўра ўқитувчи ўз фикрини олдиндан баён этмайди, аксинча мавзу бўйича тингловчиларнинг фикр мулоҳазаларини билишга ҳаракат қилади. Талабаларнинг эшитиш, кўриш орқали эгаллаган билимларига асосланиб, турли воситалар билан баён этишга даъват этади. Ўқитувчй уларнинг фикрларини тинглайди. Бошқача айтганда, мавзу юзасидан талабалар ўртасида қизғин музокара ташкил этиб, қайси талабанинг мустақил фикрлаши, қайсинисининг эса билими юзакироқ экани ҳақида хулоса чиқаради. Жумладан, дарсликдаги 7- дарсда шунга асосан қуйидаги топшириқ берилган:

**1-топшириқ:** *Сув сўзининг каштачиликдаги ва кимё фанидаги маъноларини тушунтиринг. Уларнинг умумхалқ тилидаги сув сўзи маъноси билан солиштириб фарқини айтинг*

**2-топшириқ:** *Аудит, кредит сўзларининг маьносини айтинг ва уларнинг =айси соҳада қўлланишини тушунтиринг.*

Аввало, ўқитувчи талабаларнинг жавобларини тинглайди ва улар фикрига якун ясайди. Топшириқ қуйидагича бажарилади:

**Сув. а)** Водород билан кислороднинг кимёвий бирикмасидан иборат тузсиз шаффоф суюқлик: табиатда муз ва буғ ҳолида ҳам учрайди, барча тирик организмларнинг ва кўпгина моддаларнинг таркибий қисмини ташкил қилади (кимё фанидаги маъноси); **б)** каштачиликда тўғри ёки тўлқинсимон шаклидаги гул элементи ипак билан тикилади (каштачиликдаги маъноси) .

**Аудит** — аудиторлик ваколати бўлган шахслар (аудиторлик фирмалари) томонидан хўжалик субъектлари молиявий ҳисобининг мустақил экспертиза ва таҳлил қилиниши.

**Кредит** — фоизда қайтариш шарти билан вақтинча фойдаланиш учун пул ёки материал маблағлари бериш жараёнида унгача келадиган иқтисодий муносабатлар тизими: қарз, насия[1].

Кўриниб турибдики, юқоридагиларни бажариш натижасида талабанинг ҳам кимёга оид, ҳам иқтисодиётга оид билимлари кенгаяди (фанлараро интеграция).

Дарснинг мазкур босқичи учун ажратилган вақт тугагач, ўқитувчи мавзу юзасидан тўғри фикр баён қилган талабалар номини тилга олиб, уларнинг мулоҳазаларини янада тўлдиради. Дарс машғулот ушбу усулда ташкил этилса, талабалар эркин фикрлайди, мунозара-баҳс юритади. Бу ўзлаштириши паст бўлган талабаларга ижобий таъсир этади.

Шуни таъкидлаш жоизки, дарсликда берилган машқлар билан топшириқлар гарчи бир хилга ўхшаса-да аслида мақсад бошқа-бошқа бўлади.

«Ўқитувчи китоби»нинг бошида тафаккур ўстириш асл мақсад, деб айтган эдик. Шу мақсадда дарсликдаги топшириқларнинг ўзига хос хусусиятлари бор, яъни :

1. Номаълум нарсани талаба излаб топсин.
2. Топшириқлар бажаришда ҳукм, хулоса чиқаришга йўналтирилсин.
3. Берилган топшириқ тафаккурни ривожлантириш учун талабанинг ўзида мавжуд билимларнинг етарли эмаслигини тушуниши ва янги берилаётган билимларни эгаллашга зарурият сезсин.

Ҳар бир топшириқни бажаришда албатта талаба шахсининг ривожланишига эътибор қаратмоқ лозим.

Дарснинг талабига кўра, талабалар илм ўрганиш жараёнида маълум бир мавзуга доир қоидани ўқитувчи талабаларга ёдлатиб, кейин машқлар бажаришга киришмайди, аксинча, топшириқларга шогирдлари диққатини қаратиб, фикрлашга ундайди ва хулоса чиқаришни улар ҳукмига ҳавола этади.

Ўқув-тарбия ишларининг самарадорлиги, давлат таълим стандарти талабларининг бажарилиши устозларнинг билимию, моҳирона ўқитишига боғлиқ. Муҳими, талабаларнинг қизиқишини орттира билган ўқитувчи ёки жамоагина муваффақиятга эришади (топшириқлар ва уларнинг жавоблари қўлланманинг сўнгги саҳифаларида дарсма-дарс берилган).

## IV. Пирамиданинг тўртинчи поғонаси «Асосий мавзу»лардир

Топшириқларни таҳлил қилгандан сўнг янги мавзулар берилган. Бунда грамматик талқин ва тушунчаларга таянилди. Чунки тилни грамматик билимларсиз ўрганиш ва таҳлил қилишнинг иложи йўқ. Шунинг учун ҳам назарий билимларнинг эсда сақлаб қолинг деган жойларига (!) белгиси қўйилган.

Масалан, ўқитувчи 12-дарсни шундай ташкил қилади. Бир ёқадан (имкон бўлса) бош чиқариб турган 3 та калланинг суратини чизади ва уни мантиққа тўғри келиш-келмаслигини, шу сурат қайси иборага тўғри келишини сўрайди. Яъни **бир ёқадан бош чиқармоқ** иборасини айтадилар. Унинг маъноси қайси сўзга монанд эканлигини сўраганда улар аҳил деган бир сўзга тўғри келишини айтади.

Энди нима учун **барқарор, турғун** эканлигини талабалар билан биргаликда ҳал қилинади, уларга саволлар берилади**: Қовуни қўлтиғидан тушди** деб бўладими? Йўқ албатта. Тарвузни қовун билан алмаштириб бўлмайди, шунинг учун ҳам улар турғун, яъни барқарордир деган фикрни айтади. Ўқитувчи фикрларга хулоса ясаб, доскага қўйидагиларни ёзади:

1. У сўз эмас, бирикма ҳолда бўлади.
2. Кўчма маънода ишлатилади.
3. Маъноси бир сўзга тўғри келади.
4. Нутққа тайёр ҳолда кириб келган.
5. Бирикманинг қисмларини бошқа сўзлар билан алмаштириб бўлмайди.

Ана шундан сўнг талабалар ўзлари грамматик қоидани яратадилар.

## V. Пирамидамизнинг бешинчи босқичи

**«Савол ва топшириқлар» деб аталади**

Ўқиш жараёни қизиқарли ва тушунарли бўлиши учун мавзудан сўнг берилган савол ва топшириқлар мунозара ва ўйинлар асосида ўтказилади. Ықишнинг боришида ўрганилаётган материалларга танқидий муносабатни ривожлантиришга ёрдам берувчи аналитик саволлар ва топшириқлар бор. Жумладан, 12-дарсдан сўнг қуйидагича топшириқлар берилган:

1. Луғат ва унинг турлари ҳақида нималарни биласиз?
2. Имло луғати нима?
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати ҳақида маълумот беринг.
4. Қомусий луғатлар нима ва ундан қандай мақсадларда фойдаланилади?
5. Нутқда иборалардан нима мақсадларда фойдаланилади?

Юқоридаги савол-топшириқлар талабаларнинг тафаккур қобилиятини ўстиради, бир пайтнинг ўзида а=л, хаёл, хотира, сўз билиш, ўрганиш, интилиш қобилияти ривожланади.

Савол ва топшириқларни бажариш усули:

а) грамматик қоидаларни қўллашга доир саволлар (репродуктив усулда);

б) фикрлашга ўргатувчи бащс-мунозарали топшириқлар (продуктив усулда);

в) Мантиқий фикр юритиш, муаммоларни илмий, ижодий ечишга ўргатувчи топшириқлар (продуктив усулда).

17-дарсдан сўнг қуйидагича репродуктив ва продуктив даражадаги топшириқлар берилган:

1. «Товуқ» нинг икки хил луғатда қандай изоҳланганини тушунтиринг.
2. Энциклопедик луғат билан изохли луғатнинг фарқини айтинг.
3. «Гул» нинг энциклопедик ва изохли луғатларда қандай изоқланишини ёзиб кўрсатинг (дарсликда ўқитувчи учун ёрдам сифатида 1-топпшриқнинг А қисмига жавоб берилган, яъни **товуқ** сўзининг энциклопедик луғатда берилиши изоқланган). Ўзбек тилининг изоҳли луғатида эса қуйидагича таърифланади: **Товуқ** 1. Гўшти, пати ва тухуми учун боқиладиган урғочи уй паррандаси. **Сертухум товуқ**. **Курк товуқ**. **Товуқ катаги**. Товуқнинг тушига дон киради. **Мақол. Бир товуққа ҳам дон керак, щам сув керак**. Тирикчилик учун кишига ҳамма нарса керак, деган маънодаги мақол. **Ола товуқ сомон сочар, ўз айбини ўзи очар,** ўзининг ёки яқинларининг айбини гапириб юрадиган одам ҳақида айтиладиган мақол.
4. Баъзи қушларнинг модаси, макиён**. Қирғовулнинг товуғи.**
5. Тунда хўроз қичқириши билан белгиланадиган вақт. Бир товуқ ўтганда ётдик.
6. Мучал йил ҳисобида ўнинчи йил номи.

Худди шу дарснинг 2-топшириғи қуйидагича:

Энциклопедик луғат билан изоқли луғатнинг фарқини айтинг.

Энциклопедик луғатда айрим сўзларнинг луғавий маънолари ва келиб чиқиши (этимология) ва шу кабилар ҳақида қисқа, муҳим маълумотлар берилади. Йирик мақолаларга адабиётлар рўйхати илова қилинади. Қомуснинг барча жилдлари турли карталар, рангли ва оқ-қора расмлар, чизмалар, атоқли шахсларнинг портретлари билан безатилади. Энциклопедик луғатда сўзлар алифбо тартибида жойлаштирилган. Мақола номи қора катта ҳарф билан берилган. Мақола номини ифода қиладиган ҳар бир сўзда (бир бўғинли сўзлардан ташқари) урғу билан талаффуз этиладиган унли товушга урғу қўйилган. Баъзи мақолалар, масалан давлатлар, республикалар, вилоятлар тўғрисидаги мақолалар кичик сарлавҳа билан ажратилган бир неча қисмдан ташкил топган. Мақолаларнинг номи аксари бирлик сонда берилган. Чет тиллардан қабул қилинган сўз ва атамалардан иборат мақола номларига этимологик изоҳ берилган...

**Изоҳли луғат**да сўзлар алифбо тартибида жойлаштирилган бўлиб, ҳар бир сўзнинг маъноси қисқа ва аниқ изоҳ билан ифода этилган. Луғатда сўзларнинг. Асосан, хозирги ўзбек адабий тилида =ўлланиладиган маънолари берилган. Сызларнинг муста=ил маънолари бир-биридан араб ра=амлари билан ажратилган, щар бир маънога тааллу=ли маъно нозикликлари эса шу маъно ичида бир тик чизи=дан кейин берилган. Лу\атда айрим сызларнинг лексик маъно касб этган грамматик шакллари щам берилган ва турли лексикографик усуллар билан изощланган. Бундан лу\атларда келтирилган щар бир мисол кычирмадан сынг манба

(муаллиф ва аср номи, шеърда эса шоир номи) кырсатилган.

«Ызбек тилининг изощли лу\ати» 2 жилддан иборат былиб, 60000 сыз ва сыз бирикмасидан ташкил топган. Щозирги олимларимиз томонидан 100000 та сызни ыз ичига олган изощли лу\ат тайёрланмо=да. Худди шу дарсдаги 3-топшири=ни талаблар =уйидагича бажаришлари керак. Топшири=: «гул»нинг энциклопедик ва изохли лу\атларда =андай изощланишини ёзиб кырсатинг.

**Гул.** 1. Уру\ли ысимликларнинг урчиши учун хизмат =иладиган гулбарг, чангдон ва гулкосадан иборат =исм. Олма гули.

2.Атиргул, умуман зийнат учун экиладиган ёки ызи ысадиган гулли ўсимликлар,чечаклар.

3. Бирор нарсага чизиб, тикиб, босиб ёки ўйиб туширилган безак, нақш.

4. Кўчма маънода. Гул-гул очилган, гўзал

**Гул**. Қизилча, =изамиқ ва бошқа баъзи бир касалликлар билан оғриган ва=тда баданда пайдо быладиган майда тошмалар**.**

**Энциклопедик луғат**да эса гул =уйидагича изощланади:

**Гул**—ёпиқ уруғли ўсимликларнинг генератив органи. Гулкосача, тож, чангчи уруғчалардан ташкил топади. Булар табиий жараёнда функция ва қиёфасини ўзгартирган барглардан ҳосил бўлган.

**Гул**—марҳум хотирасига бағишлаб ўтказиладиган маросим. Гул маросими баҳорда гуллар очилган чоғда, вафот этганларнинг йилига қадар ўтказилади. Уларнинг олдига дастурхон ёзиб, чой-нон, баъзан таом тортилади.

Хуллас, дарсликларда берилган савол ва топшириқларни бажариш учун талаба ўйланади, изланади, қийналган жойларига эса муаллим ёрдам беради. Шунинг учун ҳам биз мазкур қўлланмада савол ва топшириқларни қандай бажариш мумкинлиги ҳақида қисқача изоҳлар бериб ўтамиз.

## САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

### Адабий тил ҳа=ида маълумот

### 2-дарс

**VI. Адабий тил нима ва у халқ шевалари билан нимаси билан фарқ қилади?**

Адабий тил умумхалқ тилининг ишланган, сайқалланган ва маълум меъёрга солинган шакли. Адабий тил ўзбек халқининг моддий эҳтиёжи ва талабларини қондиришга хизмат қиладиган миллий адабий тилдир.

Ўзбек адабий тили ўзбек тилининг диалектлари, оддий сўзлашув тили ва жаргонларидан тамоман фарқ қилади; халқ вакиллари учун умумийлиги билан характерланади.

**2. Халқ шевалари деганда нимани тушунасиз ва унинг адабий тил билан алоқаси қандай?**

Ўзбек тили кўп шевали тиллардан ҳисобланади. Бу ҳол унинг ўзига хос мураккаб тарихий ривожланиш шароити ва ўзбек миллатининг ўтмишдаги хилма-хил этник таркиби билан изоҳланади. Ўзбек тилида учта лаҳжа мавжуд: қарлук-чигил, қипчоқ, ўғуз лаҳжалари.

Адабий тилнинг ривожланишида халқ шевалари муҳим аҳамият касб этади. Жумладан,

ўзбек тилининг лаҳжалари орасида қарлуқ-чигил лаҳжаси ҳамда унга қарашли бўлган айрим шева диалектлар ўзбек адабий тилининг таянч шевалари щисобланади. Бунда уларнинг талаффуз меъёрларини белгилашдаги роли, кўпгина атамаларнинг уларда илгаридан шаклланганлиги, бу шева вакилларининг кўп жиҳатдан миллий маданият ва лексик маънолари бошқаришда ўзларига хос хизматлари борлиги асосга олинган.

Қипчоқ шеваларининг адабий тил лексикасини, ундаги чорвачилик атамаларини ривожланишида адабий тилнинг стилистик имкониятларини кенгайтиришда ҳам ўзига хос ҳиссаси бор. Масалан, *қирқим, оқсоқол, сармойтуёқ, қирқлик* каби умумий ва чорвачилик атамалари, *=уйру=, бовур, оқ патир, кулчатой* сингари пазандалик атамалари ва *отни қамчиламоқ, яхши отга бир қамчи* каби иборалар қипчоқ шеваларининг ҳаммасида кенг қўлланилади.

**VI. Сиз мансуб бўлган шеванинг адабий тилдан фарқ қиладиган томонларини айтинг.**

Бизга маълумки, ҳар бир жойнинг ўзигагина хос бўлган шеваси бўлади. Биз қанчалик ўз фикримизни адабий тил орқали ифода этишга уринмайлик, маълум бир маънода яшаётган ҳудудимизга хос бўлган шева элементлари ўз нутқимизда сезилиб туради. Жумладан, Андижон шевасида *аши, маши, китобди, чач* каби талаффуз қилинса, адабий тилда *ўша, мана шу, китобни, соч* каби айтилади. Хусусан, тушум келишиги қўшимчасини кўп ҳолларда –ди шаклида ишлатилади. Диссимиляция (зарар—зарал), ассимиляция (ошни—ошти, атлас—аллас), метотеза (сурпа—супра), протеза (стол—истол), эпитеза (киоск—киоска), эпинтеза (илм—илим), прокопа (ҳашар—ашар), синкопа (паст—пасай), апакопа (дўст—дўс) каби щодисаларни ҳам шеваларимизда кузатамиз.

## 3-дарс

**VI. Сўз товуш томонидан ташқари яна нимага эга бўлиши керак.?**

Ҳар қандай сўз товуш томонидан ташқари маънога ҳам эга бўлиши лозим. Ана шу ўзига хос товуш қиёфаси ва маъноси билан у ўзича бутунлик, алоҳидалик касб этади.

Сўз ниҳоятда мураккаб хусусиятларга эга бўлган тил бирлигидар. У ўзининг муҳим белги хусусиятлари билан тилшуносликнинг махсус бўлимларини ўрганиш объекти бўлади.

Масалан, сўзнинг маъноси ва унга алоқадор ҳодисалар лексикологияда, сўз ясалиши ва унга алоқадор ҳодисалар сўз ясалишида ўрганилади.

**2. Сўзнинг лексик маъноси деганда нимани тушунасиз?**

Сўзлар лексик ва грамматик маънога эгадир. Лексик маъно деганда, сўзнинг луғавий маъноси тушунилади. Жумладан, дафтар, китоб, ручка сўзларининг луғавий маъноси ўқув қуроли.

**VI. Сўзнинг грамматик маъноси нима?**

Грамматик маъно лексик маънодан фарқли равишда борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг умумлашган маъноларини ва улар ўртасидаги муносабатни билдиради.

*Дафтар, китоб, ручка* сўзларининг грамматик маъноси от сўз туркумига хослиги, бош келишикдалиги каби.

Грамматик маъно муайян моддий воситалар ёрдамида ифодаланади. Маълум грамматик маънони ифодаловчи моддий воситалар грамматик шакл ҳисобланади. Масалан, кўплик шакли, келишик шакли кабилар.

**VI. Лексема ва сўз нимаси билан бирбиридан фарк қилади?**

Сўз атамаси тилнинг лексик сатҳ бирлигига нисбатан қўлланилганда лексемага тенг келади. Сўзнинг грамматик маъно ифодаловчи воситаларисиз қисми лексема ҳисобланади.

**VI. Битта гап келтириб, уни сўзларга ажратинг, сўзларнинг лексема қисмини аниқланг.**

*Байкал—дунёдаги энг чуқур кўл.*

Юқоридаги гаплар *байкал, дунёдаги, чу=ур, кўл* сўзларидан иборат. Бу сўзлар *байкал, дунё, чуқур, кўл* лексемаларидан ташкил топган.

## 6-дарс

**VI. Синекдоха кўчма маъно ҳосил қилишнинг қандай усули?**

Синекдоха ҳодисаси бир нарсанинг номи билан унинг бирор қисмини аташ ёки, аксинча, қисмнинг номи билан шу қисм мансуб бўлган бутунни аташ орқали ҳосил бўлади.

Бу йўл билан ном кўчишда қисм номининг бутун номига ўтиши асосий ҳолат бўлиб, бутун номининг бўлак номи бўлиши бир-икки сўздагина учрайди.

**2. Синекдоханинг метафора ва метонимиядан фарқи нимада?**

Синекдоханинг метафора ва метонимиядан фарқи, синекдохада бир нарсанинг номи билан унинг бирор қисмини аташ ёки, аксинча, қисмнинг номи билан шу қисм мансуб бўлган бутунни аташ орқали ном кўчишидир.

**VI. Синекдохага 3 та мисол топиб, кўчма маъно ҳосил бўлиш сабабини тушунтиринг.**

*Қора кўз*—ў=увчи маъносида.

*Тирно=қа зор*— фарзандсиз маъносида.

*Синф хонасига кирганимда, қирқта қора кўз менга қараб турарди.*

Бу гапда қисм орқали бутун англашилялти. Қиркта қора кўз деганда, 20 та ўқувчи назарда тутиляпти.

*Меҳрнисонинг тирно=қа зорлигини Иқбол сатанг жуда яхши билар эди.*

*Зал оёққа турди.*

Одамларнинг турганлиги назарда тутиляпти. Қисм орқали бутун изоқланяпти.

## 10-дарс

**VI. Луғавий синонимлар нима?**

Талаффузи ҳар хил нозиклиги билан бир-биридан фарқланувчи сўзлар синонимлар дейилади.

Луғавий синонимлар бир хил маънони англатади. Айрим маъно нозикликлари билан фарқланиши мумкин. Икки ёки ундан ортиқ сўзнинг ўзаро синонимлигини белгилашда маънога асосланилади. Сўзнинг маъноси маълум компонентлардан ташкил топади.

*Хурсанд, қувноқ, шод, бахтиёр; чиройли, гўзал, лобар, барно; кулмо=, илжаймоқ, жилмаймоқ* каби сўзлар луғавий синонимлар қаторини ташкил қилади.

1. **Синонимлар қатори деганда нимани тушунасиз?**

Синонимик қатор икки ва ундан ортиқ сўздан ташкил топади. Бирдан ортиқ сўзнинг ўзаро синонимлиги уларнинг бир хил маънога эга эканлигига асосланар экан, табиий равишда, фақат бир туркумга оид сўзларгина ўзаро синонимик муносабатда бўлади. Жумладан, отлар: *одам—инсон— киши—кимса—башар—улус*. Олмошлар: *ҳамма—барча—бари—бутун— бори—жами—буткул—тамом—бору йўқ*. Сифатлар: *жасур—мард—ботир—=ўр=мас—паҳлавон*. Феъллар: *йи\ламоқ—сиқтамоқ—кўз ёш қилмоқ*. Равиш: *аввал—илгари—олдин—бурун—қадим* каби.

**VI. Синонимлар қаторида қандай сўз доминанта бўлади?**

Синоним сўзлар миқдорини аниқлашда шу қатордаги бош сўзни аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Бундай бош сўз доминанта атамаси билан юритилади.

Синонимик қаторда доминанта бўладиган сўз ҳозирги адабий тилга мансублиги, эмоционал-экспрессив бўёқ ва услубга нисбатан нейтраллиги билан характерланади, яъни доминанта турли қўшимча белги-хусусиятларга нисбатан нейтрал ҳолатда бўлади. Шу сабабли ҳам у синонимик қатордаги бошқа сўзларга нисбатан кенг қўлланилади, умумистеъмолдаги сўз бўлади.

Масалан, *чиройли—кўркам—гўзал—ҳусндор—хушрўй—кўҳлик—латофатли—соҳибжамол*. Синонимик қаторда *чиройли* сўзи худди шундай хусусиятга эга

## VI. Пирамидамизнинг олтинчи қисми «АМАЛИЙ МАШҚЛАР» деб аталади

Аввало маш= атамасига эътибор қаратайлик. 1. «Машқ» ўрганиш, малака ҳосил қилиш учун қилинадиган иш, тайёргарлик машғулоти. 2. Малака ошириш машғулотлар учун белгиланган вазифа, деб кўрсатилади «Ўзбек тилининг изохли луғати»да. Бизнингча, у

ўқитишнинг бир усули, таълимнинг мазмуни щисобланади.

Талабаларнинг тафаккур фаолиятини ривожлантирувчи, мустақил ишлатишга ўргатувчи дидактик воситалардан бир—дарсликдаги машқлар бўлиб щисобланади. Биз қандай таълим берганимизнинг натижаси ана шу амалий кўникма орқали ўлчанади. Маш= бажариш катта амалий ащамиятга эга, чунки бу жараёнда талабалар машқ талабига жавоб бериш учун ўз билимларини хотирада тиклайди, муста=ил фикр юритади, ижодий изланади, ў=итувчи кўрсатмалари ва йўл-йўр=лари асосида машқда берилган намунага қараб фаолият кўрсатади.

Талабаларнинг тафаккурини ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш мақсадида берилган маш=лар щам грамматик, щам ижодий характердалиги би- лан уларнинг қизиқишини оширади, билищдаги фаолиятини ривожлантиради. Жумладан, дарсликнинг (II-босқич) 205-сащифасидаги 256-машқни бажариш давомида билим олувчилар щам грамматик топшириқ бажаради, щам ижодий фикрлайди.

У қуйидагича шарт билан берилган:[1] II боскич:

*Сифат ясовчи қўшимчалардаги антонимлик муносабатини, шунингдек, уларнинг маьнодошини щам айтинг. Ўқув хонасидаги биринчи қатор инсондаги ижобий фазилатларни (ростгуй, куюнчак), иккинчи =атор сўзларнинг =арама-=арши маънолари—салбий фазилатларини (ял=ов, ёл\ончи) топадилар.*

Ҳар бир машқ ўқувчини мустақил фикр юритишга ўргатар экан, у ўз қараши, муносабатига эга бўлиб боради.Она тилида берилган машқлар орқали талаба ўз дунёқарашига, ўзини-ўзи тарбиялаш кўникмасига эга бўлади. Ўқитувчиларимиз шуни унутмаслиги керакки, дарсликдан фойдаланишда талабани ўз ҳолига қўймаслик керак. Бунда албатта устозда йўналтириш қобилияти бўлиши, яъни ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлиги ҳукмрон бўлиши керак.

Дарсликдаги машқларни бир қанча гуруҳларга ажратиш мумкин: 99-бет

| | | | |
|---|---|---|---|
| Муст ақил фикрлашга асосл анган | Грам матик ўйин — топш ириқли | Маън авий маър ифий били м берад иган | Мант иқий фикр лашга асосл анган |

Шунингдек, дарсликда ҳис-туйғу уйғотадиган, тасаввур, фантазия ҳосил қиладиган, миллий қадриятларни ўргатувчи бир талай машқлар ҳам берилган. Юқоридагиларни бажартириш учун эса ўқитувчилардан она тили ўқитишнинг хилма-хил усул ва воситаларини излаб топишлари, тинимсиз изланишлари, хуллас, талабаларда иштиёқ уйғотишлари талаб этилади.

Дарсликнинг (II босқич) 39-машқида қуйидаги шарт берилган: **Сиз ҳам «Сухандонлик дақиқа» ларини ўтказинг.** Хўш, бу қандай дақиқа? Талабалар бунда маълум бир эшиттиришнинг бошланиш қисмини худди сухандонга ўхшаб олиб боради ёки сухандонларга ўхшаб кечки ёки кундузги дастурни эълон қилади. Ўқитувчи бунда асосан талаба адабий тил меъёрларига амал қиладими, бадиий тилда гапира оладими, оҳангдорликка эътибор қиладими ана шулар ҳисобга олинади. Булар эса мустақил фикрлашга ундовчи омиллардан ҳисобланади.

134-машқни бажариш учун ўқитувчида манба (луғат) бўлмаса, қуйидагилардан фойдаланиш мумкин:

*Аёвсиз, беаёв, шафқатсиз, беомон, омонсиз: айниқса, хусусан, алалхусус; айрилиқ, жудолик, ҳижрон, ҳажр, фироқ; бахтли, бахтиёр, саодатли, толели, масъуд; бошқача, бўлакча, ўзгача, айрича; вазият, аҳвол, ҳолат, шароит, манзара; дангаса, ялқов, ишёқмас, танбал, сояпарвар; данғиллама, ҳашаматли, серҳашам, муҳташам; кайфли, ҳузурли,*

[1] А.Щожиев «Ызбек тили синонимларининг изощли лу\ати», Т: Ы=итувчи, 1974.

*нашъали, сафоли, гаштли; мард, танти, ҳимматли; новча, найнов, дароз, узун; ортиқ, ошиқ, зиёда; оғриқ, озғин, қилтириқ, дирдов, ипилтириқ, рамақижон, лоғар; таъна, ёзғириқ, маломат; шикоят, арз, дод; яроқли, лаёқатли, қобилиятли; қуёш, кун, офтоб.*[1]

Юқоридаги машқ хотирани синаш ҳамда чархлаш учун, шунингдек, талабаларнинг орфографик билимларини мустаҳ.камлаш учун хизмат қилади.

Машқ шартининг қизиқарли, мусобақа тарзида бажарилиши муҳим аҳамиятга эга. Дарсликдаги машқларнинг қизиқарли бўлиши унинг изланувчанлигига боғлиқ бўлса, иккинчидан мусобақа тарзида ўтказилиши талабаларни янада фаолликка чорлайди. Жумладан, 216-машқда қуйидагича шарт қўйилган. Учта гуруҳга бўлининг.

1-гуруҳ ҳуқуқшунослик, 2-гуруҳ математика, 3-гуруҳ тилшунослик фанига оид атамаларни ёзиб, изоҳласинлар.

| I гуруҳ ҳуқуқшунослик | П гуруҳ математика | Ш гуруҳ тилшунослик |
|---|---|---|
| қонун<br>қарор<br>ижро<br>суд<br>прокурор<br><br>оқловчи<br>фуқаро | синус<br>аксиома<br>илдиз<br>чиқариш<br>кўпайтма<br>логарифма<br>қўшув<br>куб<br>квадрат | боғловчи<br>атама<br>бўлишли<br>нисбат<br>ясовчи<br><br>морфемика<br>синоним<br>равиш |

Мустақил фикрлашга асосланган машқлар дарслиқда талайгинадир. Мустақил фикрлаш давомида билим олувчилар ижод қиладилар, нутқ малакалари ривожланади.

Мустақил фикрлашга асосланган машқлар баҳс-мунозара тарзида ҳам амалга оширилади. Масалан, **Мўмин мўмин** *учун бир-бирини суяб турган икки бино ян\лиг бўлмо\и лозим.*

Баҳсни бошлашдан аввал ўқитувчи **мўмин, икки бино янглиғ** каби сўз ва сўз бирикмаларига изоҳ беради.

Мўмин—итоат этувчи шахс, иморатнинг тиккалиги бир-бирига суянгани, яъни киши кишига дўстдир, деган жумлалар билан мунозарани бошлаб беради. Дарсликнинг 174-саҳифасида «Топшириқлар» берилган бўлиб, унда қуйидагича баҳс-мунозара қилиш учун мавзу берилган, яъни «Нима учун бир тил 32 посбон ичига олинган». Бу муаммоли саволни баҳс-мунозарага айлантириш топширилган.

Ўқитувчининг вазифаси жаҳон стандартлари даражасида мустақил фикрловчи, интеллект даражаси юқори бўлган ёшларни тарбиялашдир. Шунинг учун ҳам ҳар бир она тили ўқитувчиси талабаларни интеллектуал ривожланишига таъсир кўрсата олиши ва замонавий педагогик технологиялардан дарс жараёнида фойдаланишлари талаб этилади. Шунинг учун ҳам ўқитувчи дарс олиб бораётганда талабаларни ақлан ривожланиш, илғор усул билан муаммоларни ечишга, фикр юритишга, мустақил ижодий изланишларни амалга оширишга тайёрлаш керак. Чунки дарслар педагогик ўйинлар орқали ўтилса, ўқитувчи ва талаба ўртасидаги тўсиқ йўқолади, билим олиш ихтиёрий қабул қилинади.

Гарчи академик лицей талабалари юқори босқич бўлса-да (ёш бола эмас) улар толиқмаслиги, дарсга янада қизиқишлари учун дарсни ўйин машғулот, мусобақа тарзида ўтказиш айни муддаодир.

Дарсликда талабаларнинг мустақил фикрлашга ундовчи, ижодий тафаккурини

[1] А.Щожиев «Ызбек тили синонимларининг изощли лу\ати», Т: Ы=итувчи, 1974.

ўстиришга хизмат қилувчи ҳадис, ривоят, ҳикмат, ҳажвиялардан уларни толиқтирмаслик, берилган маълумотларни идрок қилишни осонлаштириш мақсадида латифалар ва ҳиссалардан ҳам намуналар берилган. Уларни психологик таҳлил қилиш орқали ёшларда мустақил фикрлаш малакалари ўстирилади. Дарсликдаги 46-машқда ана шундай латифалар берилган. Машқ шартига кўра бажарилади, шу билан бирга талабалар берилган латифаларни ролларга бўлиб, ижро этишлари ҳам мумкин. («Важ», «Шишанинг пули», «Маҳлуқо») ёки 136-машқ «Устозларни ҳурматлаш баёнида» деб номланган ҳикматда устоз улуғланган. Бунда талабалар лексик синонимларни топадилар, уни кўчириб дафтарларига ёзадилар. Бундан ташқари ўқитувчи устоз ҳақида сиз нималар биласиз ёки муаллим билан устознинг фарқи борми? дея талабаларга мурожаат қилиши мумкин. 317-машқда ҳам «Ҳикматлар гулдастаси» берилган бўлиб, ундан феълларни аниқлайдилар, феълларнинг ўрнига ибораларни қўядилар, услубий томондан тўғри келиш-келмаслигини изоҳлайдилар.

Масалан, *Бир ҳурматли одам касал бўлиб, уйида ётган эди. Беш-олтита хира, ғашга тегувчи одамлар беморни кўришга бордилар. Уни =уйидагича ўзгартириш мумкин: бир ҳурматли одам мазаси йўқ* бўлиб, уйида ётган эди. Беш олтита хира, ғашга тегувчи одамлар бемордан *кўнгил сўрагани бордилар*.

Ақлий меҳнат кўникмаларини шакллантиришда ривоятлар, ҳикоят ва латифаларнинг ҳам таъсири кучлидир. Улар орқали талабаларга тарбияловчи таълим берилади, ақлий камолотга ундайди, ўқувчи диққатини ўзига тортади. Талабаларни билим олишга бўлган қизиқишини уйғотиш самараси, энг аввало, ўқитувчининг дарсда бадиийлик, образлилик, қизиқарлилик, ажабланиш, маънавий кечинмалар руҳини уйғотиш кабилардан ҳосил бўлади.

Ҳозирги ўзбек адабий тилининг морфология бўлимини ўргатишдаги методик мақсад қандай бўлиш керак эканини аниқ белгилаб олиш даркор. Бундай машқлар 3 хил мақсадда амалга оширилади: 1) ўзбек тили грамматикасини ўргатиш; 2) ўзбек тилида ўз фикрини баён қилишга ўргатиш; 3) фикрлаш қобилиятини ривожлантириш (тафаккур ўстириш).

Маълумки бир неча йиллар давомида морфология ўқитиш методикасида, асосан, репродуктив метод тарғиб қилинди, сўнгра эса секин асталик билан ижодий изланувчан методлар тарғиб қилина бошлади. Ана шу ижодийлик продуктив даражадаги топшириқларни бажариш билан ўлчанади. Шунинг учун ҳам методистлар Г.В. Рогова, И.Н. Верешчагиналар «...Маҳсулдор нутқ—фикр баёнининг грамматик шаклини танлашда, баённинг мантиқий режасини чизиш ва баён мазмунини белгилашда ижодкорлик ва мустақиллик билан тавсифланади» деб айтганлар. Грамматик топшириқларни бажартиришда «хато фикр» айтиб, уни грамматик қонун-қоидага мувофиқ тўғрилаб ёзиш технологиясини амалга ошириш хам репродуктив, ҳам продуктив даражадаги топшириқ хисобланади. Жумладан, «Хато топинг» ўйин усули дарсликнинг 241-243-290-машқларида берилган. 241-машқда фақат келишик қўшимчаларига оид хатоликлар мавжуд бўлиб, талаба уларнинг тўғри вариантини ёзиш жараёнида келишик қўшимчаларини тўла англаб етади:

*Инсонга—инсонда, о\зига—о\зидан, табиатдан—табиатга, ҳолатида—ҳолатига, тушмо\имда—тушмо\имга, шу кунда—шу кунга, юртни—юртнинг, қарашда—қарашга, нарсада—нарсага, тинглашда—тинглашга, гап сўзда—гап сўзга, сўзлашга—сўзлашда, уни—унинг, бўлишни—бўлишнинг, амалда—амалга, она тилига—она тилида, ажраб қолишга—ажраб қолишдан, сизнинг—сизни, паноҳига—паноҳида.*

Кўриниб турибдики, келишик қўшимчаларини нотўғри қўллаш натижасида услубий ғализлик рўй беради, натижада фикр тўғри ифодаланмай қолади. Хато фикрни тўғрилаб ёзиш эса ўқувчидан грамматик қоидаларни билишни, ижодий изланишни талаб қилади. 243-машқда эса сифат сўз туркумига оид сўзлар нотўғри, яъни услубий жиҳатдан хато берилган. Машқни шартига мувофиқ бажариш билан сўз туркумларини нутқда қандай қилиб қўллаш мумкинлигини талабалар чуқурроқ англаб етадилар.

| ***Хато берилган*** | ***Тўгри варианти*** |
|---|---|
| *Энг илоҳи* | *Энг илоҳий* |

*Ҳалом* *Ҳалол*
*Садоқатлик* *Садоқатли*
*Ривоят ибратли* *Ибратли ривоят*
*+изғиш* *+изил*
*Бо\араз* */аразгўй*

290-машқда талабалар грамматик услубий хатоларни аниқлайдилар, уни қонун қоидалар асосида қайта таҳрир қилиб кўчирадилар ёки бу машқларни икки устунча шаклида доскада ҳам бажариш мумкин, яъни

| ***Хато ёзилган сўзлар*** | ***Тўғри варианти*** |
|---|---|
| Фаслларни | Фаслларнинг |
| Замонга | Замонда |
| Ундан | Унда |
| Гуляпро=ларни | Гуляпро=ларнинг |
| Ерларни | Ерларнинг |
| Хаётни | Хаётнинг |
| Та=озога | Та=озодан |
| Уни | Унинг |
| Бунга | Буни |
| Дейишдан | Дейишда |
| Мощиятидан | Мощиятига |
| Алами | Алам |
| Лаззати | Лаззат |
| Борадан | Борада |

Машқларни бажаришда ўрганилган грамматик материалдан вазиятга қараб эркин фойдаланиш малакасини ҳосил қилиш кутилган натижага олиб келади. Бажариши керак бўлган машқлар шундай бўлиши керакки, талабаларда ҳар қадамда ўрганилган грамматик материални нутқда ва амалиётда қўллаш кўникмаси шакллансин.

Фикрни тўғри баён қилиш учун талаба етарли сўз бойлигини тўплаш, грамматик маъно ифодаловчи воситалар асосида грамматик шакллантириш .малакасини ривожлантириш зарур.

Субъект фикр баён этиш учун унинг ўз сўзлари билан қайта ҳикоя қилишга доир машқлар бажартирилади. Бундай машқлар талабаларнинг нутқий мустақиллигини оширади, берилган топшириққа ижодий ёндаштиради, уларни фикрлашга ундайди. Талабаларнинг нутқи таъсирчан, мантиқий жиҳатдан асосли, ёқимли бўлиши учун уларнинг нутқ ижодларига тўлиқ эркинлик бериш тақозо этилади. Бунинг учун эса дарсда халқ мақолларидан фойдаланиш ҳам самарали усул ҳисобланади.

Чунки ўзбек халқ мақоллари, ҳикматли сўзлар, маънавиятимизнинг гўзал ифодасидир. Дарсликнинг кўп ўринларида, айниқса, III босқич учун ёзилган дарсликнинг ҳар бир мавзусидан сўнг мақол берилган бўлиб, бу жараёндан дарснинг мустаҳкамлаш босқичида фойдаланилади. Мақолдан фойдаланганимизнинг боиси шуки, у халқ донишмандлигининг лўнда ва ихчам ифодасидир. Улар талабани мантиқий фикрлашга, қиссадан ҳисса чиқаришга ўз мақсадини баён этишга ундайди. Мақоллар ўзбек тилининг энг гўзал, бой, нозик бадиий хусусиятларини билиб олишда ва сўз бойлигини оширишда катта аҳамияти борлиги барчамизга маълумдир. Ўқитувчи талабалардан мақолнинг мазмунини шарҳлатиб қолмасдан, балки, мақолга мос ҳикоят, ривоятлар айттиришлари мумкин ёки мақолга мос расм чизишлари, шунингдек, адабиётдан ўтилган қайси мавзуга шу мақол мос тушиши ҳам сўралса, фанлараро интеграция методи ҳам амалга оширилган бўлади.

Мақол киши эсида қолувчи, ўйлашга, фикр-мулоҳаза юритишга ундайдиган жанрдир. Шунинг учун ҳам она тили дарсларида ундан фойдаланиш, уни баҳс-мунозарага айлантириш, маъносини изоҳлатиш кабилар фойдадан ҳоли эмас. Масалан: II босқич

дарслигидаги 156-машқни қандай бажариш мумкинлиги ҳақида йўлланма бериб ўтамиз. Машқнинг шарти қуйидагича:

Ўзингиз *донолик, манманлик, озкўзлик, дўстлик, меҳнатсеварлик, дангасалик* каби мавзуларга оид ўнта мақол топиб ёзинг, маъносини изоҳланг.

**1. Дўстсиз бошим, тузсиз ошим**

Инсон учун ота-онадан кейин қариндош уруғлар қаторидаги энг меҳрибон одам, бу дўстдир. Инсон фарзанди ота-онасиз ўзини қанчалар ғарибу бечора сезса, дўстларсиз ҳам дили мажруҳ бўлади. Шу сабабли дўсти йўқ одам, бахтсиз одамдир, дейди донолар.

Дўстлик! Бу сўз тоғлардан азим, тўфонлардан қудратли, қуёш янглиғ туйғудир. Дўстлик билан ҳар қандай офатни даф қилиш, ҳар қандай ёвни йўқ қилиш, ҳар қандай тўсиқни янчиб ўтиш мумкин. Дўстлик бор ерда ҳар қандай оғир мушкуллар осон бўлади.

Инсоннинг дўстлари кўп бўлса, турмуши яхши бўлади, аксинча, дўстсиз кечириладиган ҳаёт бемаъни ҳаётдир. Шунинг учун инсон ҳаёти давомида кўпроқ дўстлар орттириши лозимдир.

Бир ҳакимдан сўрадилар: «Қандай сафар энг узоқ сафар?».

У жавоб берди: «Садоқатли дўстни қидириш сафари!».

Қидирган нарсани топиш мумкиндир, Бироқ содиқ дўстни топмоқ мушкулдир.

**2. Дўсти нодондан душмани доно яхши**

Ривоят қилишларича, бир ўғри кечаси подшоҳ саройига ўғирликка тушибди. Қараса, подшоҳ тахтида ухлаб ётибдию, тепасида бир маймун унинг бетига қўнган пашшаларни елпиғич билан қўриб ўтирибди. У пашшаларни ҳайдаб, елпиғични тўхтатган замони яна келиб ёпишармиш. Маймуннинг жаҳли чиқиб, бир катта тошни кўтариб келибди ва хира пашшаларни бир йўла қириб ташлаш мақсадида тошни баланд кўтариб урмоқчи бўлибди. Шунда ўғри қўлига камон олиб, маймунга ўқ узибди, маймун чийиллаб жон берибди. Унинг қаттиқ чийиллаган овозидан подшо уйғониб кетибди ва ўғрини кўриб қолибди. Дарҳол ўғрини жаллодга топширибди. Шунда ўғри подшога таъзим қилиб, бўлган воқеани сўзлаб берибди. Дарҳақиқат, қарашса, тахт ёнида катта тош ва қонга беланган маймун ўлиб ётибди. Шунда подшо:

—Ҳа, дўсти нодондан, душмани доно яхши экан, —деб ўғрини ўлимдан озод қилган экан.

+иссадан-ҳисса шуки, ақлсиз дўстдан ақлли душман афзалроқ экан. Шунинг учун ҳар бир инсон дўст танлашда адашмаслиги лозимдир. Фикрни қуйидаги шеърий парча билан якунлаш мумкин:

*Жаҳоннинг шодлиги йи\илса бутун,*
*Дўстлар дийдоридан бўлолмас устун.*
*Дунёда бўлса \ам ҳар қанча аччиқ,*
*Аччиқроқдир доно дўстдан айрилиқ.*

***Рудакий***

**3. Дўст ачитиб гапирар, душман кулдириб**

Бу мақолда чин дўстдан фақат фойда тегади, ул кишига зиён-заҳмат етказмайди деган фикр илгари сурилган. Агар чин дўст қаттиқ-қуруқ гап гапирса, ҳам ундан хафа бўлмаслик керак. Чунки у кишини нотўғри йўлдан қайтармоқ мақсадидагина, куйинганидангина шундай қилади. Ҳақиқий дўст бошга иш тушганда билинади. Содиқ дўст ҳамиша сен билан бирга бўлади, дардингни, ғамингни бирга чекади, ёрдамини аямайди. Сендан манфаатланиб қолиш учунгина ўзини дўст кўрсатиб юрганлар эса юз ўгириб, қораларини кўрсатмай кетадилар. Шундай экан, бундай кимсалардан узоқроқ юрмоқ маъқулдир.

*Вафоли дўст йўлга солар,*
*Вафосиз дўст қайдан олар.*

**4. Камтарга камол, манманга завол.**

Халқ ўзининг туркум мақолларида мағрур ва манман, ўзгаларни менсимовчи шахслар устидан кулади ҳамда бундай феъл-атворнинг оқибати ёмон бўлишини уқтиради.

Юқоридаги мақолда такаббур ва манман бўлсанг, ҳеч қачон ҳеч кимга ёқмайсан. Камтарин бўлсанг, одамлар сени қадрлайдилар, эъзозлайдилар, иззату ҳурмат қиладилар, деган маъно брр.

*Гарчи шунча магрур турса ҳам,*
*Пиёлага эгцлар чойнак,*
*Шундай экан манманлик нечун,*
*Кибру ҳаво нимага керак?*

*Камтарин бўл ҳатто бир цадам,*
*Утма гурур остонасидан.*
*Пиёлани инсон шунингчун,*
*Ўпар доим пешонасидан.*

***Э. Воҳидов.***

**5. Меҳнат, меҳнатнинг таги роҳат**

Инсон ўзининг жамики бойликларини меҳнат туфайли яратади. Шу боис, кишилар меҳнатни қадрлайдилар, фарзандларини меҳнатсеварлик руҳида тарбиялайдилар. Халқда «Меҳнатсиз топилган ошдан, меҳнат билан топилган тош яхши» деган мақол ҳам бор. Ушбу мақол ва шу каби мақолларда меҳнатсеварлик фазилати улуғланади. Меҳнат қилган инсон ҳеч қачон хор бўлмайди, бирор нарсага зор бўлмайди.

**6. Донодан элчи қил, чорвадан йўлчи.**

Халқимизда қадимдан етиб келган шундай нақл борки: «Аҳмоқ элчи икки тарафни бузади», дейдилар. Шунинг учун ҳам элчини ҳамма вақт донишманд, сухандон, тадбиркор одамдан тайин қилиб келганлар. Йўлни танлаб, яқин ва бехавотир жойлардан юришни ҳар қандай одам ҳам билавермайди. Бундай жойларни ерли аҳоли, айниқса, чорвадор, чўпон ва овчилар яхши билишади. Нотаниш ерларга йўлинг тушса, йўл кўрсатувчини шундай чорва одамлар ичидан танла деб тавсия қилинган.

**7. Донога илм—илм, нодонга эсиз илм.**

Илм бахт калитидир. Ҳар бир инсон «Бешикдан то қабргача илм изла» ши керак. Дононинг илми бўлса, у олган илмини яхшилик тарафга буриб, ўзига ва эл фойдасига ишлатиб, илмига илм қўшиб, иззат ҳурматга сазовор бўлади. Нодон, аҳмоқ одам, иттифоқо илмли бўлиб қолса, ўз илмини аҳмоқона ишлатиб, икки гапининг бирида илмини рўкач қилиб, элни ранжитади. Аввало, у ўз билимларини ўзгаларга беришни хоҳламайди, берган тақдирда ҳам миннат қилади. Бундай кимсаларга эсиз илм, дейилади.

**8. Дангасанинг иши битмас, ёз келса ҳам қиши битмас.**

Халқимиз ўзининг бир қанча мақолларида ишёқмаслик ва дангасаликни, ялқовлик ва эринчоқликни энг ёмон иллат сифатида қоралайди, ишламай, бекор лаққиллаб юрувчи шахслар устидан кулади, ишёқмасликнинг оқибати ёмон бўлишини кўрсатади. Жумладан,

«Иши йўқ ит суғорар» деган мақол бор. Одатда, от, эшак, сигирни суғорадилару, аммо ҳеч вақт итни суғормайдилар. Бу мақол билан фойдали иш қилишдан ўзини олиб қочадиган, эринадиган одам зерикиб, нима қилишини билмай, қаёқдаги бўлмағур, кераксиз, фойдасиз нарсалар билан машғул бўлади, дейилмоқчи.

Бизга маълумки, талабаларнинг интеллект даражаси бир-биридан фарқ қилади, бу фарқ уларнинг ўқув фаолиятига нисбатан мотивация ҳосил қилиш билан фарқланади. Ўқувчиларда мотивация ҳосил қилиш учун дарс жараёнида турли педагогик ўйинлардан фойдаланиш даркор. Бундай ўйинлардан фойдаланиш мустаҳкам билим бериш билан бир қаторда, таълим олувчилар учун зарур бўлган тарбиявий хислатларни ҳам ривожлантиради, яъни эркин фикрлайди, ижодий тафаккур юритиб, мустақил ғоя бера олади.

Ўқувчида билим олишга мотив ҳосил қилиш ижодкор ўқитувчиларга хос хусусият. Талабада билим олишга мотив ҳосил қилиш учун машқларни бажартиришда қуйидаги педагогик ўйинларни олиб боришни тавсия қиламиз;

**«Бу бизники» ёки «Бу меники» ўйин-машқи**

Мустақил ишларни бажартириш учун биринчи навбатда боладаги эркинлик туйғусини, ўз кучига ишончни сингдириш даркор. Унинг учун ўқувчининг дарсдаги руҳий эркинлигига шароит туғдириш лозим. Биз танлаган янги усулда ўқувчи ўз ишига кўр-кўрона ёндашишни ҳам, зерикишни ҳам, лоқайдликни ҳам йўқотади. Чунки ўқувчи «бу бизники» ўйин машқини бажариш давомида «ўзиники»ни кўпайтиришга ҳаракат қилади.

Бу ўйин маълум мавзулар ўтилгач, умумлаштириш, такрорлаш, мустаҳкамлаш дарсларида ўтказилса мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда ўқувчиларни маълум гуруҳларга ажратиш асосида уларга топшириқлар берилади. Масалан, «Морфемика» бўлимини ўтиб бўлгач, ўқувчилар уч гуруҳга ажратилиши ва уларнинг ҳар бирига мос равишда топшириқни бажариш топширилиши мумкин. 1-гуруҳ «сўз ясовчилар», 2-гуруҳ «шакл ҳосил қилувчилар», 3-гуруҳ «сўз ўзгартирувчилар». Доскага 30-40 та қўшимча ёзилади ёки оғзаки ўқиб берилади. Ўқувчилар ўзларига тегишли қўшимчаларни дафтарларига ёзиб борадилар, сўнг ўша қўшимчаларга мисол ва изоҳ берадилар. Бу ўйин бошқа мавзулардан сўнг ҳам ўтказилиши мумкин. Ҳар қандай мавзуда ўқувчилар ўзларига тегишли вазифани қандай уддалашларига қараб уларнинг билимлари баҳоланади.

Фонетика бўлимини тугатгандан сўнг қуйидагича «Бу бизники» ўйин машқини ўтказиш мумкин: ўқувчилар уч гуруҳга бўлинадилар. 1-гуруҳ (шартли равишда **э** эшитилса ҳам **е** ёзиладиган товушли сўзлар) 2-гуруҳ (алифбо тартибидаги сўзлар), 3-гуруҳ (**т** эшитилса ҳам **д** ёзиладиган, **п** эшитилса ҳам **б** ёзиладиган сўзлар). Қўшимча доскада қуйидаги сўзлар аралаштириб ёзилган бўлади:

*Кеч, ер, кел, ет, жавоб, сот, китоб, кенг, елим, торт, ҳисоб, завод, давлат, телефон, истеҳком, зеҳн, савоб, дард, талаб, олиб, отиб, чеҳра, оид, жамол, меҳр, дуд.*

1-гуруҳ ўқувчилари—«топқирлар» қуйидаги сўзларни, яъни **э** эшитилса ҳам **е** ёзиладиган сўзларни ажратиб, яъни «ўзиники» ни ёзадилар.

*Кел, кеч, кет, телефон, истеҳком, зеҳн,*

*чеҳра, меҳр, ер, ет, елим* каби сўзларни ёзмайдилар, чунки улар **е** ёзилади).

2-гуруҳ ўқувчилари—«зеҳнлилар» доскадаги сўзларни алифбо тартибида ёзадилар:

*давлат, дард, дуд, жавоб, жамоат, завод, зеҳн, ип, истеҳком, кел, кет, кеч, меҳр, оид, олиб, отиб, савоб, соф, талаб, телефон, торт, чеҳра, ҳисоб.*

3-гуруҳ ўқувчилари—«зукколар» бўлиб, улар доскадаги сўзлардан фақат т эшитилса ҳам **д** ёзиладиган, **п** эшитилса ҳам **б** ёзиладиган сўзларни, яъни «ўзиникини» ажратиб ёзадилар:

*Жавоб, китоб, ҳисоб, завод, савоб, дард, талаб, олиб, отиб, оид, дуд*.

«Зукколар» гуруҳи (3- гуруҳ) доскадаги сўзлардан сот, торт, давлат, ип, жамоат сўзларини кўчириб ёзмайдилар, чунки бу сўзларнинг айтилиши ҳам, ёзилиши ҳам бир хилдир.

Ўйин машқни ўтказиб бўлгандан сўнг эса товушларни қачон қаерда айтилиши ҳақидаги қоидалар эсланади ва ўйин машқни бажаришда йўл қўйилган хатолар аниқланади ва у қоидаги мувофиқ изоҳланади. Ғолиблар эса рағбатлантирилади.

Фонетика бўлимидаги бошқа мавзуларда ҳам «Бу бизники» ўйин машғулотидан фойдаланиш мумкин. Масалан, урғу мавзуси бўйича биринчи бўғинга тушадиган, иккинчи бўғинга тушадиган ёки сўзнинг охирги бўғинига тушадиган урғули сўзларни топиш. Бу

усулни унли ва ундошлар, жарангли, жарангсиз товушлар бўйича ҳам ўтказиш мумкин.

Тил фанининг «Лексикология» бўлимини ўтганда сўнг эса пароним, синоним, антонимлар бўйича «Бу бизники» ўйин машқларини бажартириш мумкин.

Ёзув тахтасига ушбу сўзлар аралаштириб ёзилада:„

*Ўт, таом, чеҳра, от, катта, кичик, тут, яхши-ёмон, фалак, куй, олма, қисқа-узун, боб, ботир, хафа-хурсанд, меҳнаткаш, қоронғу-ёруғ, ёз, кўркам, уруш-тинчлик, омон, иссиқ-совуқ, кекса, олим, паҳлавон, сон, ҳалол-ҳаром, тирик-ўлик, тер, товуш, тикламоқ, бузмоқ, шак-шубҳа, туз, тугун, тулки, туймоқ, тулпор тузли-тузсиз, камбағал, чиройли, хато-тўғри, пишиқ-хом, худбин, дўст-душман, хат-хабар.*

Қўшимча ёзув тахтасида қуйидаги сўзлар (жуфт сўзлар) ёзилган бўлади:

*Ёлқин-ёрқин, катта-кичик, таом-овқҳат, яхши-ёмон ёноғ-ёнғоқ, жайрон-жийрон, қисқа-узун, юз-чеҳра, хафа-хурсанд, қоронғи-ёруғ, ботир-қўрқмас, кекса-мўйсафид, камбағал-бечора, замин-зомин, зийрак-зирак, илик-илк, уруш-тинчлик, истамоқ-қидирмоқ, куй-кўй милк-мулк, машоқ-машшоқ, иссиқ-совуқ, ҳалол-ҳаром, товуш-овоз, меҳнаткаш-ишчан, фалак-осмон, палак-фалак, тирик-ўлик, кийим-либос, сайил-сайр, кун-тун, пишиқ-хом, бош-калла, шаҳид-шоҳид, ҳалак-ҳалок сўзлади-гапирди, хат-хабар.*

Биринчи гуруҳ «паронимлар» бўлиб, улар «ўзиники»ни, яъни қуйидаги «паронимлар»ни кўчириб ёзадилар:

*Ёлқин-ёрқин, ёноғ -ёнғоқ, жайрон-жийрон, замин-зомин, зийрак-зирак, илик-илк, куй-кўй, милк-мулк, машоқ-машшоқ, палак-фалак, сайил-сайр, шаҳид-шоҳид, қадоқ-қадах, ҳалак-ҳалок.*

Иккинчи гуруҳ «синонимлар» бўлиб, улар қуйидагиларни, яъни «ўзиники» ни кўчириб танлаб ёзади:

*Таом-овқат, юз-чехра, ботир-қўрқмас, кекса-мўйсафид, камбағал-бечора, югурди-чопди, истамоқ-қидирмок, товуш-овоз, кийим-либос, бош-калла, ширин-мазали, яхши-дуруст, сўзлади-гапирди.*

Учинчи гуруҳ «антонимлар». Улар қуйидаги «ўзиники» ни ёзадилар :

*Катта-кичик, яхши-ёмон, қисқа-узун, хафа-хурсанд, қоронғу-ёруғ, уруш-тинчлик, иссиқ-совуқ, ҳалол-ҳаром, тирик-ўлик, тикламоқ-бузмоқ, кун-тун, хато-тўғри, пишиқ-хом, дўст-душман.*

Талабалар юқоридаги «Бу бизники» ўйинини бажариб бўлгандан сўнг тахминан ёздими ёки ҳақиқатдан ҳам олган билимини татбиқ қила олдими? Буни билиш учун уларнинг ёзганларидан нима учун пароним, синоним, антоним эканлигини изоҳлаб берадилар.

Бунинг учун «паронимлар» гуруҳи ёзганларини қуйидагича изоҳлаши мумкин: бир талаба: мен ёлқин-ёрқин, ёноғ-ёнғоқ, жайрон-жийрон,... ларни ёздим.

Чунки, айтайлик, ёлқин-ёрқин сўзлари ёзилиши жиҳатдан ҳам, талаффузи жиҳатдан ҳам бир-бирларига жуда яқин, ваҳоланки, улар бир-биридан маъно жиҳатидан тубдан фарқ қилади. Ёлкин-аланга шуъласи, ёрқин эса порлоқ, равшан маъноларини билдиради...

I. Паронимларни семантик жиҳатдан, стилистик ва орфографик жиҳатдан ўрганиш натижасида ўқувчиларнинг сўз бойлиги ортади, имло қоидаларини пухта эгаллаб, сўз маъноларини фарқлайдиган ва уларни тўғри қўллайдиган бўладилар.

II «Синонимлар» қатори эса ўйинни қуйидагича изоҳлайди: таом-овқат,......синоним сўзларини ёздим, чунки сўзларнинг талаффузи ҳам ёзилиши ҳам ҳар хил, аммо уларнинг маънолари бир-бирига яқин. Ёки юз-чеҳра сўзларига яна афт-башара, ораз каби сўзлар синоним бўлиши мумкин. Юқоридагига ўхшаб, ёзганларини бир неча ўқувчилар ўқиб берадилар, керак бўлса уни изоҳлайдилар.

III-гуруҳ «антонимлар» бўлиб, улар қарама-қарши маъноли бўлганлиги учун ёзганликларини уқтирадилар. Ўқитувчи улардан нима учун «хат-хабар», «шак-шубҳа» сўзини ёзмаганлигининг сабабини сўрайди.

«Бу бизники» усулини ҳар бир босқичда қўллаш мумкин.

Айтилганидек, ўйинни феъл нисбатлари, феъл шакллари, равишнинг турлари, қўшимчаларнинг турлари бўйича мустақил сўз туркумлари, ёрдамчи сўз туркумлари, гап бўлаклари юзасидан ўтилганларни такрорлаш ва мустаҳкамлаш дарсларида ўтказиш мумкин.

1.«Бу бизники» ўйинини бутун синф эмас, балки икки талаба мусобақа тарзида доскада

ўйнашлари ҳам мумкин. У ҳолда «Бу бизники» эмас, балки «Бу меники» деб номланади.

«Бу бизники» ёки «Бу меники» ўйин машқини сўз туркумлари ўтиб бўлгандан сўнг хам тавсия қилинади. Ўйинни сўз туркумлари бўйича қуйидагича ташкил қилиш мумкин. Ёзув тахтасига қуйидаги сўзлар ёзилади:

*Оёқ, кам, кенг, дунё, семирмоқ, айтар, ер, шундай, зид, гўзаллик, андоза, қалб, мағрур, бўзлайди, бир кун, қочди, илк, сенсиз, янги, бор, бирор, тез орада, ҳайиқмоқ, бирогиз, сўлкавой, икки марта, тантана, Мўмин, кимдир, қани, ғалати, қайсидир, сал-пал, замон, ювош, учқур, айлансин, фиғон, дард, соппа-соғ, дарҳол, сезиларли, васият, қадим замонда, мослаштирмоқ, ярим, неки, фаровон, кулфат, айтилмаган, битталаб, олтала, нечук, иккинчиси, тўрт, ноҳақ, асрасин, ўн биринчи, ўнтадан, бешов, илмилиқ, қаёққа, ношукурлик, бехосият, жамики, лаззат, йўқотади, мардона.*

Хонадаги талабалар 6 гуруҳга бўлинади. Улар шартли равишда «От», «Сифат», «Сон», «Олмош», «Феъл», «Равиш» гуруҳларига бўлинади ва ҳар қайси гуруҳ ўзига тегишли сўзларни кўчириб оладилар. Барча талабалар топшириқни бажаргандан сўнг нима учун ўзига тегишли эканини изоҳлаб берадилар. «Бу бизники» ёки «Бу меники» ўйинини тажрибада синаш натижасида қуйидаги афзал томонлар намоён бўлади.

1. Дарсда ўқувчиларнинг фаоллиги ошади.

2. Ҳар бир талаба ўз билимини намоён қилиш учун «ўзиники»ни топиш учун фикрлайди, хотирлайди, мушоҳада қилади.

3.Грамматик қоидаларнинг бевосита амалиётда қўлланилиши текширилади.

4. Кўриш орқали талабаларда саводхонлик ошади.

5. Талабанинг дарсга қизиқиши ортади.

Таълим самарадорлигини таъминловчи омиллардан бири таҳсил олувчиларни таълим олишга қизиқтиришдир. Ана шулардан бири дарсни ноанъанавий усулда ташкил қилишдир, чунки ноанъанавий дарс ўқитувчи ва талаба орасидаги психологик алоқани тез ҳамда сифатли шакллантиради. Ўқитувчи талабаларни бефарқлик балосидан халос этади. Бундай дарсларни ҳар қандай мавзуни ўтишда қўллаш мумкин. Жумладан, II босқич ў=увчиларига «Услубиёт» мавзусини ўтишда қуйидаги усулдан фойдаланишни тавсия этамиз:

Ноанъанавий ёндашув «Ўзбекистоннинг келажаги буюк давлат» мавзусига бағишланган. Талабалар Ватанимизнинг истиқболи порлоқ эканини берилган расмлар асосида таърифлаб берадилар (хар қандай суратлар бўлиши мумкин). Ушбу ўйин лицейнинг II босқич талабаларига мўлжалланган бўлиб, асосан улар учун самарали метод ҳисобланади. Ўйин қуйидагича ташкил қилинади:

Ў=увчилар 2 гуруҳга бўлинади ва уларнинг бирига «Жаҳон носирлари», иккинчисига «Тўртинчи ҳокимият» номи берилади. Ўйин 3 турдан иборат бўлиб, биринчи турда талабалар расмли кўргазма орқали ўз соҳасидан келиб чиққан ҳолда фикрларини баён этадилар, изоҳлайдилар, яъни «Жаҳон носирлари» гуруҳи тасвирланган бир қанча этюдларни бадиий услубда шарҳласалар, «Тўртинчи ҳокимият» гуруҳи публицистик нуқтаи назардан расмларга фикр билдирадилар. Ушбу расмларни ў=увчилар қуйидагича изоҳлашлари мумкин. Масалан, биринчи гуруҳ биринчи расмни «Баҳор келди, қандай гўзал бу баҳор! Қалбимизга баҳор ўз фусункорлигини бахш этмоқда » дея изоҳласалар, «Тўртинчи ҳокимият» гуруҳи ушбу расмни «Баҳор! Мустақиллик! Мустақил Ўзбекистонимизга ўн биринчи баҳор ҳам кириб келди. У ўзи билан кўплаб ислоҳотлар ҳамда инвестицион компанияларни олиб келмоқда» дея ўз фикрларини баён этадилар. Ўйиннинг 2 турида ҳар бир ў=увчининг ўзи севган касбига доир таянч сўз (тушунча) ва савол мавжуд бўлади. Тарқатма қуроллар берилади. Масалан, шифокор бўлишни мақсад этган ў=увчига берилган тарқатма қуролдаги таянч сўз ва савол қуйидагича бўлиши мумкин:

1.Юрак.

2. Нима учун шу касбни танладингиз?

Барча ў=увчилар танлаган касбига монанд бўлган беш услубнинг бирида таянч (Юрак) сўзини таърифлайди. Тарқатма қуроллардаги саволларнинг барчаси бир хил бўлиб, бу «Нега ушбу касбни танладингиз?» саволидир.

Ўйиннинг 3-турида эса ҳар иккала гуруҳ вакиллари Ўзбекистон истиқболини тасвир этувчи расм (этюд) чизадилар. Ҳар икки гурух, бир-бирларининг чизган расмларини таъриф

ва тавсиф этадилар (бунда фанлараро интеграция ҳам амалга ошади).

Ушбу ўйинни жорий этишдан мақсад талабаларнинг услублар ҳақидаги билимларини чуқурлаштириш, тафаккур қобилиятларини ривожлантириш, келажакда жамиятда ўз ўрнини топишга кўмаклашиш ва уларни Ватан олдидаги бурчларини чуқурроқ англашга ўргатишдир.

Маълумки,ислоҳотлар даврида яшаш, ҳар бир инсондан, шу жумладан, ўқувчилардан ҳам янгича фикрлашни талаб этади. Бугун биз ўқувчиар руҳиятида ўзгаришлар қилиш, уларда истиқлол ва ўзбек маънавиятини шакллантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, ёшларнинг фикрлаш қобилиятини ривожлантириш учун турли педагогик ўйинлардан унумли ва ўринли фойдаланишимиз даркорлигини таъкидлаган эдик.

Ўқитишнинг фаол ва самарали усулларидан бири бу интерактив педагогик технологиядир. Қуйида биз ана шу усулда дарс ташкил қилишдан бир намунани эътиборингизга ҳавола этамиз:

«Бой тойни сойга суғоргани олиб борди» ўйини. Бу ўйин дарсда сўзларнинг шакл ва маъно муносабатига кўра турларини ўтиб бўлгандан сўнг такрорлаш дарсларида ўтказилади. Маънодош, уядош, зид маъноли сўзлар тушунтирилган бўлиб, пароним сўзлар ўқувчилар учун янгилик бўлади.

Ўқитувчи ўқувчиларга бирор топшириқ бериб, доскага расм чизади, яъни (ёки ўқувчиларга бой, той, сойнинг расмини чизиш топширилади, бунда фанлараро интеграция ҳам амалга ошади) бой, ўртага сой, сўнгра сойнинг расми акс эттирилади.

Шундан сўнг ўйин шарти болаларга тушунтирилади: бой билан той сойга қараб йўл олишибди. Улар йўлда 8 тўсиққа учраб, сойга етиб олиши керак. Қизиғи шундаки, тўсиқлар ҳам **бой, той, сой** сўзларига пароним бўлиб, уларни биз ихтиро қилишимиз керак. Болалар, ўйлаб кўринглар-чи, қайси сўзларни тўсиқ қила оламиз? Шундан сўнг талабалар ўқитувчи билан биргаликда тўсиқлар барпо қиладилар.

122-бет чизма

Диққат талабаларга қаратилиб: Ўқувчилар, шундай қилайликки, бой билан той шу тўсиқларнинг ҳаммасига дуч келган ҳолда сойга етиб олишсин. Сизлар шу оз фурсат ичида бир ҳикоя ёки эртак тузинг, унда шу тўсиқлар иштирок этсин, дея топшириқ берилади.

Ўқувчилар топшириққа асосан турли матн тузадилар ҳамда уни ўқиб эшиттирадилар. Ўқитувчи эса дарс сўнггида ўзи тузган матнни ўқиб беради: «Ёз кунларининг бирида бой иссиқдан роса чанқабди. Совуқ чой қидирибди, топа олмабди. Бой қорнини мойлаб, яъни тўйғазиб, кучугини бойлаб, тойини етаклаб, сой томон йўл олибди. Юра-юра бой ҳориб, дам олгани жой қидирибди. У ерлар лой бўлганидан бир пой ковуши лойга ботиб қолибди. Шунда бой «вой» дебдию, чиқара олмабди, сўнг: «Ҳей! Ким бор ёрдам беринг!»дея қичқирибди, той ҳам бойга қичқиришда ёрдам берибди. Амаллаб лойдан бир пой ковушини чиқариб, той билан сойга етиб боргунча, қадди ёйдек букилибди».

Юқоридаги дарсни амалга ошириш жараёнида ўқувчилар сўзлаш, ёзиш, фикрлаш каби асосий амалларни ўзаро бир-бири билан уйғун тарзда бажарадилар. Бу эса уларни фаолликка чорлайди. Паронимлар ҳақидаги билимлари мустаҳкамланади, кенгаяди. Ҳозиржавоб бўлиб, ўзини йўқотмай, луғатимиз имкониятларидан кенгроқ фойдаланадилар. Бундай ўйинлар талабаларни шахс сифатида шаклланиши, индивидуал қобилиятларини ошириш, ижодий мустақиллигини таъминлашда муҳим манба ҳисобланади.Бугунги кун ўқитувчиси ҳам, талабаси ҳам, салоҳиятли, мулоҳазакор бўлишлари ўқишни, ўқитишни самарали бажаришлари лозим. Салоҳиятли билим берувчи ва билим олувчи киши махсус билимларни, ўзига хос кўникмаларни, фикрлаш усулларини ва ўз ҳаракатларига жавобгарликларини ҳис қилади.

Маҳоратли ўқитувчи талабаларни фаоллаштира олади, ўқитиш ва тарбиялаш усулларидан усталик билан фойдаланади, уларнинг қобилиятларини, мустақиллигини, билим олишга чанқоқлигини ривожлантиради, шунингдек, ўйлашга мажбурлаш маҳоратига эга бўлади.

Ўқувчи муаммоларни ҳал қилишда ўртоқлари билан бирга фикр юритади, муаммолар ечимини ҳал қилади. Ўқитувчи қизиқарли топшириқлар берса, болаларнинг фаоллиги ошади, ҳис-туйғуси кучаяди, ўша педагогга нисбатан ҳурмат-эҳтироми ошади, ўқиётган фанига нисбатан доимий ва барқарор қизиқиш уйғотади.

Умуман олганда, ҳозирги замон ўқитувчиси ўқув-тарбиявий жараёндан, шунингдек, самарали педагогик технологиялардан фойдаланишни билиши, лозим.

Моҳир ўқитувчиларимиздаги муваффақиятнинг сири ўқувчилар фаолиятини бошқаришни билишидадир. Шундай экан, замонавий янги педагогик технологиялардан иложи борича ҳар бир дарсда фойдаланмоқ зарурдир.

Биз қуйида ноанъанавий тарзда янги дарс ўтиш ва ноанъанавий тарзда мустаҳкамлаш дарсларини ташкил қилишга доир мисоллар келтириб ўтамиз:

1. Ўқитувчи бирор бир янги мавзуни ўтаётганда грамматик эртакларга таяниши мумкин. Жумладан, «Боғловчи» мавзусини ўтаётганда, «Боғловчибек» сарлавҳаси остида қуйидагича янги дарс ташкил этилиши мумкин. Эртак:

## БОҒЛОВЧИБЕК

*Қадим замонда морфология деб аталмиш салтанатнинг бир четида Боғловчибек, Кўмакчибек, Юкламабек номли уч хонлик бўлган экан. Уларнинг қўшниси Синтаксис мамлакатида эса Сўзлар бирикмаси ва гаплар яшар экан. Улар жуда меҳнаткаш бўлиб, кечаю кундуз тинмай ишлашар экан. Кунларнинг бирида Сўзлар бир-бири билан боғланишда маъно ва грамматик воситалардан ташқари боғловчиларга муҳтож бўла бошлашибди. Гапларда ҳам шу ҳол кузатилибди. Улар келишиб, Боғловчибекка мактуб йўллашибди. Хатни ўқиган Боғловчибек дўстларига ёрдам беришга отланибди. Унинг уч ў\ли бор эди: Бириктирув, Зидлов, Айирув. Бириктирув отасига тез эргашибди, сўзларни ва, ҳам, ҳамда, билан, -у, -ю ёрдамчилари орқали боғлаш учун хизмат қила бошлабди. Зидлов ва айирув аввалига Сўз ва Гапларга ёрдам беришни исташмабди. Кейин отасининг ғазабидан қўрқишиб, уларга ёрдам бера бошлашибди. Лекин Зидлов шунда ҳам аммо, лекин, бироқ, -у, -ю, -да ёрдамчилари билан сўзларни зид боғлаб қўйибди. Айирув ҳам ё, ёки, дам,...дам, ёхуд каби боғловчилар билан сўзларни айириш йўли билан боғлабди.*

*Боғловчибек «Бўйнидан боғланган ит овга ярамас» экан-да, деб афсусланибди. Шунда Гап ва Сўзлар Боғловчибекка шундай дейишибди: «Сира хафа бўлманг, ўғилларингиз жуда меҳнаткаш экан. Улар бизнинг хоҳиши- миздан келиб чиқиб, ҳаракат қилишяпти. Аҳил бўлган чоғларимизда Бириктирув бизларни боғлаб турибди: «нон ва сув» каби. Айрилган чоғларимизда Айирув боғлаб турибди: «дам кулди, дам йиғлади» каби. Зидланиб қолган пайтларимизда эса Зидлов боғлаб турибди: «У билади, аммо айтмайди» каби». Бу гаплардан Боғловчибекнинг кўнгли тоғдек кўтарилибди. Айтишларича, Боғловчибек гап ва сўзларни бир-бирига боғлаш учун сидқидилдан хизмат қилаётган ўғиллари билан ҳозир ҳам фаровон умр кечирмоқда экан.*

Эртакнинг аҳамияти :

Ўқувчи қоидани тинглашдан кўра, эртак тинглашни яхши кўради. Улар хотирасида қоидадан кўра эртак яхши қолади. Агар боғловчи қоидаси тушунтирилганда, ўқувчи уни ёдлаш билан чекланар эди. Бунда қоидани ўқувчининг ўзи яратади. Боғловчибекнинг ўғиллари боғловчининг турлари эканлигини фикрлаш орқали билиб олади. Ўқувчи эртакни эшитгач, боғловчиларнинг қайси бири зидлов, қай бири айирув, қай бири бириктирув эканлигини мустақил ҳолда таснифлайди. Кўриниб турибдики, бу усул орқали ўқувчи билим олишга ўргатилади. Талабаларни билим олишга ўргатиш эса ноанъанавий дарслар олдига қўйилган энг муҳим талаблардан биридир. Ўқитувчи ноанъанавий тарзда фақатгина янги дарс эмас, мустаҳкамлаш, такрорлаш дарсларини ҳам ташкил этиши мумкин:

***«Жавоб беринг, тақдирлайман» ўйини***

Бунда ўқитувчи дастлаб ўнта билим қопчаси ясаб олади. Кейин шу ўнта қопчага мослаб, ўтилган дарс бўйича ўнта савол тузади. Саволлар шеърий усулда бўлса, янада яхшироқ бўлади:

1. *Ёки, ёхуд* айирар,

*Аммо, лек* зидлаб қўяр.
Қайси ёрдамчи туркум
Сўзни тенг боғлай олар?

2. «Синфда яхшидир Козим,
Ундан яхшироқ Нозим.
Энг яхшиси бу— ўзим»,
Деб Собир қисди кўзин
Сизлар хам биласизми
*Сифатнинг даражасин?*

2. *-дош* ясовчи қўшимча, —
Деб жавоб берди Собир.
Ўзгартирувчи барин
Биларкан Абдуқодир.
— Илмга таърифшуди —
Жим ўтирган Баҳодир.

4. *Кўк* сўзини ким билади?
У қай туркумга киради?
Кўтармай шовқин-сурон,
Айтинг-чи, *тақлид турин* ?

5. Фаол бўлинг ўйинда,
Қатнашмаган қолмасин.
Гап тузинг гапинггизда
*От, сифат, сон* бўлмасин.

6. Биласанми Назокат,
*Нисбат*нинг нечталигин ?
Ўйлаб ҳеч тополмадим
Сана-чи бирин-кетин?

7. Ўқувчилар, ўйланглар,
*Феъл шакли*дан сўйланглар.
Майллар бу шахслилар,
Шахссизлари қайсилар?

8. *Ёрдамчи сўз туркуми,*
*Мустақил сўз туркуми.*
Булар қандай фарқланар?
Қани ким топа олар ?

9. Китоб ҳам дафтар олиб,
Нодир борди мактабга.
Гапдаги *ҳам* сўзини
Таърифлаб беринг менга?

Талабалар тўғри жавоб учун биттадан «билим қопчаси» билан тақдирланади. Ким кўп билим қопчаси йиғса, 3-босқичда ҳам қатнашади. Ўйиннинг 3-босқичи фаол иштирок этмаганлар билан ўтказилади. Уларга дастлаб қора рангда билимсизлик белгиси берилади, ўрнидан тургизиб қўйилади. Бу ўқувчилар саволларга тўғри жавоб беришсагина билимсизлик белгисини қайтаришади ва ўз жойларига ўтиришади.

Саволлар:

1. Бировлар дер 15 та,
Яна кимлардир 3 та.
Биласизми, ўқувчим
*Олмошнинг тури* нечта?

2. «Дўстим менга қарамайди,
Ҳолинг на деб сўрамайди».
Бу гапдаги *«на»* сўзи
Қай туркумга мансуб ўзи ?

3. Садоқатхон садоқатли,
Муҳаббатхон муҳаббатли.
Ушбу гапдаги сўзлардан
Қайси бири *атоқли*?

4. «Аввал жуда кўп,
Кейин ўта кам».
Гапдаги *сўз туркумин*,
Санаб беринг, ўқувчим.

5. «Яхши яхшига ёндаштирар,
Ёмон йўлдан адаштирар».
Гапдаги *сифат*ларга
Қани ким таъриф берар?

Ўйиннинг учинчи босқичида биринчи босқич ғолиби ва унга даъвогар доска ёнига чиқарилади. Уларнинг бирига от, бирига феъл деган ёзув берилади. Ўқитувчи берган таъриф қайси бирига тўғри келса, «мен» деб бир қадам олдинга чиқишади. Қолган талабалар ҳакамлик қилишади.

Таърифлар:

1. Унинг вазифадош шакллари бор(феъл).
2. У гапда кесим вазифасида келади( от, феъл).
3. Унинг якка ва жамловчи турлари бор (от).
4. У жуфт ҳолларда қўлланилади (от,феъл).
5. У келишикларда турланади (от).
6. У ўтимли ва ўтимсиз бўлади (феъл).
7. У тусланади (феъл).
8. У бошқа туркумлардан ясалиши мумкин (от, феъл).
9.*-чи* унинг ясовчи қўшимчаси (от).
10. *-ла* унинг ясовчи қўшимчаси (феъл).

Ўйин сўнгида ғолибга синф кутубхонасидаги сара бадиий китоб ўқиб келиш учун берилади.

1. Ўйиннинг илмий аҳамияти:

Талаба билимларини мустаҳкамлайди, ўтилган дарсларни қайта такрорлаш учун қулай имконият яратилади.

2. Ўйиннинг методик аҳамияти:

Ўйин давомида бирор-бир ўқувчи ўқитувчи назоратидан четда қолмайди. Учала босқичда ҳам талабалар иштирок этишади . Ўйин ўқитувчи учун тўғри ва тенг баҳолаш имкониятини беради. Кўриниб турибдики, ўқувчилар ушбу ўйинда ўзларини ўзлари баҳолаб олишади. Шунинг учун ҳам уларда баҳо учун эътироз бўлмайди.

3.Ўйиннинг тарбиявий аҳамияти:

Бундай таълим жараёнини амалга ошираётганда ўқувчи фаолликка интилади, унда зерикиш кузатилмайди. «Билим қопча» лари ва китобнинг берилиши тингловчини рағбатлантиради, руҳиятини кўтаради, уларнинг ўқишга бўлган иштиёқини янада

кучайтиради.

Ўйин талабаларни ҳаётда доимо олға интилиш руҳида тарбиялайди.

Демократик жамият қуришдаги миллий ўзлигимизни англаш, ўз истиқлол ва тараққиёт йўлимизни белгилашимизда илғор ғояларгина машъал бўлиши мумкин. Бугун биз ўқувчилар руҳиятида ўзгаришлар қилиш, уларда истиқлол ва ўзбек маънавиятини шакллантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, ёшларнинг фикрлаш қобилиятини ривожлантириш учун янги педагогик технологиялардан ўринли ва унумли фойдаланишимизни давр тақозо этади.

Бугунги кунда мактаб ҳамда академик лицейларнинг вазифалари ёшлардаги иқтидор ва қобилиятни янада ўстириш, ёшларда илмий изланиш кўникмаларини шакллантириш, қадимий, илмий ва маданий меросимизни ўрганиш, умуминсоний қадриятларни эгаллаш ва чуқур билим олиш истиқболини ривожлантиришдан иборатдир.

Шундай экан,ўқитувчи дарсда турли педагогик ўйинлардан фойдаланса, ўқитувчи ва талаба ўртасида тўсиқ йўқолади, болаларнинг характери кенгроқ очилади; кузатувчанлик, хотира, диққати кучаяди, чунки дарсда мажбурий билим бериш бўлмай, илмни ихтиёрий қабул қилиш албатта ижобий натижага олиб келади. Бунинг учун қуйидаги методик ўйинни тавсия этамиз.

## Щозирги ызбек адабий тили фанини ы=итишда бирлаштирувчи ва фар=ловчи семаларни инновацион технологиялар асосида ыргатиш

Олам бир бутун системадир. «Объектив олам оддийдан мураккабга =араб синфларга бирлашувчи ва айни пайтда, ылакларга ылиниш хусусиятига эга ылган мураккаб система»[41].

Дунёни англаш узо= ва=т талаб этадиган жараён ылиб, предметнинг биз англаб етмаган хоссалари инсоният учун жумбо= ылиб =олаверади. Одам ызи ыраб турган дунёни ыз а=ли, тафаккури билан англайди, идрок =илади, кыради, ыйлайди ва ундан ахборот олади, солиштиради, щукм-хулоса чи=аради.

Маълумки, оламдаги нарсалар бир-биридан ажралган алощида-алощида щолда мавжуд ылмасдан, балки бир-бирлари билан мустащкам бо\ланишни ташкил этади.

Файласуф Жалолиддин Румий щазратлари «Ман як жонам, ки сад щазор, аст танам»[42], яъни «Мен бир жонман, биро= юз минг тани бор жонман» деганларида ёки маснавийларида «Щар бир нарса, яъни масалан, темир билан ощанрабо, =ащрабо билан сомон, осмон билан ер доимо бир-бирини ахтаради, зеро, фа=ат шундай бирлашувлардан кейингина улардан-да мукаммалро= нарсалар вужудга келади», деганларида на=адар ща=ли эди.

Дунёдаги щеч бир щодиса алощида эмас, улар ызаро бир-бирлари билан бо\ли= ва ало=адордир. Ана шу ало=адорликни ыргатиш нафа=ат фалсафанинг, балки тил ы=итиш фанининг щам талабига айланиб бормо=да.

Немис тилшуноси Г.Хельбиг немис тилини чет тили сифатида ырганувчилар валентликни яхши билмо\и, айни=са, феълнинг бирикув имкониятларини чу=ур англамо\и лозимлигини таъкидлаган[43].

Системани ташкил этган =исмлар баъзан ызгаради, баъзан ызгармайди, ана шу ызгариш ва ызгармаслик =онуниятларини щозирги ызбек адабий тили дарсларида ыргатиш мущимлик касб этади.

Маълумки, лексемалар маъноси ани= бир =урилишга эга ылиб, унинг маъноси семема[44] умумлаштирувчи (интеграл) ва фар=ловчи (дифференциал) семаларнинг (маъноли таркибий =исмларнинг) бирикишидан иборат[45].

---

[41] Нурмонов А. Гап ща=идаги синтактик назариялар. -Т., 1989.-Б. 5.

[42] Румий Ж.Ичингдаги ичингдадир. Фалсафий-маърифий асар.-Т.: Мещнат, 2001. -Б.74.

[43] М.Д.Степанова, Г.Хельбиг. Части речи и проблема валентности в современном немецком языке. - М.: Высшая школа, 1978.

[44] Ращматуллаев Ш. Семема-муста=ил тил бирлиги // Ызбек тили ва адабиёти. - 1984. - №5. – Б. 24-26.

[45] Гиясов С. Семантическая структура и компонентный анализ качественных прилагательных узбекского языка: Автореф. дисс... канд. филол. наук. -Т., 1983. – С.23.

Сызлар лексик-семантик жищатдан умумлаштирувчи семаларнинг мавжудлигига кыра бир гурущга бирлашади ва айни ва=тда ызаро муайян фар=ларга эга былади. Академик лицей ы=увчиларига бир лексик-семантик гурущга кирувчи сызлардаги бирлаштирувчи (интеграл) ва щар бир сызни иккинчисидан фар=ловчи (дифференциал) семаларни ажратишни инновацион технологиялар асосида ыргатиш ы=увчилар манти=ий фикрлашларининг ысишида катта ащамият касб этади. Ы=увчилар муста=ил фикрлаш натижасида сызлардан интеграл ва дифференциал семаларни ани=лайдилар ва шу аснода оламдаги щар бир нарса, во=еа-щодиса, белги ёки щаракатни ызаро фар=лашни ырганадилар. Масалан:

*Ча=ало=-йигит* сызлари «инсон» семаси билан ызаро бирлашса-да, «ёш ёки йил»га нисбатан олинганлик семаси билан фар=ланади.

Оламдаги барча нарса ва щодисалар бирини иккинчисидан фар=лаш улардаги мавжуд семаларнинг умумлаштирувчилик ва фар=ловчилик хусусиятига бо\ли=. Шу аснода биз борли= ща=идаги тасаввурга эга быламиз. Нарсаларни бирини иккинчисидан фар=лаймиз. Ысимлик семаси быйича бирлашган *лола, терак, тол, олма, ырик, арча, атиргул, тут, =айра\оч, бинафша, анор* сызлари бири иккинчисидан фар=ловчи семалари асосида фар=ланишини (3.1.) жадвалда кыриш мумкин:

3.1.-жадвал

Ысимлик маъноларининг бирлашиши ва фар=ланиши

| предметлар | Ысим-ликлар | бир ёки кып йиллик | | хусусиятига кыра | | мева =илишига кыра | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | бир йил-лик | кып йил-лик | бутаси мон | дарахт | ме-ва-ли | мева-сиз |
| Лола | + | + | | + | | | + |
| Терак | + | | + | | + | | + |
| Тол | + | | + | | + | | + |
| Олма | + | | + | | + | + | |
| Ырик | + | | + | | + | + | |
| Арча | + | | + | | + | | + |
| Атиргул | + | | + | + | | | + |
| Тут | + | | + | | + | + | |
| +айра\оч | + | | + | | + | | + |
| Бинафша | + | + | | + | | | + |
| Анор | + | | + | | + | + | |

Кыриниб турибдики, ысимликлар гурущига мансуб былган ю=орида келтирилган сызлардаги фар=ловчи семаларнинг мавжудлиги уларнинг бирдан орти= тушунча билдиришини англатади. Оламда иккита бир хил нарса мавжуд эмаслиги улардаги фар=ловчи сема асосида ани=ланади. Щ**асан** ва **Щусан** бир ота-она фарзанди экани, ы\ил бола жинсига оидлиги, ёшлари тенг былиши, =иёфалари ыхшаш эканлиги ва бош=а =атор хусусиятлари (семалари) быйича умумлашса-да, Щасан Щусандан олдин ту\илганлиги билан фар=ланади.

Умумлаштирувчи ва фар=ловчилик хусусиятини ы=увчилар онгига сингдириш натижасида улар щар бир нарсани ызаро фар=лаш ёки умумлаштиришни ырганадилар. Бу эса тафаккурларида борли=даги нарсаларни гурущлаш, таба=алаш, фар=лаш, ажратиш щиссини щосил =илади.

Ы=увчи тафаккурининг такомилида сызлардаги умумий семалар асосида уларнинг бо\ланиши (бирикиши)ни мушощада =илиш щам ащамиятлидир. Инсон фикр ифодалаш жараёнида сызларни валентлик асосида ало=ага киритади ва шу аснода сыз бирикмаси щосил =илади. Сыз бирикмасидан гап тузилади, гаплардан матн щосил =илинади. Демак, ахборот узатиш учун, энг аввало, сызлар умумлаштирувчи семалар асосида бирикиши керак. Бунинг учун =уйидаги топшири=ни бажартириш ащамиятлидир. Дастлаб ы=итувчи томонидан доскага китоб ва рымол расми чизилади. Икки расм ыртасига =уйидаги сифатлар ёзиб чи=илади: *илмий, нодир, учбурчак, щошияли, оммабоп, тыртбурчак, гулли, жунли, =изи=, му=овали, =алин, ипли, ипакли, юп=а, расмли, нафис, катта, кичик, зерикарли, оддий, попукли, зарли, ялтиро=, бадиий, =имматбащо, тоза.*

Доскага икки ы=увчи ча=ирилади. Бири китобга оид сифатларни туташтирувчи чизи=лар тортади, яъни китобнинг валентлигини ани=лайди ва уларни *китоб* сызи билан бирлаштиради. Иккинчи ы=увчи эса рымолга хос сифатларни туташтиради. Синфдаги бош=а ы=увчилар вазифани индивидуал бажарадилар.

Китоб ва рымолга тортилаётган чизи=лар бир ну=тада туташиб =олса, бу ну=тадаги сифатлар щам китоб, щам рымол учун хос былади (бирлаштирувчи). Агар бир сызда битта чизи= бирлашса, шу ну=тадаги сифат ё китобга, ёки рымолга тегишли былади.

## Бирлаштирувчи ва фар=ловчи семалар



***Китоб*** **сызига бирлашадиган семалар:** илмий нодир, эски, =алин, рангли, юп=а, кичик, катта, ялтиро=, оддий, =имматбащо, тыртбурчак, оммабоп, =изи=, му=овали, расмли, зерикарли, бадиий.

**Рымолга хос былган семалар:** учбурчак, тыртбурчак, щошияли, жунли, =алин, гулли, ипли, ипакли, юп=а, оддий, попукли, нафис, катта, кичик, зарли, ялтиро=, тоза, =имматбащо.

**Китоб ва рымолга хос былган семалар:** тыртбурчак, =алин, юп=а, кичик, катта, ялтиро=, оддий, =имматбащо.

Бирлаштирувчи ва фар=ловчи семаларни академик лицей ы=увчиларига ыргатиш илмий, методик, психологик ащамиятга эга:

1. Илмий ащамияти. Бу усул щозирги ызбек адабий тили дарсларида бирлаштирувчи ва фар=ловчи семаларни ырганиш ва уларни бир-биридан фар=лаш учун =ылланилади. Бунда ало=адорлик асосида билим берилади. Бу эса ы=увчилар дунё=арашини кенгайтиришга имкон беради, бундай усулни амалга ошириш учун ы=увчилар шу мавзуни пухта билишлари ва сыз туркумлари ты\рисида тыли= маълумотга эга былишлари керак.

2. Методик ащамияти. Усул ы=итувчига мавзуни тушунтиришда =ыл келса, ы=увчиларга эса тушунишда =улайлик ту\диради. Мураккаб мавзуларни щам оддий ва тушунарли =илиб баён =илиш ы=итувчининг мащоратига бо\ли=. Шунинг учун ы=итувчи дарс жараёнида шундай усуллардан фойдаланса, дарснинг самарадорлиги ва ы=увчиларнинг =изи=иши ортади.

3. Психологик ащамияти. Ы=увчиларга бу усулнинг щаётийлиги =ыл келади. Боиси, *китоб ва рымол*нинг санаб ытилган сифатлари ы=увчилар учун нотаниш эмас. Ы=итувчи мавзунинг =онун-=оидасинигина эмас, балки унинг мощиятини щам тушунтиришга муваффа= былади. Энг мущими, ы=увчилар тар=о= фикрларини умумлаштирадилар. Мощият ва щодиса, ало=адорлик, бо\ли=лик каби диалектик щодисаларни амалиётда ызлари (чизма асосида,) исботлаб кырадилар. Бундай ы=итишда **таълим-амалиёт** интеграцияси таъминланади.

Икки ва ундан орти= сыз учун умумий былган семалар щамда дифференциал семалар мавжуд эканлигини ы=увчиларга мисоллар билан тушунтириш лозим. «Ызбек тили лексикологияси»да сememалар турлича фар=ланади ва турлича номланади: архисема, (умумий сема), дифференциал сема, классема ва щоказо. Умумий семалар лексемаларни маълум семантик майдонларга бирлаштиради. Бундай семалар архисема деб юритилади[46]. Таълим жараёнида ана шу бирлашишни ыргатиш мущим щисобланади. Сызларнинг маъно нозикликларини фар=лаш учун билим олувчилар тил фанининг лексикология былимини пухта ызлаштиришлари мущимдир.

Турли хил интерфаол методларни =ыллаш самарали эканлигини тажрибалар тасди=ламо=да. Бунинг учун ы=увчилар ыртасида гурущлар ташкил =илиш, мусоба=а тарзида таълим бериш, схематик (графиклар, чизмалар ва бош=алар) материаллардан фойдаланиш ма=садга мувофи=дир.

Ы=итувчи ы=увчилардаги ташаббускорлик ва муста=илликни, билимларни пухта ва чу=ур ызлаштириши зарур былган малака ва кыникмаларни, хотира ва ижодий тасаввурларни, кузатувчанликни ыстиришга имкон берувчи дидактик тамойилларни ишлаб чи=иши керак. Ы=итиш самарадорлигини оширишдаги биз =ыллаган технологик усул, айни=са, «Синоним сызлар услубиёти» мавзусини ытгандан сынг =ыл келади. Таълим беришда гурущ-гурущ былиб, жамоа фаолиятида биргаликда ызлаштириш ы=итишнинг =улай воситаси щисобланади.

Дарсни =уйидагича олиб бориш мумкин: щар бир гурущга сыз ёзилган =о\оз берилади ва шу сызга оид семаларни топиш сыралади. Гурущ аъзолари =анчалик кып сема топса, ра\батлантирилади, сынгра шу семалар асосида майдон щосил =илиш вазифаси берилади. Ундан кузатиладиган ма=сад ы=увчиларнинг сыз =анчалик =удратга, мазмунга эга эканлигини тушуниб етиши, англаши, щис =илишига эришишдир.

---

[46] Ызбек тили лексикологияси.-Т.: Фан, 1981.-Б. 24.

Бирлаштирувчи маъно асосида лисоний бирликлар парадигмаларга бирлашиши «майдон назарияси» номи билан аталади. Маъно умумийлиги билан бирлашган ва белгиланаётган щодисаларнинг предметлик ёки вазифавий ыхшашлигини акс эттирувчи тил бирликлари (лексик бирликлар) йи\индиси кыпчилик лисоний адабиётларда майдон сифатида белгиланади[47]. Бир умумий \оя (мавзу) атрофида бирлашган, уй\унлашган сызлар мажмуига семантик майдон ёки парадигматик =атор дейилади[48]. Лисоний бирликларнинг маълум маъно асосида бирлашувини ыргатиш ы=увчиларда, шубщасиз, закийлик хусусиятларини ривожлантиради, илмий мушощада =илиш, манти=ий фикрлашлари учун самарали имконият яратади.

Фердинанд де Соссюр ва унинг издошлари тил бирликларининг умумий белгиларига кыра парадигмаларга бирлашиш назариясини ол\а сурдилар. Бир парадигмага мансуб былган =исмлар умумий белгига эга былиш билан биргаликда, щар =айсиси бир-биридан фар= =иладиган хусусий белгиларига щам эга былишини бир неча усуллар билан щам сингдириш мумкин.

Ы=итувчи ы=увчиларга топшири= беради: **компьютердан (ёки мен ы=иган матн ичидан) битта \оя атрофига лексик бирликларни кетма-кет улаб, парадигматик =атор вужудга келтиринг.**

*...Кабинетда район газетасининг мущаррири ытирган экан. Ащмедов щозиргина босмахонадан келтирилган, щали нами =очмаган газета сащифасини мущаррирнинг =ылидан олди ва Ырмонжон зерикиб =олмасин деди шекилли, уни щам сущбатга тортди. У сащифадаги материалларни кыздан кечиргач, умумий сарлавщани товуш чи=ариб ы=иди.*

*...Мущаррир унинг сызини о\зидан олди:*

*-Чигит экишни тугаллайдилар!*

*-Йы=, «чигитни экиб былди», денг.*

*Мущаррир ыйлаб туриб рози былди ва сащифани олиб чи=иб кетаётган эди, Ащмедов тыхтатди.*

*-Кечирасиз... Нуриддинов иши ты\рисидаги текшириш натижасини нима учун босмайсизлар?-деди ва Ырмонжонга изощ берди:*

*-Булар ферма мудирини газетада ы\ридан олиб ы\рига солишди, текшириш натижасида, айрим кичик фактларни эътиборга олмаганда, газетада босилиб чи=арилган материал ноты\ри чи=ди.*

*-Мухбирга жазо бердик, ырто= Ащмедов,-деди мущаррир.*

*-Бундан Нуриддиновга нима фойда? Ыша мухбир Нуриддинов ты\рисида энди ёл\он материал бермайди демо=чимисиз?*

*Ащмедов кулди.*

*-Нимани гаплашдингиз? Узр айтдингизми? У бечорани бутун район олдида ща=орат =илинг-да, =уло\ига узр айтинг... +изи= былипти-да. Газетанинг обрыйи тушади деб =ыр=асизми? Газета ыз хатосини очи= айтиб ы=увчиларидан узр сыраса, обрыйи тушар эмишми? Аксинча, =илган хатоси ор=асида тыкилган обрыси яна жойига келади, ы=увчиларнинг ихлосини орттиради*[49].

Ы=увчилар матн ичидан парадигматик =атор ташкил =илувчи сызларни белгилайди, сынг нима учун шу =аторга жойлаштирганини бирма-бир айтиб берадилар щамда улар ыртасидаги умумий ва фар=ловчи семалар мавжуд эканлигини исботлайдилар. Биз келтирган парчада **газета семантик майдонида:** *газета, мущаррир, босмахона, сащифа, сарлавща, мухбир, кичик фактлар* каби лексик бирликлар мавжудлигини айтадилар, мазмуний уй\ун былган сызларни ани=лайдилар.

Бирлаштирувчи ва фар=ловчи семаларни дастур режасига киритиш шарт эмас. Сыз туркумлари услубиётини ытиб былгандан сынг олган билимларини синаш ва мустащкамлаш

---

[47] Лингвистический энциклопедический словарь. - М., 1990. – С.380.

[48] Искандарова Ш. Ызбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ырганиш: Филол. фанлари д.ри ... дисс.-Т., 1999.-Б.78.

[49] +ащщор А. +ышчинор чиро=лари. -Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. -Б. 196-197.

ма=садида шундай усулларда дарс ташкил =илиш мумкин. Зеро, дунёни билиш нарса ва щодисаларнинг ало=адорлигини, улар ыртасидаги фар=ларни билиш билан (фалсафий =онун-=оидаларни билиш билан) ылчанади.

Кыриниб турибдики, муайян сема сыз маъноси (семема) таркибида бош=а семалар билан ызаро бо\ланиб ызига хос микросистемачалар щосил =илади, сыз маъносининг (семеманинг) бир бутунлигини таъминлайди.

Щар бир нарсада борли= щодисалари мавжуд былади. Шундай экан, академик лицейларда щозирги ызбек адабий тилини ы=итиш жараёнида щам ана шу маъно былинишларини ва бирлашишларини щисобга олиш мущим щисобланади. Сыз маъносининг манти=ий былакларга, семаларга былиниши-таркибий былакларга ажралиши аслида объектив борли= щодисаларига, нарса-предметларга уларнинг лисоний ифодаси былган сызларга-сыз маъноларига субстанциал ёндашув натижаси[50]дир.

Сызларнинг бирикувчанлигини изчил, манти=ий тащлил асосида ырганиш дарсларни моделлаштиришда, шу системани ани=лаштиришда назарий щамда амалий ащамиятга эга.

Инновацион технологияларни ташкил этишга =аратилган усулларни щар бир ы=увчи алощида, муста=ил равишда щам бажариши мумкин. Бунда ы=итувчи ы=увчиларга бир семема бериб, ундан микросистемачалар щосил =илишни тавсия =илади, улар эса умумлаштирувчи ва фар=ловчи семаларни акс эттирувчи сызларни ызлари топиб =ыядилар щамда уларни =андай туташтириш мумкинлигини изощлаб берадилар. (Бунда сема ми=дори лицей ы=увчилари учун 30-40 тадан кам былмаслиги лозим).

### *«Мантиқан ўйла, топ ва ижро эт» ўйини*

Ушбу таълимий дидактик ўйин исталган мавзуни ўтгандан сўнг мустаҳкамлаш ва такрорлаш дарсларида ташкил қилинади. Ҳеч бир фан ўзи алоҳида ривожланмайди, бирининг ютуғи иккинчиси учун асос бўлиб хизмат қилади.

Масалан, химия фани оламида «валентлик» тушунчаси мавжуд бўлиб, у моддаларнинг бир-бири билан бирика олиш хусусияти демакдир. Ана шу валентликни биз она тили фанимизга кўчирамиз. Бу тилдаги сўзларнинг бир-бирига боғлана олиш ёки олмаслигидир. Масалан «оқ қор» бўлиши мумкин, лекин «қизил қор» бўлмайди. Биз агар сўзларнинг боғлана олиш имкониятини яхши ўргата олсак, ўқувчиларнинг нутқи гўзал ва равон бўлади, қўпол ва ярашиқсиз сўзлардан фориғ этилади. Бу фикрнинг мантиқан тўғри бўлишига ёрдам беради.

Амалиётда қуйидагича ижро этилади:

1. Аввал ҳамма ўқувчилар стол атрофига чорланади ва ўйин шартлари тушунтирилади. У уч босқичдан иборат бўлади.

2.Ўйин бошида ўқувчилар икки гуруҳга ажратилади, хар иккала гуруҳ  ҳам ўзларига муносиб ном ва сардор танлайдилар.Ўқитувчи гуруҳ номларининг рамзийлиги ва маъно қамровининг кенглигига эътиборини қаратиши лозим.

Гуруҳлар ўзига «Тиришқоқ» ва «Чаққон» деб ном қўйишлари мумкин.

Ўйиннинг биринчи босқичида гуруҳ номидан гуруҳ сардори ўйинда қатнашади. Гуруҳ сардорлари стол устига қўйилган кўргазмали куролга эътибор қаратадилар. Унда от ва гул расмлари, улардан пастда бу предметларга боғлана олувчи ва боғлана олмайдиган семалар берилган. «Тиришқоқ» гуруҳининг сардори гулни, «Чаққон» гуруҳи сардори эса отни танлайди ва уларга боғлиқ сўзларни бир-бирига боғлаб чиқадилар, қайси бир гуруҳ сардори биринчи бўлиб чиқишига шартни тўлиқ ва тўғри бажариб етиб келса, бу гуруҳ иккинчи босқичга ўтади. От ва гул семаларини танлаганимизнинг сабаби шундаки, бу предметларга боғлана олувчи сўзлар бир-биридан кескин фарқ қилади ва айни вақтда айрим сўзлар орқали бу предметлар фарқланади. Масалан: саман от, гулни термоқ —фарқловчи сема; гулни суғормоқ, отни суғормоқ—умумлаштирувчи сема. Ўйиннинг яна бир шарти шундаки, ўқувчилар сўзларни туташтираётганда чизиқларни кесиб ўтмаслиги керак. Улар отни ҳам,

---

[50] Расулов Р., Нарзиева М. Лексикологияни ырганиш.-Т.: Ы=итувчи, 1992-Б. 45.

гулни хам бирлаштира олувчи сўзлар орқали ўтишлари  мумкин.




132-бет

Шу шартлар тўлиқ бажарилсагина иккинчи шартга ўтилади.

3.Ўйиннинг иккинчи босқичида гуру*щ*нинг ҳамма аъзолари қатнашадилар. Биринчи шартни бажариб қайтган гуру*щ* сардори ўз гуруҳи олдига боради ва улардан бири стол олдига келиб, ўйиннинг иккинчи босқичини бошлаб беради. Кўргазмали куролда доира ва унинг катаклари ичида бўғинлар берилган. Талабаларнинг вазифаси шу бўғинлардан сўз ҳосил қилишдир.

Биринчи талаба бир сўз ҳосил қилади ва гуруҳига бориб айтади. Бошқалар ҳам шу тарзда ўйинни давом эттирадилар. Улар сўзларни ҳосил қилаётган бир вақтда, қолган талабалар ўқитувчи томонидан илгари тарқатилган карточкалардаги сўзлар орасидан доира ичидан ҳосил қилинган сўзларни танлаб оладилар. Ўқитувчи эгалик, келишик, кўплик ва шахс-сон қўшимчаларини алоҳида қоғозчаларга ёзган бўлади. Талабалар ўзлари щосил қилган сўзларини шу қўшимчалар орқали грамматик алоқага киргизиб, мустақил шаклланган гап ҳосил қиладилар.

133-бет



Юқоридагидан*: Зарина ва Зарифа мактабда яхши ў=ийдилар* деган гап ҳосил бўлади. Бу гапни қайси гуруҳ биринчи бўлиб тузса, у гуруҳ ўйиннинг учинчи босқичига ўтади.Ўйиннинг учинчи босқичида эса тузилган гап асосида матн тузадилар.

Юқоридаги ўйин ўқувчиларда ўз билимларини амалиёт билан боғлаш, гурущини қўллаб-кувватлаш, гуруҳ манфаати учун ҳаракат қилиш ва шу билан бирга ўз «Мен»ини юзага чиқаришга, матн тузганда эса ўз фикрини боғлай олиш ва олдинги ўқувчиларнинг фикрларини эслаб қолиш қобилиятини ўстиради. Берилган саволлар эса уларни ҳозиржавобликка ўргатади.Ўйин ўқувчиларни интизомга, ўз ўртоқларини тушуниб, биргаликда, ҳамжиҳат ҳаракат қилишга ҳам ўргатади. Муҳими, ўқувчилар ўқув жараёнига

мажбуран эмас, ички мотивация асосида ёндашадилар. Ўйинни амалда қўллаш натижасида грамматик қоидалар очиб берилади, улар зерикмайдилар, асосийси бўш қолмайдилар.

## Эпиграф асосида дарс ташкил =илиш ор=али ы=увчиларни фаоллаштириш

Ушбу технологияни амалиётга жорий =илиш учун унинг лойищасини ишлаб чи=амиз. «Ызбек тилининг изощли лу\ати»да эпиграфга шундай таъриф берилган: «Бутун асар ёки асар =исмининг бошида берилган ва унинг мазмунини ифодалайдиган цитата, ибора ва щ. к.»[51].

Замонавий кадрларни етиштиришда ил\ор педагогик технологияларни яратиш ва ызлаштириш, таълимнинг ахборот базасини шакллантириш щал =илиниши зарур былган масалалардан биридир. «Ызбекистон инновацион ривжланиш турининг щозирги замон моделига ытиш учун щамма зарур шароитларга эга. Бу модель вужудга келтирган илмий-техникавий салощиятдан кенг ва самарали фойдаланишга, фундаментал ва амалий фаннинг юту=ларини, чу=ур илм талаб =иладиган технологияларни амалиётга жорий этишга, ю=ори малакали, и=тидорли илмий кадрлар сонини кыпайтиришга асосланади»[52]. Эпиграф асосидаги дарс щам замонавий технологияларни амалиётга жорий этишга =аратилгандир. Бундай дарс ташкил =илишнинг асл муддаоси ы=увчи-талабаларни фаоллаштиришдан иборатдир. Фаоллаштириш йыл-йыри=лари: бащс-мунозара, ыйланиш, мушощада =илиш учун вазият яратиш, дарсга деталь (бирор буюм) олиб кириш каби фаолият усулларидан иборатдир. «Фаолият-атрофни ыраб олган нарсаларга инсон муносабатининг алощида шаклидир»[53]. Фаолиятда 4 та таркибий =исм эътироф этилади: мотив, ма=сад, восита, натижа.

Бизнингча щам, субъектнинг фаоллиги, ы=ув мотивига былган эщтиёжи, унинг эмоцияси кабилар инсон фаолиятида асосий роль ыйнайди.

Президентимиз «Баркамол авлод орзуси» китобида «...ички =увватнинг тыли= юзага чи=иши учун зарур былган барча шарт-шароит яратилса, тафаккур щар хил =отиб =олган эски тушунча ва а=идалардан халос былади»[54],-дея таъкидлаган эдилар. Ща=и=атан щам ы=итувчи замонавий педагогик технология асосида дарс ытиши учун щар томонлама ривожланган илмий тафаккур, услубий билим ва малакалар билан бирга педагогик таъсир кырсатишнинг ызига хос усул ва воситаларини танлай олиш, ишлаб чи=иш, уни дарсда =ыллай олиш, фаоллик =обилиятига эга былиши лозим. Фаоллик-ы=увчиларда кенг фикрлашни, билимларни пухта ва чу=ур ызлаштиришни, зарур малака, кыникмаларни ривожлантиришни, тафаккур, идрок, зещнлилик, ижодий тасаввурларни ыстириш ва тарбиялашни таъминлайди.

Шуни таъкидлаш керакки, щозирги ызбек адабий тили дарсларида фикрлашни ривожлантириш ва ифода этиш кыникмаларини щосил =илишда Америка психологи Д.Озбел асос солган онгли вербал таълим йыналиши-когнитивизм мущим ащамият касб этади. Когнитивлик, вербаллик, кашфиётчилик, онглилик щозирги кунда ижодкор шахс-ижодий тафаккур сощибини тарбиялашнинг асосий педагогик-психологик омиллари саналади[55]. Педагогик технология талабига кыра ы=итувчи ы=увчиларни ыйлантиришга, фикрлашга,

---

[51] Ызбек тилининг изощли лу\ати. 2-том. -М.: Русский язык, 1981.-Б. 506.
[52] +аранг: Баркамол - авлод орзуси. – Т.: Шар=, 1999. - Б. 76.
[53] Краткий педагогический словарь пропагандиста. -М.: Политиздат, 1984. – С.215.
[54] Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси.-Т.: Шар=, 1999. – Б. 43.
[55] Зиёдова Т.У., Холматова У.Н.,Жуманиёзова Х.Т. Ы=итувчи китоби.-Т.: А.+одирий номидаги хал= мероси нашриёти, 2002.-Б.4.

манти=ий хулоса чи=аришга, бир сыз билан айтганда, фаоллаштиришга алощида эътибор бермо\и керак.

Маълумки, она тилини ы=итиш жараёни амалий маш\улотларни ташкил =илиш ва амалга оширишнинг ызига хослиги билан характерланади.

Биз тажриба ыткaзиш жараёнида шу нарсага ишонч щосил =илдикки, эпиграф асосида дарс ташкил =илиш ор=али ы=увчиларни фаоллаштириш щозирги ызбек адабий тили маш\улотларида кенг =ыллаш мумкин былган усуллардандир. Бундай усулда дарс олиб бораётган ы=итувчи навбатдаги маш\улотга кирганда дарсни эпиграф (шиор) танлаш билан бошлайди. Масалан, Дарс **эпиграфи:** Дунёнинг ишлари...

Дарсга бир дона майса (деталь) олиб кирилади щамда шу асосда муаммо =ыйилади. Сиз шу майсани =андай таъриф этасиз, дарсимизнинг шиорига («Дунёнинг ишлари»га) унинг =андай дахли бор? –деган саволлар билан мурожаат =илинади ва ы=увчиларнинг жавобларида барча фикрлар «дунёнинг ишлари» деган жумлалар билан ишлатилиши кераклиги таъкидланади. Ю=оридаги шартни амалга ошириш учун ми=дор ызгаришларининг сифат ызгаришларига ытиши, мазмун билан мощият, сабаб ва о=ибат бирлиги =арор топмо\и керак.

Инсоннинг тафаккури ва унинг ривожланиши фалсафа, психология, лингвистика, логика фанларининг ырганиш объекти саналар экан, нут=ий жараён  щам фикр ифодалаш щолатлари щам, ю=оридаги фанлар билан мустащкам ало=ада ва улар ызаро бир-бири билан бо\ли=дир. Шунинг учун ы=увчиларда фалсафий мушощада =илиш, манти=ий изчиллик асосида фикр ифодалаш,  рущий-щиссий щолатларни намоён этиш тил ор=али моддийлашади. Ы=увчи фалсафий =онуниятларни яхши билса, унинг фикрлаши, тафаккурининг во=елашуви щам талаб даражасида былади.

Ы=увчилар ыз фаолиятлари давомида маълум ма=сад, вазифа щамда муаммоларни =ыядилар. Шу пайтда ы=итувчининг вазифаси ма=сад ва муаммони щал =илишнинг самарадор йылини топишга ыргатишдан иборат. Бунинг учун диалектик =онуниятларга асосланган щолда тафаккур щосил =илишга ыргатиш мущимдир.

Дарс жараёнида кырсатилган **майса** жуда оддий ва жын былиши мумкин. Аммо бунга диалектик муносабат билан ёндашмо= зарур. Чунки щар бир нарса, предмет ща=ида гапирганда илмийлик, зарурийлик, функционаллик ну=таи назаридан ёндашмо= зарур. Майсага бащо бериш учун шу майсадаги жуда кып томонлар: =андай ва =ачон пайдо былиши, ерни ёриб чи=иши, тинимсиз щаракатда эканлиги, ызгаришда былиши, об-щаво билан бо\ли=лиги, ранги, ызига хос хусусиятлари ани=ланади.

Щар бир предметни бащолашда хатоликларга йыл =ыймаслик учун ана шу жищатлар ы=увчининг кыз ынгида былмас экан, унга (майсага) бащо беришда хатога йыл =ыйилаверади. Бунинг учун эса нарса ва щодисага диалектик ёндашиш зарурдир.

Диалектик тафаккур, доимий пайдо былиш, ызгариш, бир щолатдан иккинчи щолатга ытиш доимийлигини инсон фаолияти ор=али исботлашга щаракат =илади[56].

Ана шуларга эътибор =аратган ы=увчи ыз фикрида, нут=ида кашфиёт =ила олади, янги \оя бера олади, чунки ы=увчилар муаммони щал =илаётганда уларда ызига хос фикр пайдо былади. У берган фикр ызлигини англашга, ижод =илишга ёрдам беради.  Ы=увчилар дарс ма=сади, вазифасини эшитганларидан сынг ыз фикр-мулощазаларини айтадилар, бащс-мунозара юритадилар.

Айтайлик, бир ы=увчи шундай фикр билдиради: =иру адирларда бош кытариб чи==ан майса-чечаклар юртимда бащор келганидан дарак бермо=да. Шу майсани кыриб мактабда олган сабо=ларим хотирамга келди, *дунёнинг ишларини =арангки,* менга шу шеърни ыргатган устозим бугун ыша мактабда, davraларда йы= энди. Эшитинг-а?:

*Щамма ырганганимдан яхлит хулоса:*
*Ыз юртим ерида унган щар майса.*
*Бегона юртларнинг гулидан афзал.*

[56] Давронов З. Диалектика – билиш услуби // Таълим тизимида ижтимоий–гуманитар фанлар. – 2004. -№2. -Б.28.

Уларнинг фикрини эшитгандан сынг, ы=итувчи ызи майсани кытариб, шоира Т.Соди=ованинг «Мыъжизали да=и=алар» шеъридан парча айтади:

*Зилдай замин дарз кетибди, Еру кыкни маст этибди,*
*+илдай майса дастидан. Ялпиз =ай хас остидан*[57].

Дунёнинг ишлари =изи=... шу =илдай майсанинг =удратини =арангки, зилдай заминни ёришга =удрати етибди...

Дунёнинг ишлари =изи=... Мана бу ялпиз (ялпизни кырсатиб) щиди эса бутун оламни маст этибди.

Бу =андай =удратки, =атти= ерни =илдай майса ёриб юборган. Сиз нима дейсиз, дея мурожаат =илади.

Ушбу саволга жавоб топиш учун эса фалсафий мушощада зарур. Фалсафий мушощада эса оламни илмий билишга ыргатади, чунки дунёни илмий билиш табиат ва жамият тара==иёти ща=идаги =онун-=оидаларнинг мощиятини илмий тал=ин этишга ундайди. Шу ыринда хулоса сифатида ы=итувчи улу\ файласуф Фаридиддин Атторнинг =уйидаги фикрларини келтириб ытади: «Мутла= рущ оламни яратиб, четдан томошабин былиб =араб турган эмас. У олам билан бирга оламнинг вужудида мужассам, олам вужуди унинг вужудининг давоми: «Эй дин кишиси, дарща=и=ат, нимаики кырсанг, бу аслида Ща=нинг ызидир»[58]. Демак, майсанинг =удрати Ща=нинг ызидир.

Агар эпиграф асосида ташкил этилган дарснинг мавзуси «Тиниш белгиларининг ишлатилиши» былса, ы=итувчи матн айтганда, ы=увчилар =айси тиниш белгиси =аерга =ыйилишини ани=лайдилар, сынг уни нима учун =ыйганлигини изощлаб берадилар, бу эса грамматик =оидаларни амалиётда =ыллаш учун бир йыл былиб щисобланади.

Агар мавзу от сыз туркуми хусусида былса, матн таркибидан от туркумига оид сызларни ажратиш ва уларни тащлил этиш мумкин.

**Ы.Щошимовнинг «Дунёнинг ишлари» асаридан олинган «Сурат» номли парчани ы=итувчи ы=иб беради ёхуд 2 ы=увчи она ва бола ролини ижро этиб берадилар.**

## *СУРАТ*

*«Дунёнинг ишлари доим шошилинч. Одатдагидек тик турганча нонушта қилаётган эдим. Онам одатдагидек қистарди:*

*— Ўтирсанг-чи, болам. Бирпас ўтиргин.*

*— Бўлди, кетдим.*

*— Шошма, болам. — Онам кўзимга одатдагидан бошқача, қандайдир мунг билан термулди. — Гап бор.*

*Типирчилаб соатга қарадим: ҳали бензин олиш керак, ишга бориш керак, кейин нашриётга ўтиш...*

*— Нима эди?*

*Онам кўзимга ҳамон маъюс термулиб ўтирарди.*

*— Суратга тушайлик, — деди тўсатдан. Ажабландим.*

*— Нега?*

*— Яқинда мен ўламан.*

*Онам бу гапни худди: «қўшникига чиқиб келаман», дегандек оҳангда айтди. Кулиб юбордим.*

*— Қўйсангиз-чи, ойи. Шундай дедим-да, чиқдим-кетдим.*

*Орадан икки ҳафта ўтди-ю... Кечалари уй\ониб кетаман, ўйлайман. Ўйлайман: сен номард, сен аҳмоқ нимага, нимага ўшанда кулдинг? Суратга тушишга вақтинг йў=миди? Керак бўлса топасан-ку! Китоб учун, журнал учун, иш устида, бо\да, кўчада... Нима, сен кино юлдузмисан?Жаҳоншумул шахсмисан?Ана, бир даста суратинг ётибди. Ҳар хил. Ҳар ерда... Фақат... Онанг билан тушган суратинг йў=!».*

---

[57] Соди=ова Т. Ёнингдаги бахт.-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989.-Б.25.

[58] +аранг: Рызимущаммад Б. Буюк шахслар силсиласи // Маърифат. - 2002.-№26.

Матн ижро этиб былинганидан сынг ы=итувчи «дунёнинг ишлари шундай экан», жумласи билан фикрига якун ясайди. Ы=увчилар эса =айси тиниш белгиси =аерга =ыйилишини айтадилар, сынг уни изощлаб берадилар.

Ы=увчиларни дарсга янада =изи=тириш ма=садида компьютер экранидан =уйидагиларни дафтарларига ёзиб олишлари топширилади

*Баҳор деворларнинг офтобрўя этакларидан бошланмайди. Баҳор ариқларининг кунгай соҳилларидан бошланмайди. Баҳор гўристондан бошланади. Илк майсалар мунгли дўппайган қабрлар ёнбошидан униб чиқади. Тўн\ич чучмомалар энг аввал сукутга чўмган қабристон устида маъюс қўн-\иро\ини чалади. Ба\ри қон қиз\алдоқлар биринчи бўлиб мана шу ерда очилади.*

*Ким билсин, табиатнинг марҳумлар руҳига йилда бир марта кўрсатадиган марҳамати эҳтимол шудир... Чў\дек ловуллаган қиз\алдоқлар, саф тортган гулсапсарлар орасида мармар тошлар кўринади. О= мармар, қора мармар, кўк мармар...*

Ы=увчилар матнни ёзиб былганларидан сынг матн =айси асардан олинганлигини ани=лаш щамда «Дунёнинг ишлари»ни матн мазмунига мослаштириш сыралади.

Сынгра матндаги *сукутга чымган, маъюс =ын\иро\ини чалади, ба\ри =он =из\алдо=лар...* каби сыз бирикмаларига изощ бериб, **«дунёнинг ишлари»** деган фикр билан хулосалайдилар.

Эпиграф асосида дарс ытиш инновацион таълимга асосланган модулли таълим технологияси былиб щисобланади. Фикримизча, инновацион таълимнинг яна бир талаби ы=увчиларда ижодий тафаккурни ривожлантириш учун фикрнинг бир объектга (майса атрофига) тыпланиши, ыша объект ща=ида тыла, мукаммал маълумотларни мушощада =илиш ва ифодалашдан иборатдир.

Эпиграф асосида дарс ытишда а=лий щаракатлар шахснинг онгли тарзда амалга oширадиган щар хил щаракатлари былиб щисобланади. Эпиграфли дарслар ташкил =илинганда ы=увчида хаёл ва фантазия =илиш =обилияти ривожланади; онгда ы=увчи ыша объект билан бо\ли= тасаввурларни хаёлан тиклай олади, бунинг натижасида атрофлича фикрлаш рый беради.

Бундан кыринадики, во=еликдаги нарса ва щодисалар ыртасидаги бо\ланишларни, уларнинг ызаро муносабатларини билиш инсонда мутло= ща=и=ат ща=идаги тасаввурни щосил =илади ва шу асосда тафаккур кенг ривожланади.

Эпиграф асосида дарс ташкил =илиш педагогик праксология щисобланади (юнонча пракс-щаракат ва логос-таълимот: амалиётда =ыллаш ща=идаги таълимотдир). Чунки ушбу модул амалиётда =ылланган янгилик былиб, уни ташкил =илиш жараёнида ы=увчиларнинг бор имкониятлари ишга солинади, фаоллик амалга оширилади.

Эпиграфли дарслар ташкил =илищда =уйидаги педагогик, методик талаблар амалга оширилмо\и лозим:

а) =андай мавзу ытилмасин, эпиграфда келтирилган фикр дарс жараёнида асос былиши;

б) ы=увчилар щозирги ызбек адабий тили дарсида ытилган мавзуни эпиграф билан бо\лай олишлари;

в) щар бир ы=увчининг ижодий имкониятлари эътиборга олиниши;

г) фалсафий мушощада =ила олишлари;

д) ы=увчининг фикрни изчил баён этиши, манти=ий =онуниятларга амал =илиши ы=итувчи томонидан кузатилиши ва тащлил этилиши;

ж) ы=увчилар жавоб бераётганларида, албатта, эпиграфни тилга олишлари.

Эпиграфли дарслар ы=увчиларни дунёни илмий билишга йыналтиради. Дунёни илмий билиш табиат ва жамият тара==иёти ща=идаги =онун-=оидаларнинг мощиятини илмий тал=ин этишга,атрофлича фикрлашга ундайди. Жумладан:

-дарснинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчилик томонларининг яхлитлиги намоён былади;

- ы=увчилар фикрини тинглаш учун шароит яратилади щамда ижодий =обилиятлари ривожлантирилади;

- нут=и ривожланади ва ранг-баранг былади;

- фикрда изчиллик тамойили амалга ошади.

Ушбу методик ёндашув асосида таълимда тафаккур ыстириш муаммосининг педагогик назария ва амалиётда =андай натижа бераётганлигини тащлил =илиш, ырганиш, умумлаштириш мумкин.

**Пирамидамизнинг еттинчиси «Тест топшири=лари» деб аталади.** Чунки дарсликда щар бир катта былим тугагандан сынг мавзуга оид тестлар берилган.

«Модул»ли дарсимизнинг бир кыриниши «Зинама-зина» деб аталади. Ы=увчилар тафаккурини ривожлантириш, ызига хос усуллар билан шакллантириш учун таълимий ыйинлардан фойдаланиш, айни=са, тестларнинг самарадорлигини оширишда щар хил усулларни амалиётда =ыллаш (бир хилликдан воз кечиш) дарс сифатини оширади.

Маълумки, таълим жараёни =онуниятларини, унинг тамойилларини ишлаб чи=иш назарий асосга эгадир. Демак, биз модул дарсимизнинг навбатдаги =исмида =андай тамойилларга асосланишимизни ани=лаб олишимиз лозим.

Биз таълимда =изи=тириш, оптималлаштириш, тизимлилик, кетма-кетлик, кырсатмалилик, таълим ва тарбия тафаккурини ривожлантириш каби тамойилларга асосландик. +уйида берилган таълимий ыйин усули щам фикрларимизнинг ты\рилигини тасди=лайди. Бунда биз тестлар ытказишни янгича тал=ин этдик ва уни «Зинама-зина» деб атадик.

Маълумки, тест таълим тизимига бошлан\ич синфдан тортиб, олий таълим ы=ув жараёнигача кириб келган былиб, щозирда щаётимизнинг бош=а сощаларида щам =ылланилмо=да. М.Мущиддинов, Д.Набиевлар «Кып вариантли тестларни ытказиш тизими» китоби[59]да тест жараёнини мукаммаллаштириш, тест ытказишни автоматлаштириш, дастурлар тайёрлаш ща=ида бир =анча маълумотларни бериб ытганлар.

Биз тест ытказиш жараёнини кыргазмалилик асосида =уйидагича ташкил этдик: ы=увчилар уч гурущга былинади. Щар бир гурущнинг охиридаги ы=увчига А,В,С щарфлари ёзилган жавоб вара=алари берилади. Ы=итувчи тест саволини ва унинг уч вариантдаги жавобларини ы=ийди. Охирги ыриндаги ы=увчи берилган тестдаги учта жавобдан ты\ри жавобни =ылидаги шартли белгилар асосида кырсатади: А ёки В ёхуд С. Масалан: Ы=итувчи тест саволини жавоб вариантлари билан бирга ы=ийди: *жамловчи от =атнашган гапни топинг.*

а) улар гулдаста тайёрлашди;

в) учаласи бирга келишди;

с) икковлон сайр =илишди;

Тест саволлари ва жавоблари ы=итувчи томонидан ы=илгач, ы=увчилар зудлик билан уч жавобдан ты\ри деб щисоблаган жавобни англатувчи щарфнинг тасвири туширилган вара=ни кырсатадилар. Агар жавоб ты\ри былса, жавоб вара=алари навбатдаги (олдиндаги) ы=увчига ытади. Ты\ри жавобни кырсата олмаган ы=увчи ёнидаги шеригига- олдинги =атордаги ы=увчига жавоблар вара\ини бермайди. Яна ю=оридаги щолат такрорланади. Биринчи саволга ты\ри жавоб кырсата олмаган ы=увчи бу сафар жавобни ты\ри кырсатсагина ёнидаги шеригига беради. Ы=увчилардаги фаоллик, тезкорлик гурущдаги ырто=ларига ижобий таъсир кырсатади. Агар ы=увчилар ты\ри жавобни кырсата олмасалар, гурущ зинанинг =уйи по\оналарида =олиб кетади. Жавоблар вара\и ы=увчилар =ылидан бир-бирига ытиб, олдинги =атордаги ы=увчиларга етиб келади ва ыша гурущ \олиб былади.

Бу таълимий ыйинда ы=увчи фа=ат ты\ри жавобни кырсатсагина ыз ырнига ытириши ва жавоблар вара\ини шеригига бериши мумкин. Тест саволига зудлик ва ча==онлик билан жавобни кырсата олмаган ы=увчининг бащоси (бали) пасаяди. +олаверса, энг асосийси, ы=увчи щар бир жавобни кырсатиш ор=али ыз билимига бащо =ыйиб боради.

---

[59] Мущитдинов М., Набиев Д. Кып вариантли тестларни ытказиш тизими.-Т.: Ы=итувчи, 2001.

«Зинама-зина» таълимий ыйин усули ы=увчиларнинг билимини, топ=ирлигини, хотирасини мустащкамлаш учун ащамиятлидир. Ы=увчиларда ыйинга былган =изи=иш натижасида ди==ат, эътибор, идрок ортади. Бу эса ы=увчиларнинг щис-туй\уларига таъсир =илади, эсда =олдириш жараёни ривожланади. Тестларни бажартиришдаги тезкорлик хотирани ыткирлашга имконият беради, хотира ыткирлашса, **тафаккурда** ысиш, ривожланиш щодисаси юз беради.

Ыйиннинг яна бир ащамиятли жищати шундаки, ы=увчилар саволларга жавобни о\заки эмас, балки шартли белгилар ор=али кырсатадилар. Бу эса уларни фикрлаш ва мушощада =илишга чорлайди.

Такрорлаш натижасида ы=увчиларнинг назарий ва амалий билимлари мустащкамланади. Маълум мавзу ытилгач, ыша мавзу атрофида бир неча (50-100 та) саволга жавоб топиш учун ы=увчи уни тыла идрок =илиши керак.

Тест саволлари янги ытилган ёки аввал ытилган мавзулар быйича щам берилади. Янги мавзу ытилгач, ыша мавзу быйича ёки «Щозирги ызбек адабий тили» фанидаги маълум былимлар тугагач, мазкур ыйин ыйналади ва ытилган мавзулар мустащкамланади. Бу каби тест ытказиш натижасида мавзуларни пухта такрорлашга, тезкорликка, хотирада мавзуларнинг узо= ва=т эсда са=лаб =олинишига эришилади. Агар ы=увчи берилган тест саволларига ты\ри жавобни кырсата олмаса, у тик щолатда =олади ва билимларни ызлаштирмаган щисобланади, ыз гурущини ор=ага тортади, «зиналардан ытолмайди».

Щозирги ызбек адабий тили дарсида «Зинама-зина» интерфаол ыйинини ташкил этиш натижасида ы=увчиларда =уйидаги таълимий-интеллектуал хусусиятларнинг ривожланганлиги кузатилди:

1. Ы=увчиларда тезкор фикрлаш амалга ошади.
2. Барча ы=увчилар бирданига бащоланади.
3. Уларда тафаккур ривожи кузатилади.
4. Илмий-назарий билимга эга былади.
5. Уларнинг психологиясига ыйин усули ижобий таъсир этади.
6. Билимларни пухта ызлаштирганликлари синалади, чунки мустащкам ызлаштирилган билимлар ы=увчининг амалий фаолиятида намоён былади.
7. Ы=увчилардан бир хил меъёр талаб =илинади.

«Зинама-зина» усулидан нафа=ат она тили дарсларида, балки щар =андай фанни ы=итишда фойдаланиш мумкин.

Бу ыйиннинг методик ащамияти шундан иборатки, ы=итувчи дарс ытишдаги бу усули билан ы=увчини ыз фанига =изи=тира олади, дарс жараёни =изи=арли ташкил этилади.

## Пирамидамизнинг саккизинчи поғонаси «Таянч тушунчалар» деб номланади

«Таянч» сўзи, аслида «таянмоқ» феълидан ясалган от сўз туркумига оид тушунчадир. Унинг лексик маъноси «асос», «суянчиқ», «устун» сингари маъноларни англатади.

**«Таянч» ҳаракатланиш тизими**-физиология соҳасида қўлланувчи атама бўлиб, скелет тизими тушунилади, чунки скелет тизими бутун гавданинг «устуни», уни тутиб турувчи асос ҳисобланади.

Таянч сўзлар дейилганда ҳам, ёзиладиган парча ёки матннинг асосини ифодаловчи сўзлар тушунилиб, ўша берилган таянч сўзларга суянилиб, таянилиб, матн баён қилинади.

«Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да **таянч** сўзига берилган изоҳни келтириб ўтамиз:

**Таянч.** 1. Бир нарсани кўтариб, унинг тик, барқарор туриши учун хизмат қиладиган *восита, устун, тиргак, тиргович.*

2.Кўчма. Асос бўлиб хизмат қиладиган, суяниладиган нарса: *суянч, суянчиқ, таянчиқ.*

3.Кўчма. Ёрдам ёки ҳимоя қиладиган, қўллаб-қувватлайдиган *кимса; ҳимоячи, ёрдамчи, ҳомий.*

Шундай қилиб, ҳар бир мавзудан сўнг таянч тушунчалар берилган бўлиб, улар асосида матн тузиш талаб этилади. Қуйида биз таянч тушунчаларнинг айримларини қандай бажариш мумкинлигини кўрсатиб ўтамиз:

**3-дарс учун таянч тушунчалар**

**1.Сўз**
**2. Лексема**
**3. Лексик маъно**
**4. Грамматик маъно**

**Сўз.** Лексеманинг нутқда муайян шакл ва вазифа билан воқеланган кўриниши. Ўз товуш қобиғига эга бўлган, объектив нарса-ҳодисалар ҳақидаги тушунчани, улар ўртасидаги алоқани ёки уларга муносабатларни ифодалай оладиган, турли грамматик маъно ва вазифаларда қўлланадиган энг кичик нутқ бирлиги.

**Лексема.** (юнонча lexis-ибора, нутқ ўрами). Тилнинг луғат таркибига хос бирлик; тил қурилишининг луғавий маъно англатувчи унсури.

**Лексик маъно.** Сўзнинг материал қисми (лексема) билдирадиган маъно лексик маъно ҳисобланади. Лексик маъно маълум товушлар йиғиндисини маълум объектив воқеликка боғлаш билан киши онгида юзага келадиган мазмун мундарижа, луғавий маънодир.

**Грамматик маъно.** Сўзнинг шаклий қисми, грамматик шакли ифодалайдиган маъно. Масалан, -лар қўшимчаси отга хос кўплик маъносини,
-яп қўшимчаси феълнинг ҳозирги замон маъносини ифодалайди.

**4-дарс учун таянч тушунчалар**

**1. Бир маъноли сўзлар.**
**2. Кўп маъноли сўзлар.**
**3. Полисемия.**
**4. Тўғри маъно.**
**5. Кўчма маъно.**

**Бир маъноли сўзлар.** Фақат битта, ягона маъно англатувчи сўзлар бир маъноли сўзлар дейилади. Масалан, чойнак.

**Кўп маъноли сўзлар.** Кўп маъноли сўзлар бирдан ортиқ маънога эга бўлади. Масалан, бош сўзи бир қанча маъноларни англатади: боши катта, кўчанинг боши, кўпчиликка бош, қозоннинг боши.

**Полисемия.** Поли-кўп, сема-маъно. Битта тил бирлигининг бирдан ортиқ маъно англатиш хрдисаси.

**Тўғри маъно.** Воқелик билан бевосита боғланадиган, уни бевосита англатиш хусусиятига эга бўлган маъно.

**Кўчма маъно.** Сўзни тўғри маъносини англатган нарса-ҳодисалардан бошқа нарса-ходисаларга ном сифатида кўчириш асосида щосил бўлган маъно.

***12-13-14 дарслар учун таянч тушунчалар.***

**1. Барқарор бирикмалар**
**2. Иборалар.**
**3. Фразеологизмлар.**
**4. Мақоллар.**
**5. Маталлар.**
**6. Ҳикматли сўзлар.**

**Барқарор бирикмалар.** Нутқнинг ўзида тузилган тилда бир бутун ҳолда мавжуд бўлиб, нутққа яхлитлигича киритиладиган бирликлар.

**Иборалар.** Тузилишига кўра сўз бирикмасига, гапга тенг, семантик жиҳатдан бир бутун, умумлашган маъно англатадиган, нутқ жараёнида яратилмай, нутққа тайёр щолда киритиладиган луғавий бирлик: *оёғини қўлига олмоқ.*

**Фразеологизмлар.** Иборалар тилшуносликда фразеологизмлар деб юритилади.

**Мақоллар.** Чуқур маъноли, тузилиши гапга тенг, алоҳида ритмик-мелодик хусусиятларга эга бўлган фольклор жанри. Мақолларда халқнинг кўп йиллик тажрибалари, ҳаёт ҳодисаларининг маълум бащоси акс этади: *Одам қадрини меҳнат оширар.*

**Маталлар.** Ҳаётий воқеликни ихчам шаклда бўёқдорлик билан тасвирловчи ифодалар. Маталлар нутқда ҳукмнинг қисми вазифасида бўлиши, щамма вақт кўчма маъно англатиши каби хусусиятлари билан мақоллардан фарқланади: *туянинг думи ерга текканда*.

**Ҳикматли сўзлар.** Аниқ ва ихчам шаклли, чуқур мазмунли, муаллифи аниқ гап: *Оз демак ҳикматга боис, оз емак сиҳатга боис*.

***21-дарс учун таянч тушунчалар***

**1.Грамматика.**
**2. Морфология.**
**3. Лексик маъно.**
**4. Грамматик маъно.**
**5. Сўз шакллари.**
**6. Синтаксис ва сўзларнинг бир-бирига боғланиши.**

**Грамматика** тилнинг грамматик қурилишини ўрганадиган фандир. Грамматик қурилиш эса тилнинг асосларидан биридир. Ҳар бир тилнинг негизи унинг грамматик қурилиши билан лексикасидир. Грамматика атамаси ўз ичига морфология ва синтаксисни олади. Ўзаро боғланган ҳар икки қисмнинг ўз текшириш объекти бор. Демак, грамматика фани тилнинг грамматик қурилиши ҳақидаги таълимот бўлиб, унда сўзларнинг шакллари, сўзларнинг боғланиши, гап қурилиши ва унинг турлари ўрганилади.

**Морфология** (грекча морфе-шакл ва логос-сўз, таълимот) сўзнинг грамматик шакллари ҳақидаги фандир. Морфология сўзнинг тузилишини, сўз шаклларини, унинг щосил бўлиш йўлларини, сўзнинг морфем составини ва лексик-грамматик категорияларини, яъни сўз туркумларини ўргатади.

**Лексик маъно.** Сўз лексикологияда ҳам, грамматикада ҳам текширилади. Лексикологияда, асосан, сўзнинг лексик маъноси ўрганилади. Сўзнинг объектив борлиқ (нарса, белги, щаракат кабилар) ҳақидаги тушунчани англатиши унинг лексик маъносидир.

Масалан*: пахта, =алам, узум* каби сўзларнинг техника экинларидан бирини, ёзув қуролини, мева турларидан бирини англатиши бу сўзларнинг лексик маъносидир. Бундан ташқари*, бордик, келдик* каби сўзларнинг маълум бир ҳаракатни англатиши унинг лексик маъноси ҳисобланади.

**Грамматик маъно.** Морфологияда сўзнинг грамматик маънолари ўрганилади. Сўзнинг морфологик тузилишига, уларнинг ўзаро боғланишига кўра ифодаланадиган маъно сўзнинг грамматик маъноси дейилади. Буни ҳам албатта мисоллар орқали изоҳлаймиз. Юқорида келтирилган мисолларнинг лексик маъноси тушунтирилган бўлса, энди ўша сўзларнинг грамматик маъносини аниқлаймиз*: пахта, =алам, узум* бу сўзлар бирлик сон, бош келишик, учала сўз ҳам от сўз туркумига тааллуқли эканлиги шу сўзларнинг грамматик маъносидир. *Бордик, келдик* сўзларининг ўтган замон, биринчи шахс ва кўплик кабиларни билдириши эса бу сўзларнинг грамматик маъносидир. Сўз англатадиган лексик маъно одатда хусусий бўлади, грамматик маъно эса доим умумий бўлади. Демак, грамматик маъно якка бир сўзга кўра белгиланмайди, балки шундай грамматик маънони ифодаловчи сўзларнинг барчасига кўра белгиланади. Масалан*: китобим, =аламим, дафтарим* каби сўзларда биринчи шахс эгалик маъноси бундай қўшимчани (-имни) олган барча сўзларга хос.

**Сўз шакллари.** Грамматик маънони ифодалаш учун хизмат қиладиган воситалар ёрдамида сўзнинг бирор грамматик шакли ҳосил қилинади. Сўзнинг грамматик шакли икки хил бўлади: синтетик шакл, аналитик шакл.

Синтетик шакл сўзга қўшимча қўшилиши билан ҳосил бўлади. Аналитик шакл эса мустақил сўзни ёрдамчи сўз билан ишлатишдан ҳосил бўлади. Масалан: *Университетда дугонамни кўрдим* гапидаги сўз шакллари аффикслар билан ҳосил қилинган, демак синтетик шакл; *Ўқиш учун келди* гапидаги восита, мақсад маънолари мустақил сўзни кўмакчи билан ишлатиш орқали ифодаланган, демак *ўқиш учун* сўз шакллари аналитик шаклдир. Баъзан грамматик шаклнинг шаклланишида ҳам аффикс, ҳам ёрдамчи сўз қатнашади. Масалан:

*кечадан бери, дарсдан кейин* бундай шакл ҳам аналитик шакл деб юритилади.

**Синтаксис** грекча — тузиш деган маънони билдиради. Синтаксис сўзларнинг бирикиш йўлларини, сўз бирикмасини текширади. Синтаксиснинг асоси гап ҳақидаги таълимотдир. Синтаксисда сўзларни бириктириб гап қуриш қоидалари, гапнинг тузилиши, вазифаси, қўлланиши, гапларнинг ўзаро муносабати каби масалалар текширилади. Нутқнинг грамматик шакл, оҳанг ҳамда мазмун жиҳатдан тугалликка эга бўлган мустақил парчаси гапдир. Синтаксис атамаси икки маънода қўлланилади: 1.Тилнинг синтактик қурилиш қонуниятлари.

2. Тилнинг грамматик қурилиши ҳақидаги фаннинг, грамматиканинг бир қисмидир.

**Сўзларнинг бир-бири билан боғланиши**

Ҳар бир тилда сўзларни синтактик алоқага киритувчи воситалар ҳар хилдир. Ўзбек тилида сўзлар қўшимчалар, ёрдамчи сўзлар, тартиб ва интонация орқали синтактик алоқага киришади. Синтактик алоқа деганда одатда икки сўзнинг ўзаро боғланиши тушунилади. Сўзлар орасидаги синтактик алоқа бўлса, гап бўлаклари орасида синтактик муносабат бўлади. Масалан*: ҳаётни севмо=, =ўл билан ушламо=, бизнинг кўчамиз* ва бошқалар.

Синтактик алоқа воситаларининг қўлланишидаги фарқ сўзларнинг умумий категориал, лексик-грамматик хусусиятлари билан боғлиқ. Масалан: от+феъл алоқасида келишик қўшимчалари ва кўмакчилардан фойдаланилса, сифат +от алоқасида тартиб ва интонациядан фойдаланилади: *ўқишга бормоқ, қизиқиш билан ў=имо=, ҳаёт гўзал, мулойим қиз* кабилар.

Ўзбек тилидаги синтактик алоқа воситаларини тўрт гуруҳга ажратиш мумкин: шаклий-грамматик, лексик-грамматик, ҳолат ва овоз баландлигини ифодаловчи воситалар.

***22-дарс учун таянч тушунчалар***

1. **Турдош ва atoқли от.**
2. **Бирлик ва кўплик шакл.**
3. **Эгалик ва келишик шакли.**
4. **Ҳурмат шакли.**
5. **Морфологик усул билан от ясалиши.**
6. **Синтактик усул билан от ясалиши.**

**Турдош от** — Отлар ўз маъноларига қараб дастлаб икки гуруҳга бўлинади: 1. Атоқли отлар 2.Турдош отлар.

Отларнинг асосий қисмини турдош отлар ташкил қилади. Булар бир жинсдаги предметларнинг номлари бўлиб, шулар ҳақидаги тушунчани англатади. *(мамлакат, шаҳар, қишлоқ, ишчи, талаба, севги, муҳаббат* каби)

Турдош от (ёки бошқа туркум сўзи) якка предметнинг номига айланса, атоқли отга ўтади: *муҳаббат—Муҳаббат*.

**Атоқли от** — якка шахснинг номини, борлиқдаги якка предметнинг номини атайди. (*Ўзбекистон, Тошкент, Зафар, Наврўз* каби).

Атоқли от ва турдош от бир-биридан фақат семантик томондангина фарқ қилиб қолмай, шу билан бирга маълум даражада грамматик жиҳатидан, яъни грамматик сонда ишлатилиши жиҳатдан ҳам фарқ қилади. Атоқли отлар фақат бирлик шаклга эга бўлиб, одатда кўплик сонда келмайди.

Атоқли отга қуйидагилар киради:

а) одамларнинг шахсий номлари, фамилиялари, тахаллуслари:

Нурматов, Навоий каби;

б) географик, маъмурий номлар, тарихий ҳодисалар, адабий ва илмий асарлар, муассаса ва ташкилотларнинг номлари: Ўрта Осиё, Самарқанд, «Олтин водийдан шабадалар»;

в) астрономик номлар: Марс, Венера, Қуёш, Ер;

г) ҳайвонларга қўйилган махсус атамалар: Полвон, Йўлбарс, Бароқ.

**Бирлик шакл** — отларга хос бўлган грамматик белгилардан бири сон категорияси ҳисобланади. Ўзбек тилида сон категориясини бир-бирига қарама-қарши қўйилган бирлик ва кўплик шакллари ташкил этади. Кўплик шакли -*лар* қўшимчаси билан ҳосил бўлади. Бирлик

шаклининг эса махсус қўшимчаси йўқ: бирлик- лар қўшимчасининг йўқлигига кўра белгиланади. Бирлик шаклидаги отлар бир жинсдаги предметлардан биттасини англатади*: дафтар, талаба*.

Отларнинг фақат бирлик шаклида қўлланиши асосан доналаб санаш мумкин бўлмаган предметларни атайдиган отларга, кўплик билдирмайдиган отларга хос хусусиятдир. Булар:

1. Мавҳум отлар: *севги.*

2. Атоқли отлар: *Нозимахон*

3.Санаш мумкин бўлмай, фақат ўрганадиган жисмларни англатадиган отлар*: туз, ёғ, асал...*

4. Танимиздаги жуфт органларни, шунингдек жуфт предметларни билдирувчи отлар ҳам асосан бирликда ишлатилади: *кўз, қош, лаб* каби. Бу отлар -лар қўшимчасини олганда, бўлинадиган кўпликни билдиради*: кўзлар ўнг ва чап.*

5. Асли ўзи биттадан ортиқ бўлмайдиган предметларнинг номи ҳам фақат бирликда ишлатилади.

**Кўплик шакл** — кўплик маъноси асосан морфологик усул билан яъни, негизга -лар қўшимчасини қўшиш билан ифодаланади. Масалан: китоб-китоблар. Кўплик маъноси лексик-синтактик усул билан ҳам ифодаланади. Бунда:

1. Саноқ сон, гумон олмоши ёки миқдор равиши отни аниқлаб келади: *учта китоб, бир неча бола, жуда кўп гул* каби.

2. От олдида келган от, сифат, сон такрорланади: *даста-даста гул, баланд-баланд тоғлар, ҳар растада минг-минг дўкон.*

-лар қўшимчаси юқоридагилардан ташқари қуйидаги ўринларда ишлатилади:

1. Отларда эгалик қўшимачасидан кейин қўшилиб келади. Бунда ҳурмат маъносини ифодалайди*: Исмат ҳожи акамларни судга чақиртираман деяётган эмиш.*

3. Пайт билдирувчи равишларга, пайт, ўрин ёки предмет сонини билдирувчи бирикмаларга қўшилиб, чама, тахмин маъноларини ифодалашга хизмат қилади. *Кечқурунлари бўш бўламан, келинг, суҳбатлашамиз.*

**Эгалик шакл** — эгалик категорияси қарашлиликни, яъни бир предметнинг маълум шахсга ёки предметга қарашли эканлигини кўрсатади. Қарашлилик уч шахсга ва бирлик ҳамда кўпликка кўра ифодаланади. Предметнинг бирор шахсга ёки предметга қарашли эканлигини эгалик қўшимчалари кўрсатади. Ҳар бир эгалик қўшимчаси айни вақтда ҳам шахс маъносини, ҳам сон маъносини ифодалайди:

| | | |
|---|---|---|
| I. | -(и) м | -(и) миз |
| II. | -(и) нг | -(и) нгиз |
| III. | -(и),си | -(и), -си |

Эгалик қўшимчаси қўшилганда баъзан қуйидагича товуш ўзгариши ҳосил бўлади.

1. Иккинчи ёпиқ бўғинда қисқа ва тор *и, у* унлилари бўлган сўз (негиз) ларда бу унли тушиб қолади: *қорин—қорни, бурун—бурни* каби.

2. Охири *қ, к* ундоши билан тугаган сўз (негиз) ларда бу ундош ғ, г ундошига айланади: *ўртоқ—ўрто—ғим, истак—истагинг.*

III шахсда қаторасига иккита эгалик қўшимчасини қўшиб ишлатиш ҳам учрайди*: сингил—синглиси* каби.

**Келишик шакл** — Отлар келишик қўшимчалари билан турланади. Ўзбек тилида олтита келишик бўлиб, улар от ва отлашган сўзларнинг бошқа сўзлар билан грамматик алоқасини кўрсатишга хизмат қилади:

| | |
|---|---|
| Бош келишик | — |
| Қаратқич келишик | *-нинг* |
| Тушум келишик | *-ни* |
| Жўналиш келишик | *-га (-ка,-қа)* |
| Ўринпайт келишик | *-да* |
| Чиқиш келишик | *-дан* |

Қаратқич ва тушум келишиклари белгили ва белгисиз қўлланиши мумкин: *китобнинг варағи, китобни ўқиб, дарё суви, китоб ўқиди.*

Отларнинг эгалик ва келишик қўшимчалари олиб ўзгариши турланиш дейилади.

**Ҳурмат шакли** — кичрайтириш, эркалаш, севиш каби маъноларни англатувчи ҳурмат шакллари одатда янги лексик маъноли сўз ҳосил қилмайди, балки ўзи қўшилган негизга бўёқдорлик маъносини беради: *қизгина, отажон* каби. Ҳурмат шаклини олган от ҳажм жиҳатидан шундай шаклни олмаган отга нисбатан фарқли бўлган предметни ифода этгандагина бу сўзлар маъно жиҳатидан ҳам фарқланади: *уй-уйча. -жон,-хон,-ой.* Бу сўзлар мустақил маънода қўлланишдан ташқари, эркалаш, суйиш, ҳурмат каби услубий маъноларни билдириш учун ҳам хизмат қилади: *акажон, укажон, онажон, Асалой...*

**От ясалиши** —ҳозирги ўзбек тилида отлар жуда кўп сўзни бирлаштирувчи туркум бўлиб, уларнинг бошқа сўз туркумларига нисбатан янги сўзлар билан бойиб бориши ҳам тез ва узлуксиз давом этмоқда. Ўзбек тилида от ясашдаги фаол, маҳсулдор усуллар морфологик (аффиксация) ва синтактик (композиция) усул билан сўз ясашдир. Морфологик усул билан от ясашга хизмат қилувчи қўшимчалар маъно жиҳатдан қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1.Шахс оти ясовчи қўшимчалар: *қизиқчи, адабиётчи, замондош, сирдош, санъаткор...*

2. Нарса ва қурол оти ясовчи қўшимчалар: *елпиғич, очқич, кўрсаткич, қўл ёзма, тўплам, узанги, чолғи.*

3. Жой от ясовчи аффикслар: *бодомзор, гулистон, қароргоҳ.*

4. Мавҳум маъноли от ясовчи қўшимчалар: *талабалик, тилшунослик, қурилиш, йиғилиш.*

Синтактик усул билан от ясалиши — синтактик усулда икки ва ундан ортиқ сўзни қўшиш билан янги от ясалади. Бунда қўшма от ёки жуфт от ясалади.

Қўшма от кўпинча аниқловчи билан аниқланмишнинг бирикиб кетишидан пайдо бўлиб, бунда янги маъно англашилади. Қўшма от таркибидаги қисмлар материал жиҳатидан қуйидагича бўлади:

1 .Икки отдан тузилади: *томорқа, белбоғ, кўзойнак.*

2. Сифат билан отдан тузилган бўлади: *кўк йўтал, оқсоқол, оққуш.*

3. Сон билан отдан тузилади: *учбурчак, мингоёқ, Бешариқ, Тўрткўл.*

4. От билан феълнинг сифатдош формасидан тузилади: *отбоқар, бешиктерватар, муз ёрар.*

5. Иккита мустақил феълдан тузилади: *ишлаб чиқариш, олиб сотар.*

6. Сон, олмош ва феълдан тузилади: *бешотар, ўзибўларчилик.*

Жуфт отлар билан от ясалиши юз беради: *арпа-буғдой, қозон-товоқ, ёш-қари* кабилар.

**26-дарс учун таянч тушунчалар № 1.**

**1. Ўлчов сўзлари.**

**2. Оғирлик ва узунлик ўлчовлари.**

**3. Доналик ва майдон ўлчовлари.**

**4. Ҳисоб сўзлар.**

**Ўлчов сўзлари** — баъзи бир предметларни санашда дона, нафар, бош каби сўзлар ишлатилади. Предметларнинг миқдорини доналаб санашда ишлатиладиган бундай сўзлар нумеративлар деб аталади. Предметнинг санаш ўлчовини белгиловчи нумеративлар: *бош, бўлак, парча, дона, туп, нафар, нусха, бурда, бор, жуфт, даста* каби. Масалан: *Зулфия онасининг туғилган кунига бир даста гул совға қилмоқчи бўлиб гул бозорига кирди.*

**Оғирлик ўлчовлари** — предметнинг оғирлигини билдирувчи нумеративлар: *килограмм, центнер, тонна, қадоқ, пуд, ботмон, чорак* каби. *Бригада режадаги 28 центнер ўрнига ҳар гектаридан 35 центнердан пахта топширди.*

**Узунлик ўлчови** — предметнинг узунлигини, кенглигини, масофани билдирувчи нумеративлар: *метр, километр, сантиметр, тош, чақирим, газ, миллиметр, қарич каби. Зафар бир чақирим узоқликдаги ўрмонга қандай тезлик билан келганини ўзи ҳам билмай қолди.*

**Доналик ўлчовлари** — нумеративлар билан саноқ сонлар бир бутун ҳолда бошқа отга боғланиб, уни сон жиҳатидан аниқлаб келади ва ҳар иккала сўз бир гап бўлаги вазифасини бажаради. Масалан: *Ёзнинг жазирама иссиғидан чарчаган Шерзод чойнакдаги яхнадан бир пиёла чойни мириқиб ичди.*

**Майдон ўлчовлари**: Предметнинг сатҳини билдирувчи нумеративлар: таноб, *гектар, квадрат, метр, сотих, квадрат километр* каби. Масалан: *Бир гектар ердан неча тонна оқ*

*олтин олиш мумкин?*

**Ҳисоб сўзлар** — вақтни ва қийматни билдирувчи нумеративлар: *минут, соат, кун, ой, йил, аср, сўм, тийин, танга, червон* кабилар. Масалан: *Юз йил бир асрга тенг келади. Собир тоға беш йилдан бери ўғли Нодирбекни кутади.*

***26-дарс учун таянч тушунчалар № 2***

**1. Бирлик ва ўнлик сон.**

**2. Содда ва қўшма сон.**

**3. Сонларда жамлик маъноси.**

**4. Сонларда гумон маъноси.**

**Бирлик сон** — тилимизда сонлар бирлик, ўнлик, юзлик системада қўлланади, яъни аввал бирдан ўнгача сонлар—бирликлар айрим сўзлар билан ифода қилинади. Кейин хар қайси ўнлик ўзига махсус ном олади ва навбатдаги ўнликкача бирлик сон мазкур ўнлик номи билан қайтарила беради. Ундан кейин минггача юз ичидаги сонлар қайтарилади. Соннинг бу қайтарилиши бирлик, ўнлик, юзлик, минглик системаларини ташкил қилади. Бирлик сони санаш давомида бирдан тўққизгача бўлган сонлардир.

**Ўнлик сонлар** — бир миқдор тушунчасини англатувчи икки ва ундан ортиқ сонлардан иборат бўлади. *Ўн бир, ўн беш, йигирма беш* кабилар. Ўнлик сонлар қатори қатъий тартиб асосида жойлашган бўлади. Бу тартибга кўра катта сон олдин, кичик сон кейин келади. Масалан: *Саксон бир ёшли Ойиша буви набираси Мадинани эркалатиб ўтирар экан, хаёлида ўз ёшлигини эслади.*

**Содда сон** — содда сонлар бир ўзакдан иборат бўлади. Ўзбек тилида содда сонлар қуйидагилар: *бир, икки, уч, тўрт, беш, олти, етти, саккиз, тўққиз, ўн, йигирма, ўттиз, қирқ, эллик, олтмиш, етмиш, саксон, тўқсон, юз, минг, миллион, миллиард.*

Булардан саксон, тўқсон, олтмиш, етмиш сонлари тарихан икки сўздан (саккиз + ўн, тўққиз + ўн, олти + миш, етти + миш) иборат бўлса ҳам, ҳозир улар бирикиб ажралмас содда ҳолга келган. Содда сонлар бошқа хил сонларни ҳосил қилиш учун асос бўлади.

**Қўшма сон** — қўшма сонлар икки ёки ундан ортиқ ўзакдан ҳосил бўлади. Масалан: **йигирма бир, ўн тўққиз, бир юз йигирма уч**. Қўшма соннинг ўз тартиби бўлади, яъни аввал катта соннинг миқдори ва унинг ўзи, ундан сўнг ўзидан кичикроқ сон ўз миқдори билан, ундай кейин яна кичик сон ўз миқдори билан келади. Масалан*: уч минг икки юз тўқсон беш— 3295.*

**Сонларда гумон маъноси** — саноқ сонларда бир сони айрим хусусиятлари билан бошқа сонлардан ажралиб туради. Умуман, бир сўзининг маъноси жуда кўп бўлиб, у фақат матн таркибидагина аниқланади. Бир сўзи гумон, ноаниқлик маъносини билдиради. Масалан:

*Водийларни яёв кезганда,*
*Бир ажиб ҳис бор эди менда.*

*Хона ичида, гилам тўшак устида кўк ёқали қора кимхоб тўн кийган новча ва қотма бир кекса ўтирарди.*

**Жамлик маъноси** — саноқ сонларга *-ов, -ала, -овлон* қўшимчалари қўшиш билан жамловчи сон ҳосил қилинади ва бу сонда жамлик маъноси мавжуд бўлади. Масалан: *Деҳқонбой акам билан Ҳафиза опам икковлари... кетадиган бўлишди...Учовлон бирга кетишди.* Юқорида санаб ўтилган қўшимчалар сонларга қўшилиб жамлик маъносини билдиради ва ҳаммаси, барчаси, бари каби маъноларни англатади, яъни биргаликда сўзига умумлашади.

***29-дарс учун таянч тушунчалар***

**1. Феъл.**

**2. Юмуш ва тафаккур феъллари.**

**3. Сезги ва руҳий ҳолат феъллари.**

**4. Нутқ феъллари.**

**5. Ишора ва жисмоний ҳолат феъллари.**

**6. Табиий ҳолат феъллари.**

**7. Кўриш феъллари.**

**Феъл** — иш ҳаракат ва ҳолат маъноларини ифодалайди: *ёзмоқ, турмоқ.*

Феъллар маъноси ва грамматик хусусиятларига кўра мустақил ва ёрдамчи бўлади. Морфологик жиҳатдан феъллар даража, майл, замон, шахс-сонда тусланиши ва бошқа сўз туркумларидан ясалиш хусусиятига эга. Айрим феъл шакллари тусланиш хусусиятига эга эмас. Феъллар гапда асосан кесим вазифасида келади.

**Юмуш феъллари** — қилинмоқ, бажармоқ, экмоқ, ўрмоқ, пиширмоқ, ёпмоқ, термоқ, юрмоқ, тўғрамоқ, арчмоқ, киймоқ каби феъллар иш-ҳаракатнинг бирор юмушни бажаришга қаратилганлигини билдиради. Масалан: *Баҳорда экинлар экилади ва кузда ўрилади. Зарифа тикувчилик ҳунарини яхши эгаллаб, ҳар хил кўйлакларни тикмоқда.*

**Тафаккур феъллари** — *ўйламоқ, фараз қилмоқ, фикр қилмоқ, хаёл қилмоқ, хаёл сурмоқ, хаёлга чўммоқ, фикрламоқ* каби феълларда иш-ҳаракат бажарилган, балки ақлий ҳаракатни билдирадиган тафаккур қилишга қаратилганлигини билдиради. Масалан: *Зафар ўзининг қилган ишлари ҳақида хаёл суриб ўтирар экан, дўсти Санжарнинг келганлигини ҳам сезмай қолди.*

**Сезги феъллари** — сезмоқ, ҳис қилмоқ. У фарзандини уйга кирганини ҳис қилди.

**Руҳий ҳолат феъллари** — *хурсанд бўлмоқ, хафа бўлмоқ, вақти чоғ бўлмоқ, хушчақчақ бўлмоқ, шодланмоқ, қувонмоқ, ҳаяжонланмоқ, соғинмоқ, изтироб чекмоқ, ўксимоқ, алам қилмоқ, йиғламоқ, кўз ёш тўкмоқ* кабилар инсоннинг руҳий ҳолатини ифодаловчи феъллардир. Масалан: У онасини соғингани учун аччиқ-аччиқ кўз ёш тўкди.

**Нутқ феъллари** — *гапирмоқ, сўзламоқ, айтмоқ, демоқ, пичирламоқ, шивирламоқ, бақирмоқ, қичқирмоқ, чинқирмоқ, қийқирмоқ, қарғамоқ, гаплашмоқ, суҳбатлашмоқ, сўрамоқ, чақирмоқ,* каби феъллар иш-ҳаракатнинг инсон нутқида бажарилиш шаклларини билдиради. Масалан: *Ўқитувчи бир нарсаларни гапирарди, лекин унинг сўзлари қулоққа кирмасди.*

**Ишора феъллари** — *кўрсатмоқ, намойиш қилмоқ, қўл силкитмоқ, қўл кўтармоқ, имламоқ, кўзини қисмоқ, қошини учирмоқ, бошини сарак-сарак қилмоқ, бошни ликкиллатмоқ, бошни қимирлатмоқ, қўлини мушт қилмоқ* каби феъллар инсон ҳаракатининг имо-ишоралар орқали етказиш яъни новербал воситалар—сўзсиз. Масалан: *Қумри буви ўғлининг гапларидан ҳайратланар экан, гоҳ-гоҳ бошини сарак-сарак қилиб қўяр эди.*

**Жисмоний ҳолат феъллари** — *муштлашмоқ, тепмоқ, урмоқ, ер чопмоқ, югурмоқ, сакрамоқ, ирғимоқ, ўтирмоқ, эгилмоқ, энгашмоқ, юрмоқ, кўзини юммоқ, қўзини очмоқ, афтини буриштирмоқ, лабини бурмоқ* каби феъллар иш-ҳаракатнинг бажарилиш ҳолатини билдирувчи жисмоний ҳолат феълларидир. Масалан: *Мадина ойисининг келаётганини кўриб ирғиб ўрнидан турди-да, ойисининг олдига югурди.*

**Кўриш феъллари** — *кўрмоқ, томоша қилмоқ, тикилиб қарамоқ, қарамоқ, кўзи тушмоқ, тикилмоқ, разм солмоқ, кўз ташламоқ, кўзининг қири билан қарамоқ, бўйламоқ, қиё боқмоқ, кўзини югуртирмоқ* каби феъллар иш-ҳаракатни кўриш билан боғлиқ бўлган феъллардир. Масалан: *Севара дугонасига бошдан оёқ разм солди.*

***33-дарс учун таянч тушунчалар №1***

**1. Қўшма феъл.**

**2. Сўзларни қўшиб феъл ясаш.**

**3. Етакчи феъл.**

**4. Кўмакчи феъл.**

**Қўшма феъл** — қўшма феъллар турли хил маъноли икки ўзакнинг бирикувидан тузилади. Шунга кўра, улар икки хил кўринишда бўлади;

а) от + феъл—*таъзим қилмоқ, ғайрат қилмоқ;*

б) феъл + феъл—*олиб бормоқ, сотиб олмоқ.*

Сўзларни қўшиб феъл ясаш — қўшма феъллар синтактик йўл билан, яъни икки ва ундан ортиқ негизларнинг қўшилиши билан ҳосил бўлади: *ҳикоя қил, таъсир эт, ташкил қил, қабул қил, бошлаб юбор, ёзиб чиқ, ташлаб кет, очиб ташла, ўқий бошла каби.* Масалан:

*У ўзи ҳам маъносига етмаган ғалати бир аҳволга тушиб қолди.*

**Етакчи феъл-**етакчи феъл билан кўмакчи феълнинг қўшилишидан янги сўз, яъни қўшма феъл ҳосил бўлмайди, чунки улар биргаликда янги бир луғавий маънони ифодаламайди. Балки етакчи феъл ифодалаган маънонинг турли жиҳатларини англатади, чунончи, *ўқиди* дейилганда асосий маъно — ўқиш ҳаракати, *ўқиб турди* эса ўқиш ҳаракатининг давомийлиги, *ўқиб юборди* дейилганда ҳаракатнинг тўсатдан бошланганлиги ифодаланади. Етакчи ва кўмакчи феълнинг бирикишидан ҳосил бўлган ўқиб чиқди, ўқиб берди, ўқиб кўрди каби ҳаракатлар кўмакчи феълли сўз қўшилмаси деб юритилади.

**Кўмакчи феъл**— кўмакчи феълли сўз қўшилмалари шахс-сон, замон кўрсатгичлари кўмакчи феълда бўлади: *ёзиб ололган*, ёзиб олгансан. Ўзбек тилида фақат кўмакчи бўлиб келадиган феъллар йўқ. Қуйидаги феъллар ўз асл маъносидан ташқари, кўмакчи феълли сўз қўшилмаларини ҳосил қилиб, етакчи феълдан англашилган маънонинг турли қирраларини ифодалашга хизмат қилади, яъни кўмакчи феъл тарзида ҳам бўлади: *бошла, ёт,тур, юр, ўтир, бўл, ол, бер, қол, қўй, чиқ, кел, кет, юбор, ташла,сол, туш, ўт, ет, кўр, қара, боқ, ёз* каби.

***33-дарс учун таянч тушунчалар № 2***

**1. Бўлишли феъл.**

**2. Бўлишсиз феъл.**

**Бўлишли феъл** — феъллар бўлишли ва бўлишсиз шаклга эга. Феълнинг бўлишли шакли ҳаракатнинг бажарилиши ҳақида тасдиқни билдирса, бўлишсиз шакл эса ҳаракатнинг бажарилиши ҳақида инкорни билдиради. Бўлишли феъл иш-ҳаракатнинг амалга ошишини билдиради*: ишлади, ўқиди, ёзди.* Масалан: *Кумушбиби эрталабдан туриб сочларини ечди. Сочлари орасидаги чигилларни диққат билан тараб жом ёнига ўтирди.*

**Бўлишсиз феъл** — феълнинг бўлишсиз шакли қуйидагича ҳосил бўлади:

1. Феъл негизига *-ма* инкор қўшимчасини қўшиш билан. Масалан: *Йигит ишнинг маромини унутгандай, эркин ва тез ишлай олмади.*

2. Феълнинг сифатдош шакли билан йўқ, эмас сўзларининг бирикишидан бўлишсиз шакл ҳосил қилинади. Масалан: *Ҳеч ким сизнинг ҳақ-ҳуқуқингизни поймол қилаётгани йўқ.*

1.*на..., на...*инкор боғловчиси билан бўлишли феълнинг алоқасидан бўлишсизлик ифодаланади. *На ўқиди, на ёзди*. Бу боғловчи уюшиқ бўлаклар олдидан келиб, гап шакл жиҳатдан бўлишли бўлса ҳам, унинг умумий мазмунини инкор этади. на...,на...боғловчиси инкор маъноли гаплар таркибида келса, бўлишсизлик маъносини янада кучайтиради. Масалан: На зулмат,на бўрон, на офат, на ўт. Тўсолмас ҳақиқат, Ҳурлик йўлини.

***35-дарс учун таянч тушунчалар***

**1. Ёрдамчи сўзлар.**

**2. Кўмакчилар.**

**3. Соф (асл) кўмакчилар.**

**4. Вазифадош кўмакчилар**.

**Ёрдамчи сўзлар** — кўмакчи, боғловчи ва юклама ёрдамчи сўз туркумларидир. Ёрдамчи сўзлар ўзича якка ҳолда маъно англатмайди, гап бўлаги бўла олмайди. Улар мустақил сўзлар ва айрим гаплар орасидаги муносабатни англатишга хизмат қилади, сўзга ва гапнинг мазмунига турли қўшимча маънолар қўшади. Ёрдамчи сўзларнинг маъноси нутқда англашилади. Масалан: *У ёмғир ёққани учун бора олмади* (сабаб маъноси билан боғлиқ).

**Кўмакчилар** — сўзлар орасидаги турли-туман муносабатларни ифодалашга хизмат қилади. Кўмакчилар одатда ўзи боғланиб келган сўздан кейин келиб, хилма-хил маъноларни англатади, у сўзнинг маъносини тўлдиради.

Кўмакчилар маъно ҳамда вазифа жиҳатидан келишик қўшимчаларига яқин туради. Шунинг учун баъзан келишик шакллари билан англашилган маъно кўмакчи билан ҳам ифодаланади: *машинада келдим, машина билан келдим*. Лекин булар келишик қўшимчаларига қараганда маънони аниқ ифодалайди. Кўмакчилар маъно жиҳатдан бир хил эмас. Шунга кўра кўмакчилар дастлаб иккига бўлинади: соф кўмакчилар, кўмакчи вазифасидаги сўзлар.

**Соф (асл) кўмакчилар** — гап ичидаги бошқа сўзлар билан бирга келгандагина ўзига

хос қўшимча маъноларни англатади. Соф кўмакчилар морфологик таркибига кўра қайси сўз туркумидан келиб чиққанлигига қараб учга бўлинади: асл кўмакчилар, от кўмакчилар, феъл кўмакчилар.

Асл кўмакчилар: *билан, учун, қадар, сари, сайин* кабилар. Булар ўз лексик маъноларини йўқотган бўлиб, бошқа сўзлар билан бириккан ҳолда турли муносабатларни англатади. Масалан: *Анвар юзидаги кулгини яшириш учун четга қаради.*

**Вазифадош кўмакчилар** — кўмакчи вазифасида қўлланувчи сўзлар, асосан, мустақил маъноли сўз бўлиб, маълум ўринларда кўмакчи бўлиб келади. Кўмакчи ўрнида қўлланувчи сўзлар одатда жўналиш, чиқиш ва ўрин-пайт келишиги билан турланган ва ўзидан олдин келган сўзга нисбатан қаралмиш ҳолатида бўлади. Кўмакчи вазифасида қўлланувчи сўзларга: *аввал, кейин, сўнг, илгари, бурун* каби равишлар, эгалик ва келишик қўшимчалари билан қўлланган *ён,ост, уст, ич, тепа, ўрта, орқа, таг* каби отлар, *қараганда* сифатдоши, қараб, бўйлаб каби равишдошлар киради.

## Пирамидамизнинг тўқизинчи поғонаси «Матнли ўқитиш технологияси» дейилади

Бу технология маҳсулдор усуллардан ҳисобланади. Талабаларнинг тафаккурини ўстириш ва ижодий изланишга ўргатиш мақсадида дарсликда ижодий характердаги машқлар берилган. Машқларнинг шартида маълум мавзулар асосида матн тузиш талаби қўйилган. Бундай ижодий машқлар талабанинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстириш, тафаккурини ривожлантириш билан бирга дарсга бўлган қизиқишларини орттиради.

Методист олим С.В. Калинина ўқувчиларнинг монологик баёнга ўргатиш концепциясини ишлаб чиққан. У «Умумтаълим мактабининг вазифаси ўқувчиларда ўз фикрларини боғланишли ва мантиқий баён қилиш малакасини шакллантириш йўлида пойдевор қўйишдан иборат»[1] деб айтган.

Биз ҳам юқоридаги фикрларга қўшилган ҳолда академик лицейларда мантиқий баён қилиш эмас, балки мантиқий фикрлашга ўргатишни вазифа қилиб қўямиз.

Дарсликда талабаларга бериладиган матнли топшириқларда тасвирланган воқеа-ҳодисаларни идрок қилиш, моҳиятини англаш, муносабат билдириш каби муҳим дидактик мақсад сари йўналтирилган.

Хўш, матн ўзи нима? Нега она тили ўқитишда гап тузишдан кўра маъқулроқ деб матнни танлаб олдик. Чунки матн тузишда фикрлаш, фикрни баён қилиш тартиби бўлади, тизимлилик яққол кўзга ташланади. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да матнга шундай изоҳ берилган:

1. Ёзилган, кўчирилган ёки босилган, ижодий, илмий асар, нутқ, ҳужжат ва шу каби ёки уларнинг бир парчаси ...Талабалар матн тузаётганда гаплар ўртасида боғланиш баъзан бўлмайди. Бунинг учун эса нутқни тартибга солувчи умумлашма ҳосил қилиш хусусияти бўлмоғи керак. Ҳақиқий сўзлаш, фикрлаш маҳорати матнда намоён бўлади.

Берилган матнлар фақат таълимий аҳамиятга эга эмас, балки талаба матнни ўқиб, ундан мустақил равишда тегишли хулоса чиқаришни талаб этади. Дарсликда берилган айрим матнли машқларни қандай бажартириш мумкинлиги ҳақида тавсиялар, йўл-йўриқлар бериб ўтамиз, жумладан:

*12-машқ. Амир Темур ўгитлари мавзусида ҳикояли матн тузинг. Ундаги сўзлар таркибида келаётган ундош товушларга диққат қилинг.*

Бу машқни қуйидагича бажартириш мумкин.

## АМИР ТЕМУР ЎГИТЛАРИ

[1] (Калинина С. В.К концепции обучения монологическому всказыванию. РЯ0НШ. 23 -бет).

*Биз ким— мулки Турон,*
*Амири Туркистонмиз.*
*Биз ким— миллатларнинг*
*энг қадими ва энг улуғи*
*Туркниг бош бўғинимиз.*
**Амир ТЕМУР**

Амир Темур—буюк шахс. Кураги ерга тегмаган саркарда, йирик давлат арбоби, қонуншунос, меъмор, нотиқ, руҳшунос, шунинг билан бир қаторда эл юртни севган ва уни жаҳонга танитган, машҳур қилган инсон ҳисобланади.

Буюк шахснинг мушкулу ташвишлар уммонига ғарқ бўлган ҳаёти ва фаолиятини жуда қисқа ва умумий тарзда баён қилиб бўлмайди. Амир Темур тарихи кўп жилдлик китоблар ёзишга арзийди.

Амир Темурнинг тарих олдидаги хизматлари бениҳоя каттадир.

Биринчидан, у мамлакатда кучайиб кетган феодал тарқоқликка барҳам бериб, марказлашган йирик феодал давлатга асос солди.

Иккинчидан, ўзи билибми, билмайми, лекин бир қатор халқлар ва юртларга мустамлакачилик зулмидан озод бўлишида ёрдам берди.

Амир Темур замонида ёзилган бир қатор асарларни ўқир эканмиз, унинг кўп яхши сифатлари билан танишамиз. Ана шу келтирилган асарларда соҳибқироннинг ибратли панд-насиҳатлари ва ўгитларидан ҳам унинг кимлигини билиб олса бўлади. Булар эл-юрт ва фуқаронинг ташвиши, раиятпарварлик, меҳр-мурувват, қўшничиликка риоя қилиш ва ниҳоят, мардлик ва қаҳрамонлик ҳақидаги ҳаётий ўгитлардир.

Жумладан, у айтадики: «раият аҳволидан огоҳ бўлдим, улуғларни ота қаторида, кичикларни фарзанд ўрнида кўрдим».

«Адлу эҳсон билан жаҳон гулшани обод бўлади», дейди. Яна айтадики: «Кечира олишлик мардлик, кечира билмаслик номардлик саналади»[1].

«Қонни қон билан эмас, сув билан ювишни ўрган».

Юқорида келтирилган фикрлар шунчаки оддий жумлалар эмас, балки буларнинг остида олам-олам маъно ётади.

Бизга маълумки, Амир Темур ислом динига яхши муносабатда бўлган. У намоз ўқиган, Қуръонни ёддан, ҳаттоки тескари тарафидан ҳам ўқий олиш қудратига эга бўлган. Бунинг исботи сифатида қуйидаги жумлаларни келтиришимиз мумкин. Яъни, «Бирор ишни қилмоқчи бўлсам, кенгашиб олиб, кейин Қуръондан фол очардим ва Қуръон хукми билан иш қилур эрдим».

«Мен салтанатимни дину ислом, тузуклар асосида мустаҳкамладим. Салтанатни бошқаришда учраган ҳар қандай воқеа ва ишни тузук асосида бажардим», дейди.

Яна ўгитларидан бирида айтадики: «Мусулмонларга диний масалалардан таълим бериб, шариат ақидалари ва ислом дини илмлари: тафсир, ҳадис, фиқҳдан дарс беринглар деб, ҳар бир шаҳарга олимлар ва мударрислар тайин қилдим».

Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтиш жоиз. Амир Темур турли адабиётларда қаҳрли, салобатли, қонхўр қилиб кўрсатилган. Лекин унинг айтган ўгитларига назар ташлар эканмиз, аксинча, Амир Темурнинг қалби тоза, кўнгли юмшоқ инсон бўлганлигига амин бўламиз.

У айтадики: «Кимки Муҳаммад динини қўллаб-кувватласа, сен ҳам уни қўллагил, Муҳаммад динини хор қилса, сен ҳам уни хор тутгил».

Амир Темур ўгитлари бугунги кунда жуда катта аҳамият касб этади.

«Курашиб эришилмаган ғалаба, ғалаба эмас», дейди бир ўгитида. Дарҳақиқат, бирор нарсага эришиш учун бел боғладими, албатта курашиш керак, шу нарсага эришиш йўлида қанчалик даражада қийинчилик кўрса, ана унинг охири ширин бўлади.

Темур ўгитлари ичида шундай бир ибратли ўгит бор. «Адоват эмас, адолат енгади».

[1] «Ўзбек тилининг изоҳли луғати», 2 жилдли З.М.Маъруфов таҳрири остида. М.Русский язык, 1981 й..1т. 632 бет

Бу фикрни ҳеч ким инкор қила олмайди. Чунки ҳеч бир кимса, бировга зинҳор адоват қилмаслиги лозим.

Амир Темур ёзма манбаларга катта эътибор қаратади. Бу ҳақда у шундай дейди: «Ёзилган нарса авлодлар хотирасида қилинган ишдан ҳам узоқроқ яшайди». Шунинг учун ҳам у деворларга, бинолар пештоқига пурмаъно ҳикматларга эга бўлган фикрларни ёздириб қўяди. Шунинг учун ҳам улар шу кунга қадар тилларда достон.

Бундан ташқари Амир Темур ўгитлари ўзбек халқ мақолларига уйғун тарзда айтилган. Жумладан:

«Яхши отга бир қамчи, ёмон отга минг қамчи».

«Яхши одам юрт тузар, ёмон одам юрт бузар» .

«Ота бўлмаган, ота қадрини билмас».

«Бугунги ишни эртага қолдирма».

«Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукур».

Ушбу ўгитлар бежиз айтилмаган, албатта. Агар ҳар бир киши шу ўгитларга амал қилса, мағзини чақса, ҳеч қачон хор-зорлик кўрмай, умри зиёда бўлади.

**41-машқ.**

*«Зумрад баҳор» мавзусида халқ шеваларига ҳамда адабий тилга асосланган иккита матн тузинг. Иккала матннинг фарқини тушунтиринг.*

## ЗУМРАД БАҲОР

### (Халқ шевалари асосида)

Эҳ, кунам ўтавераркан, рўзғор ташвишлари билан ўралашиб баҳор келиб қолганини билмабмиз. Бодом аллақачон гуллабди. Қолган дарахтлар эндигина найча солибди. Қуёшнинг нури ҳар хил тегади, шекилли, бирарги найчалар бўқон, бираргилари митти. Кузда қадалган буғдой анча ўсиб кетибди, қўйларни буғдойзорга ҳайдаб, уст-устини едириш керак. Бўмасам буғдой ўсиб кетиб, яхши ҳосил бўлмайди. Баҳор келиб, яйдоқ адиримиз росса чиройли бўб кетгандир. Бир айланиб келиш керакда. Ҳозир мозор олдидаги яланглик росса лолалар билан тўлган бўлса керак. Лола териб мазза қилиш қандай яхшия. Адирдан пастга қараганда ям-яшил ўтлар уйимизнинг томидан ҳам бурун кўринади. Узоқдаги тоғлар яқин кўриниб, қоригача бемалол кўринади. Даладаги, ариқ бўйидаги отқулоқ, жағ-жағ, бедадан қилинган сомса, чучвара роса қувват бўлади. Худонинг куни иккита уйнинг бирида ё кўк сомса, ё кўк чучвара бўлади. Ҳа, энди дала тўла кўк, текин бўлса, кўкатларам ғанимат, янаги баҳоргача кўкатларниям соғинамиз. Эҳ! Ўзи баҳор бошқача-да. Худди тананг яйраб кетади. Худо «ол қулим»деб насиб қилса, янаги баҳорга соғ-омон, бола- чақа билан, соғ-саломат етайлик.

## ЗУМРАД БАҲОР

### (Адабий тилга асосланган матндан намуна)

Олам яралган экан, унда ҳаёт бор. Ҳаёт жуда ҳам гўзал. Унда яшаш нақадар завқли! Борлиқ эса мўъжизаларга, сирларга тўла. Табиатнинг ҳар бир манзарасида ўзига хос гўзаллик акс этган. Сиру асрорларга бой бўлган баҳор юракларни жунбушга келтириб юборади.

Баҳор уйғониш фаслидир. Қишнинг аёзли кунларида бутун олам аста-секинлик билан уйғонади. Бетакрор табиатни кўриб кўз қувнайди. Юз- қўлларини аёзнинг оппоқ қорлари ила ювган дарахтлар янги куртак туга бошлайди. Она заминимиз узра саховатли қуёш ўз нурларини ўт-ўланлар, дарахтлар ва инсонларга улашмоқда. Қуёшнинг иссиқ тафти ила жажжигина куртаклар япроққа айланади. Дилбар табиатнинг мурувват билан ям-яшил япроқчалар майин шамол қўйнида эркаланади. Нозиккина жуссалари билан бир-бирларини силаб, сийпалайдилар, шўхлик қилиб ҳовлиқадилар. Сиз ана шундай манзарани хеч бир кузатганмисиз? Диққат билан қулоқ тутинг. Япроқлар бизга нималарни шивирлаётган экан? Нақадар майин куй. Туйғуларни қитиқлар, орзу-умидга етакловчи куй. Гўёки бу оромбахш

куй узоқ-яқиндан эшитилаётган қўйларнинг маърашию, қушларнинг сайрашига жўр бўлаётгандек. Бу ҳамоҳанглик эса сизу бизни борлиқ қўйнида сайр қилишга чорлайди. Гўзал табиатнинг дилбар лавҳаси бўлмиш баҳор инсон қалбига ажиб туйғулар тақдим этиб, кўнгилни ёшартириб юборади. Қиру адирлар, далалар яшил тўнини кийиб, инсонлар вужудига хотиржамлик олиб келади. Интизорлик билан кутилган баҳордан қабристондаги майсалар, ариқ бўйидаги ялпизлар, қалдирғочларнинг сайрашлари илк дарак беради. Бу элчиларнинг таърифига тил ожиз. Қизларнинг лабидек қип-қизил лолалар қирларнинг қўйнида лов-лов ёнади. Бепоён кенгликда бўй чўзган бинафша ажиб бир ҳис уйғотади кишида. Баҳорнинг илиқ кунларида ажойиб байрамларни нишонлаш биз учун одатий воқеадир. Гўзал фаслнинг байрамлари албатта катта тантаналар билан ўтади. Дастлаб 8 март Оналаримиз байрами зўр шодиёналар билан ўтказилади. Баҳорнинг ушбу кунида қиз-жувонларимиз янада лобар бўлиб оладилар. Бу гўзаллик баҳор билан уйғунлашиб, бетакрор мўъжизани кашф этади. Ота-боболаримиздан «Ҳамал кирди—амал кирди», деган нақл мерос бўлиб қолган. Ҳамал ойининг илк кунида халқимиз янги кун байрамини кенг нишонлайди. Наврўз—эзгулик байрами. У инсонларга меҳр-муҳаббат, саховат, шижоат улашади. Баҳорнинг кўрки бўлмиш Наврўз байрами албатта ширин таомларсиз ўтмайди. Жумладан, сумалак, ҳалим, ҳолвойтар, кўк сомса, кўк чучвара, манти каби таомлар байрам кўркига кўрк, ҳуснига ҳусн қўшади. Байрамда қувончу шодликка тўла дилларни кўриб кўз қувнайди. Оила ташвишларидан бироз ҳориган кишилар кўнглида ажиб бир туйғулар пайдо бўлиб янги-янги ниятлар оғушига ўзини отади. Айниқса, деҳқонларнинг шижоат билан, ҳосилга умид боғлаб иш бошлашлари кўзни қувонтиради. Баҳор ёмғирини ҳамма-ҳамма жуда-жуда севса керак. Баҳор ёмғирисиз мўъжизалар бўлмайди. Ёмғир ёққандан сўнг осмонда пайдо бўлган камалакнинг жилвакор ранглари ажиб бир эҳтирос уйғотади кишида. Осмоннинг севинч ёшларидан тоза бўлган табиат янада мафтун этади. Бизнинг уйғониш, яшариш, янгиланиш фасли бўлган баҳоримизга илоҳим кўз тегмасин.

Дарсликнинг 163-саҳифасида 222-машқ берилган бўлиб, унда матн тузиш талаб этилади, ана шу матнлардан бирини қандай ёритиш мумкинлиги ҳақида кўрсатиш мақсадида матндан намуна берамиз.

## ҚЎШМА КОРХОНАЛАР ҲАЁТИДАН

Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритган кундан бошлаб, жаҳондаги нуфузли давлатлар билан ҳамкорлик қилиш йўлидан борди.

Ўзбекистон Республикаси биринчи навбатда Яқин ва Ўрта Шарқ ҳамда араб мамлакатлари билан муносабатлар ўрнатишга киришди. Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов давлатлараро ҳамкорлик қилиш мақсадида бошқа давлат раҳбарлари билан учрашувлар, расмий ташрифлар ташкил этди. Бу учрашув ва ташрифлар мамлакатимизнинг кундан кун ўсиб, ривожланиб боришига катта таъсир кўрсатди. Ўтган ўн йил ичида мустақил давлат сифатида халқаро миқёсда тан олиниши, иқтисодий юксалишларнинг аҳамиятини ҳар бир фуқаромиз кўриб билиб, ҳис қилиб турибди.

Ўзбекистон иқтисодиётига биринчи бўлиб туркияликлар 1,5 миллиард АҚШ доллари ҳажмида сармоялар киритди. 200 га яқин қўшма корхоналар барпо этилди. «Коч холдинг», «Айсел», «Антекс» шулар жумласидандир. Покистон сармоялари иштирокида Ўзбекистонда 120 та қўшма корхона тузилди. «Табаний», «Меркурий», «Метро», «Лаксан», «Барака» каби 19 та йирик фирма ва компаниялар фаолият кўрсатмоқда.

1992 йил март ойида Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасида дипломатик алоқа ўрнатилди. Шундан сўнг Жанубий Кореядаги ДЭУ корпорацияси раҳбарияти билан Асакада автомобиль заводи қурилди. 1996 йил 25 март куни автомобиллар ишлаб чиқаришни бошлаб юборди.

Бундан ташқари Ўзбекистонда Япониянинг дунёга машҳур «Митсун», «Митцубийси корпорейшн», «Сумитото корпорейшн», «Томен корпорейшн», «Чорий» каби компанияларининг доимий ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, Ўзбекистонда 1996 йил америкалик сармоядорлар иштирокида 200 та Ўзбек-Америка қўшма корхоналари ташкил топди ва фаолият кўрсатмоқда. Булар жумласига Навоий вилояти

Зарафшон водийсидаги Мурунтовда АҚШ корпорацияси билан ҳамкорликда тоғ жинсларидан олтин ва кумуш ажратиб олувчи «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонаси ташкил этилди. Ҳозирги кунда республикамизда хорижий сармоя иштирокида барпо этилган 3200 та қўшма корхона жаҳондаги 80 мамлакатдан келган шериклари билан биргаликда фаолият кўрсатмоқда.

Умуман, Ўзбекистонда тарихий жиҳатдан қисқа бир даврда ҳалқаро муносабатларни йўлга қўйиш ва ривожлантириш бобида бир неча ўн йилликларга арзийдиган ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон ўзининг тинчликсевар, яхши қўшничилик, ўзаро фойдали ҳамкорликка қаратилган сиёсати ва фаолияти билан бутун дунёга танилди, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади, унинг мавқеи йилдан йилга мустаҳкамланиб бормоқда.

## БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

Ўзбекистонда ҳозирги пайтда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мақсади — бу иқтисодиётда бозор тизимларини шакллантириш, солиқ, молия ва пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш, ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштиришдир. Бу муаммоларни тўла-тўкис ҳал қилиш ёшларнинг, яъни бизларнинг зиммамизга тушади.

Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш бозорнинг кўп бўғинли инфраструктурасини яратишни талаб қилади. Чунки инфраструктурага эга бўлмасдан бозор механизмлари тўлиқ ишлай олмайди. Бозор инфраструктураси бозор алоқаларини ўрнатишга ва самарали юритишга хизмат қилувчи корхона, ташкилот ва муассаса мажмуасидир. Бу инфраструктура беш бўғиндан иборат, яъни: ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи инфраструктура, товарлар ва хизматлар муомаласига, яъни савдо-сотиқ ишларига хизмат қилувчи инфраструктура, молия-кредит муносабатларига хизмат қилувчи инфраструктура, аҳолига хизмат қилувчи ахборот хизмати. Гарчи ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи инфраструктура бозор иқтисодиётидан олдин ҳам мавжуд бўлган бўлса-да, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида уларни тижоратчилик йўлига ўтказишга тўғри келади. Энди улар яхши ишлаб пул топиши ва ўз-ўзини молиялаштириш йўлига ўтказилади.

Бозор инфраструктурасини бирданига яратиб бўлмайди. Бу анча узоқ давом этадиган ва мураккаб жараён бўлиб, уни барпо этиш ҳам аста-секин ва босқичма-босқич амалга оширила борилди. Бу борада жуда кўп ишлар амалга оширилди. Масалан: Давлат таъминот қўмитаси ўрнига, 1992 йил 28 февралда Республика улгуржи ва биржа савдоси акциядорлик уюшмаси тузилди. Бунинг таркибига: республика акциядорлик товар хом ашё биржаси, республика акциядорлик биржа банки, ҳудудий акциядорлик тижоратчи воситачи компаниялар киритилди. Ўзбекистон савдо вазирлиги ўрнига, 1992 йил 5 майда Ўзбекистон давлат акциядорлик «Савдо» ассоциацияси тузилди. «Ўзбек бирлашув» бирлашмаси ўрнига, «Ўзбекбирлашув» ассоциацияси ташкил этилди. 1994 йилдан бошлаб кредит ресурслари бозори фаол ишлай бошлади. Молия бозорида акциядорлик жамиятлари сифатида иш олиб борувчи давлатга қарашли бўлмаган қирқдан ортиқ суғурта компанияси фаолият кўрсатмоқда. Республикада иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичида ишсизлар кўпайишига йўл қўймаслик мақсадида 240 дан ортиқ меҳнат биржасини ўз ичига олувчи катта тармоқ тузилди.

Бу эса мустақил Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнашига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бозор инфраструктурасига бугунги кунда ҳам жуда катта эътибор берилмоқда. Айниқса, аҳолига хизмат қилувчи ёки социал инфраструктура инсонларга жуда катта хизмат кўрсатмоқда. Чунки аҳолига хизмат қилувчи ёки социал инфраструктурага уй-жой, коммунал ва транспорт хизмати, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, аҳолини ишга жойлаштириш фирмалари ва идоралари киради.

Бозор инфраструктураси бозор иқтисодиёти учун хизмат кўрсатувчи ҳар хил соҳалар ҳисобланади. Булар жумласига кирувчи тижорат банклари, биржалар, аукционлар, савдо уйлари, ташқи савдо фирмалари, давлатнинг ташқи савдо маҳкамалари, божхоналар, солиқ идоралари, тижорат ва соҳибкорлик идоралари жуда ривожланиб бормоқда ва халқимизга хизмат кўрсатмоқда. Бу эса мамлакатимизнинг янада ривожланиб бораётганидан далолат беради.

II босқич дарслигидаги 43-машқда шундай шарт берилган. Қуйидаги фикрларнинг мағзини чақинг, уни мисоллар билан тушунтиринг.

*Халқ тили адабий тилимизнинг ички озиқлантирувчи ҳаётбахш манбаидир. Халқ тилига асосланган адабий тил қотиб қолган эмас, у ўзгаради, бойиб боради ва такомиллашади.*

Юқоридаги фикрни ойдинлаштирувчи матндан намуна берамиз:

Адабий тил умумхалқ тилининг ишланган, сайқалланган ва маълум меъёрга солинган шакли. Адабий тил ўзбек халқининг моддий эҳтиёжи ва талабларини қондиришга хизмат қиладиган миллий адабий тилдир. Адабий тилнинг ривожланишида халқ шевалари муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, ўзбек тилининг лаҳжалари орасида қарлуқ-чигил лаҳжаси ўзбек адабий тилининг таянч шевалари ҳисобланади. Қипчоқ шеваларининг адабий тил лексикасини, ундаги чорвачилик атамаларининг ривожланишида адабий тилнинг услубий имкониятларини кенгайтиришда ҳам ўзига хос ҳиссаси бор. Масалан, қирқим, оқсоқол, туёқ каби умумий ва чорвачилик атамалари, оқпатир, кулчатой сингари пазандалик атамалари ва отни қамчиламоқ, яхши отга бир қамчи каби иборалар қипчоқ шеваларининг ҳаммасида кенг қўлланилади.

Ҳақиқатан ҳам халқ тилига асосланган адабий тил қотиб қолган эмас. Бу вақтлар ўтиши щамда замон ўзгариши натижасида ўзгариб боради. Бундан ташқари, ўз ички имкониятлари асосида тилда пайдо бўлаётган янги сўзлар асосида бойиб боради.

Юқоридаги фикрларнинг мағзини чақиш учун албатта талаба микроматнга мурожаат қилади, яъни жавоб қуйидагича бўлиши мумкин: матн берилади ёки 72-машқ (II босқич) ни талабаларга қуйидагича бажартириш мумкин:

72-машқ. Бобораҳим Машрабнинг «Сажда айлар зоҳид ул меҳроб аро, Мен қилурман сажда эгма қошина» иборасини нима учун синекдохага мисол бўла олишини исботланг. Сўнг мумтоз шеъриятда ой юз, қора кўз, оқ билак, сарв қад каби атамаларнинг ёр, дилдор маъноларида ишлатилганлигига мисол келтиринг, уларнинг маънолари устида фикр юритинг.

Синекдоха ҳодисаси бир нарсанинг номи билан унинг бирор қисмини аташ ёки аксинча, қисмнинг номи билан шу қисм мансуб бўлган бутунни аташ орқали ҳосил бўлади.

Юқоридаги байтда Машраб ошиқнинг маъшуқага бўлган муҳаббатини, ишқини гўзал ташбеҳлар орқали ифодалаб беради. Яъни зоҳид меҳробга минг бора эгилиб, сажда қилса, мен сенинг эгма қошингга сажда =иламан, деб мурожаат қилади. Иккинчи мисрадаги «эгма қош» ибораси гўзал ёр, маъшуқа тимсолини ифодалаб беряпти.

Ул қаро кўз ҳажрида тундир, қародир кундузим,
Ёраб, мундоқ кунни ул кўзи қаро кўрсатмагай.

Байтда «Қаро кўз» бирикмаси маъшуқани тасвирлашга хизмат қилган.

Кеча келгумдир дебон ул сарви гулрў келмади,
Кўзларимга кеча тонг отгунча уйқу келмади.

Бу байтда ҳам «гулрў»гул юзли бирикмаси орқали ёр тасвирланган.

Яратилган дарсликда бир қанча матнга оид"(матн тузиш, матн мазмунини изохлаш, матн асосида бахс-мунозара ўтказиш кабилар) машқ ҳамда топшириқлар берилган. Ана шу топшириқларни қандай бажартириш мумкинлиги хақида услубий йўриқлар бериб ўтамиз. Жумладан, дарсликда (II босқичда)ги 338-машқ «Хуш калом камолдир» деб номланади. Дарсликнинг 174-саҳифасидаги «Нима учун бир тил 32 посбон ичига олинган» номли матн тузиб, уни бахс-мунозарага айлантириш; 378-машқни, яъни Юсуф Хос Ҳожибнинг қўйидаги байтини бахс-мунозарага айлантириш:

Тил арслон турур, кўр, эшикда ятур, Ая, эвлуг, арсиқ бошинг еюр.

(Мазмуни: Тил ҳовли (қафас)да ётган арслон кабидир. Эй, уй эгаси, қафасдаги маккор вахший бошингни ейди) ёки 234-бетдаги топшириқ, яъни «Сен хам, сиз хам бир оғиздан чиқади...» мавзусида матн тузинг, каби топшириқли матнлар берилган бўлиб, қуйидаги «Хуш калом камолдир» мавзусига монанд яратилади.

## ХУШ КАЛОМ КАМОЛДИР

Ҳазрати инсон!.. Оламда унданда мукаммалроқ, унданда баркамолроқ яна нима бор?!

У дунё қувончию ташвишларининг, дардларининг ягона манзилидир. У ҳамиша ҳаёт лаззатларига ташна умр кечиради. Ўзи учун щар бир одамдан бахт, фароғат ахтаради. У ўзининг осойишта ҳаёти учун нимагадир интилади, кимгадир ишонади. Инсон щам жисмонан, ҳам руҳан етук зот. Инсонни бошқа тирик мавжудотлардан ақли ва тили ажратиб туради. Инсон одобини, хулқ — атворини кўз-кўз қиладиган, айни чоғда қилич тиғидан кескир, илон заҳридан ўткир, алал-хусус, болдан ширин тил инсон учун жуда қадрлидир. Доно халқимиз сўзлаш қоидаси, тилга эҳтиёт бўлиш, щар бир сўз, ҳар бир жумлани ўйлаб гапириш, сўзлаш одоби ва маданияти ҳақида ҳам жуда кўп ибратли ҳикматлар айтган. Жумладан:

— Нега тишлайсан? — деди Тил, дудуқланадудуқлана Тилга.

— Учидан озгинасини узиб ташламоқчи эдимда, — жавоб цилди Тиш.

— Нимаучун, гуноҳим нима?

— Шунинг учунки, кўринганга заҳрингни сочасан, барча сендан безор. Сал қисқартириб цўйсам, ширинроқ бўлсанг.

Қиссадан ҳисса шуки, тилнинг заҳрижоннинг азоби, экан.

Донишмандлар «Яхши сўзжон озиғи», дея бежиз айтмаган. Ҳа, инсоннинг ички дунёси, маънавий қиёфаси, хулқатвори, муомаласи, одобахлоқи, маданияти унинг тили орқали зуҳур этилишини отабоболаримиз яхши билишган. Шу боисдан ҳам кишиларни ҳар вақт, ҳар ерда хуш калом бўлишга ундашган. Кимки бошига нимаики тушса, тилидан келади. Шундай экан, инсон қай вазият, қай шароитни кўзламасин, биринчи навбатда, оғзидан чиқаётган

сўзининг маъносига, самимийлигига аҳамият бериши зарур. «Яхши гапга илон инидан, ёмон гапга пичоқ қинидан чиқади», дейишадику?! Ушбу фикримнинг исботи учун қуйидаги ривоятни келтираман:

Ибн Сино вояга етиб, уйланиш вақти соати келибди. Отаонаси унга жуда кўп қизларни кўрсатишибди. Қизларнинг ҳқеч бири Ибн Синога маъқул бўлмабди. Қўшни қишлокда шаккок, тили заҳ.ар, қайсар бир қизга уйланиш фикрида қатьий туриб олибди. Отаонаси ноилож рози бўлишибди. Орадан қеч қанча вақт ўтмай, қиз ҳамма кўрса ҳавас қилгудай одобли, ширин сўз уй бекасига айланибди. Эшитганлар қулоғига, кўрганлар кўзига ишонмас эмиш.»Ибн Сино хотинини урибсўкиб, дўқпўписа билан эгиб олибди», деган гап тарқалибди. Қизнинг отаонаси қизидан бу воқеанинг сабабини сўрашибди. Қиз бундай жавоб берибди: «Ширин тили ва хуш каломи билан мени камолга етказди». Дарҳақиқат, маицур табиб Ибн Синонинг ҳам энг яхши кўрган доридармони ширин тилу, хушмуомалалик экан.

Инсоннинг тилигина унинг ички дунёсини, маънавий гўзаллигини кўзкўз этади. Бир оғиз ширин сўз билан, х_атто, ўлим тўшагидаги бемор ҳам тузалиб кетиши мумкин ва, афсуски, бир оғиз иғво сўз инсоннинг маънавий дунёсини оёц ости қилади, топтайди. Отани болага, устозни шогирдга қарамақарши қилиб қўяди, дўстни эса душманга айлантиради. Одамийлик қадрқимматини бир пулга чиқаради. Тангри яратган энг улуғ неъмат инсоннинг бевақт хазон бўлишига олиб келади. Ҳаётнинг гўзаллиги ва дилраболигининг қадрига етмайдиган инсон ҳамиша тилини дағал тутади. Ҳайриятки, тили ширин инсонлар орамизда талайгина. Келинглар, азиз дўстлар, ўзаро меҳрмуҳаббатимизни, бирбиримизга ширин муомаламиз ила изҳор айлайлик. Зеро, қуёшсиз гул унмаганидек, ширин сўзсиз ҳаёт татимайди.

Она тили таълимида матн тузиш, аникроғи, фикрни матн тарзида баён этишга ўргатиш муҳим аҳамият касб этади, чунки фақат матн таркибидагина бирор бир маънони мақсадга мувофиқ равишда тўлатўкис ифодалаш мумкин. Анъанавий методикада эса асосий эътибор гап тузишга қаратилиб, кўпинча, ўқувчиларнинг ижодий фикри гап тузиш билан чегаралаб қўйилган. Бу эса билим олувчиларни манзилга етказмай, ярим йўлда тўхтатиб қўйиш билан барабордир. Шунинг учун ҳқам биз дарсликда матн тузишга оид топшириқлар ҳамда намуналар бериб ўтдик.

Маълумки, матн тузиш учун ўқув дастуридан бир неча соатлар ажратилган бўлиб, бу ҳар бир талабанинг ёшига, билим савиясига қараб мураккаблаша боради.

Таълим жараёнида матн устида ишлашда, асосан, қуйидагилар эътиборга олинмоғи

даркор:

а) имловий ва пунктуацион малакаларни пухта эгаллашга йўналтирилмоғи;

б) зарурий атамалар устида ишлашга қаратилмоғи;

в) бўёқдор сўзлар, фразеологик бирикмалар, тасвирий ифодалар, ҳикматли сўзлар, мақол ва маталлар асосида матн тузишга эътиборни жалб қилмоқ лозим;

г) ўзбек адабий тилининг бой ифода воситалари Х.ар тарафлама кенг ва чуқур ўргатилмоғи;

д) она тилининг ўзига хос жиҳ_атларини ўр атиш, уларда тилнинг бой ифода воситаларидан нуткда ўринли ва унумли фойдалана олиш кўникмалари шакллантирилмоғи;

е) матнлар орқали талабаларда гўзал ҳиссиёт, нафосат туйғуси, талабанинг маънавий ва маърифий билими ошишига эътибор қаратилмоғи даркор.

Биз юцорида дарсликда бершган топшириқларни қандай бажаришмумкинлигини охирги саҳифаларга ўтказган эдик. Шунинг учун ана шуларни қандай бажариш мумкинлигини кўрсатиб ўтамиз.

Топшириқларнинг қандай бажарилишидан намуналар

2дарс

2.1. Адабий гпил

Ҳар миллатнинг тарацщийси илм ила, нодон халцнинг кўз ёши маржон эмиш.

(А.Авлоний)

Гапдаги сўзларни изоҳлаб, адабий тил х_ақида фикр юритинг.

Юқорида келтирилган жумланинг ёзилиши бугунги кунга эмас, балки А. Авлоний замонига мансубдир. Шунга кўра айрим фарқлар кўзга ташланади: Бугунги кун адабий тил нуқтаи назаридан олиб қарасак, ила ёрдамчиси ўрнида билан; эмиш тўлиқсиз феъли ўрнида дир боғламаси қўлланилади.

Ҳозирги ўзбек адабий тили ўзбек халқининг миллий тилидир. Ўзбекистон республикасидаги мактаб, боғча ва барча ўқув юртлари ва бошқа кўпгина ташкилотлар адабий тилга таянган ҳолда иш кўришади. Турли ҳуж

жатлар, китоблар, газеталар ва журналлар х_ам ўзбек адабий тилига асосланади. Булардан ташқари республикамиздаги радио ва телевидениелар ҳам адабий тил меъёрларига таянган қолда фаолият юритади.

3дарс 3.1. Лексикология. Сўз ва лексема

1топшириқ: Сўз ҳақида қандай мақолларни биласиз? Улардан мисоллар келтиринг.

Аввало бу ўринда мақолнинг ўзи ҳам сўз эканини, лекин жуда улкан ва мураккаб маънони ўзида жам этган ибратли сўз эканлигини айтиб ўтиш жоиз. Сўз ҳақида мақоллар жуда кўп бўлиб, улар сўзнинг қудрати ҳақида сўзлайдилар:

1. Сўздан сўзнинг фарқи бор, Ўттиз икки нархи бор.
2. Сўзнинг ёмонисанчиц, Дард ёмоницуянчиқ.
3. Таёц этдан ўтар, Сўзсуякдан.
4. Рост сўзни айт, Ёмон сўздан қайт.
5. Яхши сўзга учар қушлар эл бўлар, Ёмон сўзга пашша кучи фил бўлар.
6. Яхши сўз жон озиги, Емон сўзбош қозиги.

2 топшириқ: «Сўзқиличдан ўткир» мақолини изоқланг.

Сўз инсон эга бўлган имкониятларнинг энг буюгидир. Сўзнинг кучи шу даражада юқорики, курол

билан амалга ошириш мумкин бўлмаган ишларни мана шу сўзнинг сеҳри орқали бажариш мумкин. Ҳеч нарса инсон рухиятига сўзчалик тез таъсир қила олмайди. Шунинг учун хам қадимда нотиқлик санъатига юқори бахр беришган. Мазкур нотиқлик санъатининг замирида ҳам сўз ва унинг беқиёс таъсир кучи ётади.

«Сўз қиличдан ўткир» эканлигини шоиримиз Абдулла Орипов жуда чиройли мисол орқали исботлаб қўйган:

«Темур тиги етмаган ерни, Қалам билан олди Алишер»

3.2.Сўз ва лексема

1топшириқ: Ватан хақида битта шеърни дафтарингизга ёзинг ва бу шеър таркибида нечта сўз иштирок этаётганини аниқланг.

**ИЗҲОР**

***Абдулла Орипов***

*Қанча диёрларда сайр этиб юрдим,*
*Қанча манзилларда цурдим ошиён,*
*Ва буюк ҳикматга ахир юз бурдим,*
*Сийланган жойида азиздир инсон.*

*Юртим сенда экан насибам тугал,*
*Сен ўзинг масканим, сен ўзинг шоним.*
*Сен онам, сен синглим, ёримсан азал,*
*Эй жоним, жаҳоним Ўзбекистоним.*

*Иста, =исматимга ўзинг бер барҳам,*
*Иста яхши кунда номим қшгил ёд.*
*Менсиз ҳам мукаммал экан бу олам,*
*Менсиз щам бахтга ёр экан одамзод.*

*Юртим, фақат сенинг қўлингдан тутиб,*
*Болангдай эргашиб кета олсам бас.*
*Сен пири комишсан, мен сенга муҳиб,*
*Сени танимаган мени ҳам билмас.*

Мазкур шеърда 84 та сўз иштирок этган.

**2-топшири=:** Сўз деганда нимани тушинишингизни баён қилинг.

Сўз бу-белгидир. У бир неча товуш бирикмаларидан ташкил топган бўлиб, кишилар томонидан идрок қилинади, шунингдек, бирор буюм, воқеа-ҳодисани билдиради ёки у щақдаги тушунчаларни эсга солади. Алоқа-аралашув воситаси бўлган тилнинг асосий бирлиги сўз ҳисобланади. Сўз орқали кишилар бир-бирларига ахборот юборадилар, руҳиятига таъсир қиладилар. Юқоридагиларни жамлаб туриб сўзга қуйидаги таърифни бериш мумкин. «Сўз атрофимиздаги мавжуд ва номавжуд нарсаларни товуш қобиғи асосида инсон онгида акс этишидир».

Сўз ақл тарозусидир. У сўзловчининг ким эканлигини очиб беради. Сўзловчи томонидан айтилган бир дона ширин сўз одамни бахтиёр қилиши ёки айтилган биргина ноўрин сўз инсонлар ҳаётини ёмон томонга щал қилиши мумкин. Биз, сўзловчилар фақатгина айтилмаган сўз устидагина ҳукмронлик қила оламиз.

## 4-дарс

### *Бир маъноли ва кўп маъноли сўзлар*

1-топшири=: «Навоий» драмасида Мансур Навоийга: «Пирим, кечиринг итлик қилдим» деб ёлворади шу ибора маъносини тушунтиринг. Ит сўзининг тўғри ва кўчма маъноларини айтинг.

Юқоридаги парчада ит сўзи аҳмоқ, нодон маъносида қўлланган.

а) Ит сўзи ўз маъносида уй рўзғорни қўриқлаш ва ов овлаш каби мақсадлар учун сақланадиган тўрт оёқли сут эмизувчи ҳайвон.

б) Кўчма маънода эса, бировнинг манфаатларини ҳимоя қилиб, бошқаларга зулм ўтказувчи одам, малай.

в) мучал йил ҳисобида ўн биринчи йил номи: сак; 2топшириқ: булбул сўзининг тўғри ва кўчма маъноларини айтинг. Кўчма маъноси асосида гап тузинг.

Булбул тўғри маънода: чумчуқсимонлар туркумининг қораялоқлар оиласига мансуб сайроқи қуш.

Кўчма маънода: хушовоз навозанда, моҳир, нотиқ ёки гўзал ёр ҳақида.

Сизлар хозир бамисоли бул-були гўёсиз.

Бул-бул сўзи қуш номини англатади, овози ширин инсонларга нисбатан ҳам булбул сўзи қўлланилади:

— Эндиги навбат кечамизнинг булбули гўзал ва ёш хонанда Лайлохонимга!...

**Кўчма маънолар ва уларнинг турлари**

**1-топшириқ:** Асал сўзининг тўғри ва кўчма маъносини айтинг. Кўчма маъно билан тўғри маъно ўртасида қандай боғлиқлик борлигини тушунтиринг.

а) Тўғри маънода асал: боларилар ўсимликларнинг гулидаги нектарларидан тайёрланган қуюқ суюқлик.

б) кўчма маънода: жуда ширин бирор нарса

в) Асал аёллар исми.

Асал сўзи — борли=даги нарса номи бўлиб, бошқа нарса номи сифатида ҳам қўлланилади.

**5дарс**

***Метафора ва унинг услубиёти***

**1-топшириқ**: *Қозоннинг қулоги, одамнинг қуло\и* бирикмаларидаги «*қулоқ*» сўзининг тўғри ва кўчма маъноларини айтинг. Кўчма маъно билан тўғри маъно ўртасидаги алоқани тушунтиринг.

«Қулоқ» сўзи биринчи мисолда кўчма маънода келяпти. Одамнинг қуло\и деганда эса тўғри маънодадир. Бунда =уло= сўзи ўхшашлик асосида қозонга кўчириляпти. Кишилик жамияти пайдо бўлгач, инсонлар атроф мущитдаги, борлиқдаги нарсаларни номлай бошлаган. Одамлар нотаниш нарса буюмга дуч келганларида дастлаб ўзларига таниш предметлар билан қиёслаганлар ва шу асосда янги предметга ном қўйишган. Шу орқали предметни атовчи сўзларни ўз ва кўчма маънолари юзага келган. Юқоридаги мисолда ҳам қозоннинг кулоғи одамнинг қулоғига ўхшаганлиги учун бу ном ўхшашлик асосида кўчирилган. Бу қулоқ сўзини кўп маъноли сўзга айланишига сабаб бўлган.

Қуло= сўзи тўғри маънода инсоннинг эшитиш органидир. Кўчма маънода эса қозонни ушлайдиган қисми. Бунда қулоқ сўзининг ўз маъносидан кўчиши орқали метонимия юзага келяпти. Тўғри маъно ва кўчма маъно ўртасидаги алоқа предмет белгисининг ўхшаш томонини бошқасига кўчириш орқали ҳосил бўлган.

**Метиномия ва унинг услубий хусусиятлари**

**Топшириқ:** «Ҳамза» га бордик бирикмасидаги «Ҳамза» сўзининг тў\ри ва кўчма маъносини аниқланг. Тўғри ва кўчма маъно ўртасида қандай боғланиш борлигини айтинг. «Ҳамза» сўзи тўғри маънода одамнинг исмидир. Кўчма маънода эса шоир Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номи қўйилган театр номидир. «Ҳамза» га бордик деганда Ҳамза исмли шахсни эмас, шу шахснинг номи берилган театрга борганликлари назарда тутилган. Бу ерда метонимия юзага чиқяпти, яъни бир предмет унга боғлиқ бўлган бошқа бир шахснинг номи билан ифодаланяпти. Мисолдаги бирикманинг тўғри ва кўчма маънолари ўртасидаги алоқа ўхшашлик асосида эмас, балки улар ўртасидаги, яъни икки денотат ўртасидаги боғлиқликка айтилади. Бунга яна бошқа мисоллар ҳам келтириш мумкин: Бир коса ичдим. Навоийни ўқидим.

Булар аслида: бир коса шўрва ичдим ёки Навоийнинг асарини ўқидим бўлиши керак эди. Лекин бу ерда алоқадорлик туфайли айрим бўлаклар туширилиб, уларнинг белгилари бошқа бўлакларга бериляпти. Масалан: шўрвани фақат косага қуйилишини ҳисобга олиб, Навоийни ҳеч қачон ўқиб бўлмаслигини фақат унинг асарини ўқиш мумкинлигини ҳисобга олиб сўз иқтисоди юзага келтирилган. Тушириб қолдирилган предметни ифодаловчи бўлак сифатида эса тушириб қолдирилган предметга ёки бирор бўлакка боғлиқ бўлган предмет олинган.

**6-дарс**

***Синекдоха ва унинг услубий хусусиятлари***

**1-топшири=:** Уйимизда учта туё= бор деганда нимани тушунасиз.? Туёқ сўзининг тўғри ва кўчма маъноларини айтинг ва улар ўртасида қандай боғлиқ ҳолат борлигини айтинг.

Юқоридаги гапда туёқ уй ҳайвони маъносида келган. Туёқ сўзининг ўз маъноси: баъзи сут эмизувчи ҳайвонларни оёқ учидаги шохсимон моддадан тузилган таянч қисми.

Кўчма маънолари:

а) уй ҳайвони, мол.

б) бош.(молларнинг сони).

в) зурриёдтирноқ

Туёқ молларнинг сонини аниқлашда қўл келади. Туёқ сўзининг тирноқ, зурриёд сўзлари билан умумий жиҳати:

Туёқдан из =олади, фарзанд, зурриёд ҳам из, келажак демакдир. Биздан қоладиган туёқ ҳам сенсан.

**Вазифадошлик ваунингуслубиёти**

1-**топшири=.** Столнинг оёги бирикмасидаги оёқ сўзининг маъносини тушунтиринг. Сўзнинг тўғри ва кўчма маъносини айтинг. Тўғри ва кўчма маънолар ўртасидаги боғлиқликни изоҳланг.

Одам, қайвон, қуш ва умуман, жонли организмларнинг гавдасини таяниб туриши ва юриши ёки ўрмалаши учун хизмат этадиган аъзо.

*Стол, стул, сўри, кравот* каби буюмларнинг ерга таяниб турадиган қисми, пояси.

Охир, адоқ. *Кўчанинг бошидан оё\игача тош терилган.*

Уйнинг, хонанинг эшикка яқин ўрни; пойгак.

Оё= сўзининг маъноси бир хил вазифани бажарувчи иккита бир-бирига ўхшамайдиган нарса. Улар шаклига кўра бир-бирига ўхшамайди, уларнинг алоқадорлиги ҳам йўқ, лекин ҳар иккиси бир хил вазифани бажаради.

## 8-дарс

## *Ўзбек тили лексикасининг ривожланиши.*
## *Ўзбек тили лексикасининг бойиш манбалари*

**1-топшириқ:** Навоийнинг қуйидаги байтидан ҳозирги ўзбек тилида ишлатилмайдиган сўзларни аниқланг. *«Жам бўлиб бир кун гулистон қушлари, Бошоқ баҳру биёбон қушлари. Барча бир манзилда мажмаъ туздилар. Ҳар бир ўз ҳайлу сафни кўргуздилар.»*

1.Жамъ-ҳамма, барча.

2. Баҳру биёбон-катта чўл, биёбон, дашт.

3. Мажмаъ-*гуруҳ*, жамият. Навоий асарларида уч хил маънода берилган бўлиб, бу ерда гуруҳ деган маънони билдиради.

4. Ҳайлу саф гуруҳ қатори.

**2-топшириқ:** Илгари истеъмолдан чиқиб кетган сўзларнинг янги маънода қўлланаётганига мисоллар келтиринг.

Дор, ҳоким, вазир...

### *Ўзбек тили лексикасининг бейиш манбаалари*

**1-топшириқ:** *Ваучер, тендер* сўзларининг маъносини тушунтиринг ва уларни ўзбек тилида қачондан бошлаб қўлланилганини айтинг.

*Ваучер-товар* ёки хизматлар тўловини, кредит беришни, пул олишни ва шу кабиларни тасдиқловчи чек, ҳужжат. *Банк ваучер.*

*Тендер*-буюртмаларни жойлаштиришнинг танлов шакли. Турли объектларни қуриш, ҳар хил хизматларни бажаришга пудратчиларни жалб қилиш ва бошқа тадбирларни уюштириш. *Тендер эълон қилинмоқ.*

**2-топшириқ:** *Кадастр, лизинг* сўзларининг маъносини тушунтиринг ва уларни ўзбек тилига бошқа тилдан олинганлиги сабабини айтинг.

*Кадастр* -муайян объектни даврий ёки доимий кузатиш орқали кузатиладиган ахборотларнинг таснифланган мажмуи.

*Ер кадастри.*

2. Жон бошига солиққа тортиладиган шахслар рўйхати.

*Лизинг* -ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун машина, транспорт, иншоот ва шу кабиларни ижарага олиш. (122бет).

Юқоридаги сўзлар ўзбек тили эҳтиёжини қондириш учун бошқа тилдан олинган.

**9дарс**

***Қўлланиш доираси чегараланган ва чегараланмаган сўзлар. Номшунослик.***

**1-топшириқ:** *Такя, каллапўш, призма* сўзларининг қўлланиш доирасини айтинг.

*Такя-такя* қилмоқ, суянмоқ; 2) одамлар тўпланиб, улфатчилик қиладиган жой.

*Каллапўш*-бош кийими, дўппи.

*Призма* а) икки тенг паралел асосдан, ён ёқлари эса паралеллограммдан иборат бўлган кўп ёқлик. б) Худди шундай шаклга эга бўлган, ёруғлик нурининг йўналишини ўзгартириш, мураккаб нурни спекторга ажратиш учун хизмат қиладиган, турли оптик асбоб ва аппаратларда ишлатиладиган махсус шиша ёки шишасимон ўта тиниқ жисм.

Юқоридаги сўзларни қўлланиш доираси чегараланган.

**2-топшириқ:** Шева ва маълум бир фан доирасида қўлланиладиган олтита сўз топиб, уларни гап ичида келтиринг.

1. Тўпоқча (бузоқча)
2 . Каллапўш (зўнтик)
3. Такана (узум калтаклари)
4. Фонема (тилшунослик)
5. Валентлик (химия)
6. Резонанс (физика)

1. Кун бўйи қозиқда боғланиб турган тўпоқча пақир кўтариб келаётган бекачани кўриб ирғишлай бошлади.

2. Каллапўш остида келаётган қора кийимли одам қандай сирли тарзда келган бўлса, шундайлигича қоронғулик қаърига сингиб кетди.

3. Атрофда кеча узилган узумнинг таканаларини кўрган Фарида ҳали хеч қандай иш қилинмаганини тушунди, ҳафсаласизлик билан сўрига чўкди.

4 .Фонема бу сўз ва морфемаларни шакллантирувчи ва фарқлашга хизмат қилувчи энг кичик фонетик бирликдир.

5. Валентлик кимёвий боғланиш бўлиб, щозирги кимё фанининг энг марказий масалаларидан биридир.

6. Резонанс щодисаси жисмнинг хусусий эркин тебранишлари частотаси билан тенг келса ҳосил бўлади.

***Номшунослик***

**1-топшириқ**: *Учтепа, бешкапа* сингари сўзлар нимани ифодалайди? Бу номлар билан улар ифодалайдиган ном ўртасидаги боғлиқликни аниқланг.

*Учтепа, бешкапа* каби сўзлар жой номлари бўлиб, улар топонимлар дейилади. Бу номлар билан улар қўйилган жой ўртасида алоқадорлик мавжуд бўлиб, бу алоқадорлик ўша жойнинг географик ўрни билан боғлиқдир. Учтепа деган жойда учта тепалик мавжуд бўлиб, одамлар шу белгисига қараб шундай номлаганлар. Бешкапа щам шу каби жойнинг махсус белгисига асосланиб номланган. Демакки, бу номлар бевосита ўша жойнинг географияси щақида щам маълумот беради.

**2-топшири=:** *Бўрибой, Холдарали, Ҳайитбой, Сафарали* каби сўзлар нимани ифодалайди?

Бу номлар билан улар ифодалаган номлар ўртасидаги боғлиқликни аниқланг.

*Бўрибой, Холдарали, Ҳайитбой, Сафарали* каби сўзлар киши исмлари бўлиб, улар тилшуносликнинг ономастика бўлимида ўрганилади. Бу номлар бевосита ўзлари ифодалаётган шахснинг хусусий белгилари билан алоқадорликдадир. Маълумки, бўрилар

туғилганда тиши билан туғиладилар. Шу сабабли тиши билан туғилган болаларга ирим қилиб Бўрибой қўядилар. Шу сингари катта холи билан туғилган болаларга Холдарали, ҳайит байрами куни туғилган болаларга Ҳайитбой, сафарда ёки сафар ойида туғилган болаларга эса Сафарали қўядилар. Демак, бундай номлар бевосита ўзи атаётган нарсанинг моҳиятини очиб берувчи сема билан боғланган бўлади.

### *10-дарс*

### *Омонимлар ва уларнинг нут=даги аҳамияти*

**1-топшири=**: Ютмоқ сўзининг шаклларини айтинг. Уларнинг ҳар қайси маъносини гап ичида изоҳланг.

а) ютмоқ -ичмоқ, емоқ.

б) ютмоқ -бирор нарса дейишдан ўзини тиймоқ.

в) ютмоқ -ўз қаърига тортиб йўқ қилмоқ.

г) ютмоқ -бирор ишда ғалабага эришмок.

А) Дўстинг учун заҳар ют. (мақол)

Б) Эргаш ака нимадир демоқчи эди, гапини ютди. (Н.Сафаров. «Қахрамоннинг туғилиши»).

В) Ер ютсин халифангни —деди, Соҳибжамол, ўз-ўзига ғудирланиб. (С.Айний. «Қуллар»).

Г) Табриклайман, бригадангиз бу чопиқда ҳам ютиб чиқди. (Уйғун. «Ҳаёт қўшиғи»).

**2-топшириқ:** 1). Ўт сўзининг шаклдошларини айтинг ва уларнинг ҳар бирини гап ичида келтиринг.

а) Олов, оташ:

Ер тўйдирар, *ўт* -куйдирар. Ёнғин чиқармоқ.

б) Кимдир сарғайган ўт қўйди.

в) Отишма:

*Ўт* оч!!!

г) Иштиёқ, ғайрат:

Ғуломжон энди ўзини анча тутиб олиб, *ўт* билан, ҳарорат билан, гапирди. (М.Исмоилий).

д) Руҳий азоб:

Ишқ *ўти*, юракка тушди.

2). а) ўсимлик:

Сусамбилнинг ўти бўлиқ, суви тиниқ (Эртакдан).

3). а) жигардан ажралиб чиқувчи сарғиш, яшил рангли аччиқ суюқлик:

б) *ўт* пигментлари шундай суюқлик тўпланадиган пуфакча;

г) бузилди ошқозон,

*ўт* ишламай,

шишиган жигар бўлди. («Муштум»).

Жигарнинг пастки қисмида ўт пуфаги ётади.

Демак, ўт сўзининг шаклдошлари

I. ўт- олов

II. ўт- ўсимлик

III. ўт- инсон организми

### *Синонимлар ва уларнинг услубий хоссалари*

**1-топшири=**: *емоқ, истеъмол қилмоқ, тановул қшмоқ* сўзлари иштирокида гап тузинг. Уларнинг умумий ва фарқли томонларини айтинг.

Бугун ҳўтикчам касалга ўхшайди; ўтни ҳам жуда оз еди.

Баъзи операциялардан кейин кишилар 5-6 кун ўтгандан кейингина овқат истеъмол

қиладилар.

Хон тановул қилиш пайтида ҳеч кимни ҳузурига чорламас эди.

Юқоридаги уч сўзни умумлаштириб турувчи маъноси овқатланиш, ейишдир. Лекин ҳайвонларга нисбатан истеъмол қилди, тановул қилди иборалари ишлатилмайди.

Юқоридагилардан емоқ сўзи бошқаларга нисбатан кўпроқ ишлатилади.

**2-топшириқ:** *Қарамоқ* сўзининг маънодошларини топиб, уларни гап ичида келтиринг. Ўзаро умумий ва фарқли томонларини тушунтиринг.

*Қарамоқ, боқмоқ (тикилмоқ), кўз ташламо=, назар солмоқ (термулмоқ), нигоҳ ташламоқ...*

а) Қиз шундай қарадики, йигит демоққа бир сўз топа олмади.

б) Бировнинг хатига берухсат нигоҳ ташлама.

в) Олмани отдим отганга,

Манга қиё боққанга.

г) Ҳайъат аъзолари ҳар бир иштирокчи тайёрлаган таомларга теран назар ташлади.

д) Бировнинг таомига назар солмоқ яхши одат эмас.

е) Сепкилли хотин чевар қизларга бир-бир кўз ташлади, лекин ахтарганини тополмади.

Юқоридаги маънодор сўзлар умумий қараш маъносини англатади, лекин ушбу сўзлар доимо бир-бирини ўрнида алмашиниб ишлатилавермайди. Масалан: *Қизга қаради, қизга назар солди.*

Биринчи гапда қизга оддий, бирор иш юзасидан қаради. Иккинчи гапда эса қизни обдон текширди, яъни: чиройини, одобини.

## *11-дарс*
## *Антонимлар ва уларнининг услубий хусусиятлари. Такрорлаш*

**1-топшири=:** Узун сўзининг зиддини айтинг ва бу зид маъноли сўз асосида гап тузинг. *Узун* сўзининг зидди *қисқадир*.

Бечора Ҳалима хола! Узун кунда ҳам қисқа кунда ҳам кўзи мўлтиллаб кўча қарагани-қараган, гўё Абдурашид ҳозир кириб келадигандек интизорлик билан кутади.

**2-топшириқ:** Қуйидаги сўзларни зиддошларини топинг ва уларни гап ичида келтиринг.

| | |
|---|---|
| Яқин... | узо= |
| Иссиқ... | сову= |
| Ширин... | аччи= |
| Оқ... | =ора |
| Баланд... | паст |
| Яхши... | ёмон |

1) Узоқ-узоқларга қадалган кўзлар бу сафар ҳам ўз излаганини тополмай маҳзун тортди.

2) Изғирин совуқ худди уларнинг кайфиятига ҳам таъсир қилгандек, сўзсиз жим ўтиришарди.

3) Ҳақиқат доим аччиқ бўлганини Саида яхши билади, чунки бунинг таъмини қинғир ишлари туфайли кўп бора татиб кўрган.

4) Тақдирнинг қора кунлари бошига тушганда ҳам Марғуба бу узукни муҳаббат ва садоқат рамзи сифатида кўз қорачиғидай сақлайди.

5) Шошиб кетаётган Севара эшик олдида уни кутиб турган паст бўйли қора пальтога бурканиб олган одамни сезмади ҳам.

6) Шамол эсар, эшик олдидаги қуриб қолган дарахт ёмон хотиндай тинмай ғичирлар-буларнинг щаммаси бешикдаги боласи билан уйда ёлғиз қолган Хадичанинг юрагига ваҳима соларди.

## *12дарс*
## *Бар=арор бирикмалар*

**1-топшириқ:** *Боши осмонга етди ва =увонди* сўзлари ўртасидаги умумий ва фарқли жищатларини айтинг.

*Боши осмонга етди* ушбу иборанинг маъноси бир сўзга тенг. Иборалар сўзлашув (услубида) нутқида ҳамда бадиий асарларда ишлатилади. Улардан ўринли фойдаланиш нутқнинг таъсирчанлигини оширади.

Иккиси ўртасидаги умумий жиҳат: хурсанд бўлди, суюнди каби бир маънони англатади.

Лекин *боши осмонга етди* ибораси барча услубда щам қўлланилавермайди.

**2-топшириқ:** Ватанни севиш щақида учта мақол келтиринг ва уларни ўзига хос томонларини тушунтиринг.

1. Ўзга юртда шоҳ бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл.
2. Она юртинг омон бўлса, ранги рўйинг сомон бўлмас.
3. Эрдан айрилган етти йил йиғлар.

Элидан айрилган, ўлгунча йиғлар.

Изоҳ*:*

1. Дарҳақиқат, ўзга юртда шоҳ бўлгандан кўра ўз юртингда гадо бўлган афзалроқ. Киши яхши яшаса-ю, Ватандан йироқ бўлса, унга нимадир етишмаётгандай туюлаверади. Буни ҳамюртимиз Бобур мисолида ҳам кўриб ўтишимиз мумкин. Ўшандай дабдаба ичида яшаган шоҳ Бобур ўз юртига қаландар сифатида бўлса ҳам келишни орзу қилади. Ўзга юртнинг гули ўз юртингни тиконича бўлолмас деб шуни айтадилар-да.

2. Эл-юрт тинч бўлган кишинигина хотири жам, кўнгли тўқ бўлади. Киши қанча бой бўлмасин, юрти тинч бўлмаса, у ҳам фароғатда яшай олмайди. Шунинг учун ҳам дунёдаги барча инсонлар юртнинг тинчлигини кўзлаб иш тутадилар. Афсонавий қаҳрамонимиз Широқ ҳам ўз юрти тинчлиги йўлида жонини ҳам фидо қилганлиги барчага маълум. Киши Ватан тинчлиги, фаровонлиги йўлида ҳар бир ишга қодир бўлмоғи лозим.

3. Инсон ўз турмуш ўртоғидан айрилса, уни суяб тургувчи эл бўлади.

Агар инсон элидан айрилса-чи, уни суяб тургувчи ким бўлади? Шунинг учун ҳам элдан айрилган ўлгунча йиғлар дейишади.

Инсон ўзга юртларда ҳам яшайверади, аммо кўнгли ярим, дили етим бўлгай.

Шунинг учун ҳам биз жонажон Ватанимизни севиб ардоқлашимиз, керак бўлса унга жонимизни ҳам фидо қилмоғимиз, бизнинг фарзандлик бурчимиздир.

14-дарс, 16-дарс, 18-дарс, 20-дарслар учун дарсликда топшириқлар мавжуд эмас.

### *15-дарс*
### *Ўзбек лексикографияси (Лу\атшунослиги).*
### *Энциклопедик (Қомусий) лугат ва улардан фойдаланиш.*

**1-топшириқ:** «Ўзбек энциклопедияси» билан «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» китобларини бир-бирига солиштириб, улар ўртасида қандай фарқ борлигини айтинг.

Тилдаги барча сўзлар, уларнинг келиб чиқиши, изоҳи, имлоси билан тилшуносликнинг луғатшунослик бўлими, яъни лексикография бўлими шуғулланади. Ҳозирда ўн тўрт томлик энциклопедик (қомусий) ва 65.000 га яқин сўзнинг изоҳи келтирилган изоҳли луғатлар тузилган.

Энциклопедик луғатлар билан изоҳли луғатлар, аввало, ўз олдига қўйган мақсади жиҳатидан фарқ қилади. Изоҳли луғатлар маълум бир сўзнинг изоҳини беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган бўлиб, улар маълум бир соҳани қамраб олади ва бир тилли бўлади. Бу луғат турларига синонимлар, морфем луғат, фразеологизмлар, географик атамалар, чаппа луғат, антоним луғатлари мисол бўла олади.

Энциклопедик луғатлар жуда кўп соҳаларни қамраб олган бўлиб, оддий сўзлардан тортиб, дунё халқлари, айрим мамлакатлар этнографияси, иқтисоди, тарихи ҳамда географияси тўғрисида маълумотлар жамланган бўлади.

### *21-дарс*

## *Морфология ва унинг ўрганиш объекти. Сўз туркумлари*

**1-топшириқ**: *Китобни, китобим, китоблар* сўзларининг ҳаммасида такрорланаётган умумий қисм ва унга қўшилаётган ўзгарувчи қисмни топинг. Кўмакчи морфема (ўзгарувчи қисм) ва етакчи морфема (умумий қисм) маъноларини тушунтиринг.

*Китобни, китобим, китоблар* сўзларининг барчасида умумий қисм китоб, ўзгарувчи қисм -*ни* (тушум келишиги), -*им* (эгалик қўшимчаси I шахс, бирлик), -*лар* (кўплик қўшимчаси).

Етакчи морфема сўзда албатта иштирок этадиган, бирор маъно ифодалайдиган морфемадир. Бу морфема сўз ясалиши учун ҳам, шакл ясалиши учун ҳам асос бўла олади.

Кўмакчи морфемалар мустақил лексик маъно ифодаламайдиган, янги сўз ясашда ёки шакл ясашда иштирок этадиган ўзгарувчи қисмдир.

**2-топшириқ:** *Китоб* сўзининг уч шахсга муносабатини кўрсатинг. Шахсга муносабатини ифодалаётган қисмларни айтинг.

| **Бирлик** | **Кўплик** |
|---|---|
| I. китобим | китобимиз |
| II. китобинг | китобингиз |
| III. китоби | китоблари |

Шахсга муносабатини кўрсатаётган қисм -*им, -инг, -и, -имиз, -ингиз,-(лар)и*, яъни эгалик қўшимчаларидир.

### *Сўз туркумлари*

**1-топшириқ:** Берилган матндаги сўзларни туркумларга ажратинг.

Асал мижозни тозалайди, томир йўлларини равон қилади, унда ҳўллик ва газакни шилдирувчи қувват бор. У щўллик ва газакни баданнинг чуқур ерларидан тортади, гўштни сасиш ва бузилишдан сақлайди, яраларни битиради, кўз хиралигини кетказади.

| **От** | **Сифат** | **Сон** | **Олмош** | **Равиш** |
|---|---|---|---|---|
| Асал | равон | - | унда | - |
| Мижоз | чу=ур | - | у | - |
| Томир, йўл | хира | - | - | - |
| Щўл, газак | | | | |
| Бадан, ер | | | | |
| Гўшт, яра | | | | |
| +увват, кўз | | | | |

| **Феъл** | **Кўмакчи** | **Бо\ловчи** | **Юклама** | **Модал сўз** |
|---|---|---|---|---|
| Тозалайди | - | ва | - | - |
| +илади | - | - | - | - |
| Тортмо= | - | - | - | - |
| Сасимо= | - | - | - | - |
| Бузилмо= | - | - | - | - |
| Са=лайди | - | - | - | - |
| Битиради | - | - | - | - |
| Кетказмо= | - | - | - | - |

### *22-дарс*
### От ва унинг услубий хусусиятлари

**1-топшири=** Берилган матнни кўчиринг, отларнинг тагига чизинг ва қандай шаклда эканлигини топинг.

Яшаш, бу - *орзулар =анотин* кермоқ,
Яшаш, бу- мущаббат *гулларин термоқ*
Яшаш, бу- *умр*нинг гулгун *дамлари,*
*Эл* учун яшамоқ, эл учун бермоқ
Орзулар- кўплик шаклда.
Қанот-бирлик шаклда
Муҳаббат-бирлик шаклда
Гуллар-кўплик шаклда
Умр-бирлик шаклда
Дамлари-кўплик шаклда
Эл-кўплик шаклда

## *23-дарс*
## Сифат ва унинг услубиёти

**1-топшириқ:** Туғилган юртингиз ҳақида сифатлардан фойдаланган ҳолда кичик щикоя ёзинг. Қайси сифатлардан фойдаланганингиз ва унинг ўзига хос хусусиятларини айтинг.

Ҳар бир кишининг туғилиб ўсган, киндик қони тўкилган тупроғи Ватан ҳисобланади. Менинг ҳам илк бора меҳрибон онамнинг алласини эшитган, камол топиб уйғонган улуғ маконим ватанимдир. Бу буюк ва муқаддас тупроқ Ўзбекистон дея аталади. Унинг ҳар бир қарич ери, ҳар томчи суви мен учун қадрлидир. Мен ўзимдаги барча яхши фазилатлар учун, аввало, Ватанимдан ва олийжаноб инсонлардан қарздорман.

Кўп сонли миллатларни ўзида жам этган гўзал бўстоним мустақилликдан сўнг янада гуллаб-яшнамокца, чирой очмоқда. Кўплаб янги бинолар, боғлар юртим чиройига кўрк қўшиб қад кўтармоқда. Менинг щам бу буюк ўзгаришларга озгина бўлса ҳам ҳиссам қўшилса, ўзимни бахтиёр щис қилган бўлар эдим.

Матнда қуйидаги сифатлар иштирок этган: *Меҳрибон, улу\, буюк, муқаддас, =адрли, яхши, олийжаноб, гўзал, янги.*

*Меҳрибон*-характср хусусият билдирувчи аслий сифат, содда, туб сифат. *Улу*-шакл билдирувчи аслий, содда, туб сифат.

*Буюк*-ҳолат билдирувчи аслий, содда, туб сифат.

*Му=аддас*-ҳолат билдирувчи аслий, содда, туб сифат.

*Қадрли*-щолат билдирувчи, қўшимча қўшиш усули билан ясалган нисбий сифат.

*Яхши*-ҳолат билдирувчи, аслий, содда, туб сифат.

*Олийжаноб*- характер-хусусият билдирувчи, нисбий қўшма сифат.

*Гўзал, янги*-щолат билдирувчи, аслий содда, туб сифат.

**2-топшири=**: Матндан сифатларни топинг. Уларнинг қандай белгиларини ифодалаётганини аниқланг.

*О= сукунат портлар саҳарда,*
*Кун нурида ёниб, яра=лар.*
*Чопиб кирар совуқ шаҳарга,*
*Яланговқ яшил дарахтлар.*

***Ш. Раҳмон***

Матнда совуқ ва яланговқ сифатлари иштирок этяпти. Совуқ сифати аслий сифат бўлиб, предметнинг хусусиятини ифодалаяпти, яланговқ сифати қўшма сифат бўлиб предметнинг щолат хусусиятини билдиряпти.

## *24-дарс*
## *Сифат ясовчи =ўшимчаларнинг услубий хусусиятлари*

**1-топшириқ:** *Қора* сифати билдирган рангнинг турли даражаларини ва уларнинг қандай ифодаланишини кўрсатинг.

Оддий даража: қора

Озайтирма даража: қорамтир, сал қора, қорароқ. Кучайтирма даража: ўта (жуда, роса)

қора, қоп-қора.

**2-топшириқ:** Қуйидаги сифат ясовчи қўшимчаларнинг маънодошларини айтинг. Улар ўртасидаги умумий ва ўзига хос жищатларини аниқланг.

*Ширали- ...сувли*

*Ли*-сифат ясовчи қўшимчасининг маънодошлари:

*Сер-,ба-, бо-,-дор*

*Ширали, сувли* сўзларини *сершира, серсув* деб айтиш мумкин.

### *25-дарс*
### Сон ва унинг услубий хусусиятлари

**1-топшириқ:** Таржимаи ҳолингизни ёзинг. Қандай сонлардан фойдаланганингизни айтинг.

Мен Шаҳбоз Саидхонов 1986 йил 20 январда Андижон вилояти, Асака туманига қарашли Қўнғирот қишлоғида туғилдим. 1992 йили илк бора Асака туманига қарашли 37-ўрта мактаб остонасига қадам қўйдим. 2002 йили эса устозларим дуоси билан катта ҳаётга йўл олдим. Ёшлигимдан орзу қилиб юрган касбимни эгаллаш учун Андижон Давлат университетига ҳужжат топширдим. Орзуларим ҳақиқатга айланиб, ўн саккиз ёшимни талаба сифатида нишонладим. Ҳозирда мазкур университетнинг филология факультетида биринчи босқич талабасиман.

Ушбу матнда тартиб сон ва саноқ сонлар иштирок этган. Тартиб сонлар: 1986 йил, 1992 йил, 20-январ, 37-ўрта мактаб, саноқ сон ўн саккиз ёш.

**2-топшириқ:** Бир сонига *-та, - тача,- тадан, -инчи* қўшимчаларини қўшинг ва уларнинг маъноларини тушунтиринг.

Бир-битта, биттадан. *Бир* сўзига *-та* қўшимчасини қўшиш орқали дона сон ҳосил бўлади. *-тадан* қўшимчаси билан эса тақсим сон, *-инчи* қўшимчаси билан саноқ сондан тартиб сон ҳосил бўлади. Дона сон нарса-буюмнинг саноғини, тартиб сон тартибини кўрсатади. Тақсим сон бир нарса буюмнинг сонини бошқа буюмнинг саноғидан ажратиб, тақсимлаб кўрсатади.

### *26-дарс*
### Сон ва ўлчов сўзлари

**1-топшириқ:** *Ўн шиша ёғ, бир литр сув, ўн килограмм пахта, беш километр йўл* бирикмаларидаги *шиша, литр, килограмм, километр ча=ирим* сўзларининг қандай ўлчов бирликлари эканлигини айтинг.

Тилимизда оғирлик, узунлик, доналик, майдон, ўлчов бирликлари бор:

*Ўн шиша ё*-доналик ўлчов бирлиги.

*Бир литр сув*-оғирлик ўлчов бирлиги.

*Ўн килограмм пахта*-оғирлик ўлчов бирлиги.

*Беш километр йўл*-узунлик ўлчов бирлиги.

**2-топшири=:** *Кўп* сўзи билан *ўнта* сўзининг бирининг ўрнида иккинчисини қўлланг.

*Менинг кўп китобларим стол устида, айримлари эса сумкамда турарди.*

*Менинг ўнта китобим стол устида, қолганлари эса сумкамда турар эди.*

*Кўп ухлама*! Сингари гапларда *кўп* сўзини *ўнта* сўз билан алмаштириб бўлмайди.

**3-топшири=:** *-ов, -ала,* қўшимчаларини ўнлик сонларга қўшинг. Бир сонига *-ов* қўшимчасини қўшганингизда қандай маъно ифодалаганини айтинг.

*Икков, иккала; учов, учала; тўртов, тўртала; бешов, бешала; олтов, олтала; еттов, еттала; саккизов, саккизала; тўққизов, тўққизала.*

*Икки, уч, тўрт, олти, етти* сонларига *-ов, -ала* қўшимчалари қўшилганда ўзагида товуш тушиш щодисаси рўй беради. *Бир* сонига *-ов* қўшимчаси қўшганда тахмин, гумон ифодаланади. *Бир-ов биров* олмош, гумон олмоши.

### *27-дарс*

**Олмошларнинг маъно хусусиятлари**

**1-топшириқ:** «Мингта сиз-биздан битта жиз-биз яхши», «Сен ҳам, сиз ҳам бир оғиздан чиқади» мақолларининг таркибида келаётган олмошларнинг услубий хоссаларини изоҳланг. Сиз ҳам олмошлар иштирокида гап тузинг.

Юқоридаги мақолларда *сиз, биз, сен* олмошлари иштирок этган.

*Сиз* олмоши шахс билдирувчи кишилик олмошидир. Бу олмоши II шахс кўпликка нисбатан ишлатилади. *Биз* олмоши ҳам кишилик олмоши бўлиб, биринчи шахс кўпликка нисбатан қўлланилади. *Сен* олмоши эса II шахс бирликка нисбатан ишлатилади. Бу олмошлар иккиламчи ном бўлиб, шахс номлари ўрнида ишлатилиб, алмашиниб қўлланилади.

### *28-дарс*
### Келишик қўшимчалари ва уларнинг услубий хусусиятлари

**1-топшириқ:** Қуйидаги бирикмаларда нуқталар ўрнига тегишли қўшимчаларни қўйинг.

Мактаб**га** бордим

олма**ни** едим

Ўрик**нинг** гули

-*га*- жўналиш келишиги қўшимчаси

-*ни*- тушум келишиги қўшимчаси

-*нинг*- қаратқич келишик қўшимчаси

**2-топшири=:** Узум е, узумни е, узумдан е бирикмаларининг бир-биридан фарқи.

Ушбу бирликлардаги грамматик шакл турлича:

*Узум*-бош келишикда

*Узумни*-тушум келишиги шаклида

*Узумдан*-чи=иш келишиги шаклида

II. Берилган бирикмалардаги нуқталар ўрнига мос келадиган қўшимчаларни қўйинг. Уларнинг маъноси ва вазифаларини айтинг.

Мен **инг** китоб **им**.

Сен **инг** китоб **инг.**

У **нинг** китоб **и**.

Биз **нинг** китоб **имиз**.

Сиз **нинг** китоб **ингиз**.

Улар **нинг** китоб **лари**.

**-нинг** қарашлиликни билдирувчи қаратқич келишигининг қўшимчаси, қолган қўшимчалар эгалик қўшимчалари.

Келишик ва эгалик қўшимчалари гапдаги сўзларни бир-бирига ўзаро боғланиши учун хизмат қилади.

### *29-дарс*
### Феъл ва унинг услубий хусусиятлари

**1-топшириқ:** Қуйида берилган матндан феълларни топинг ва бу феълларни ҳаракат билдирувчи феълларга ва ҳолат билдирувчи феълларга ажратинг.

*Тақдир синовига \ам чекма сира,*
*Ниятни тў\ри қил, ёш тўкма сира.*
*Келажакнинг нурли чўққисига боқ,*
*Эзгулик ишини тарк этма сира.*

Феъл сўз туркуми семантик жиҳатдан жуда кўп турларга бўлинади. Шулардан бири ҳаракат билдирувчи феъллар бўлиб, предметнинг иш- ҳаракатини билдиради. Ҳолат феъллари эса иш-щаракатни бажарувчи шахснинг иш-ҳаракатга нисбатан муносабатини,

ҳолатини ифодалайди. Ҳолат феълларида субъективлик мавжуд бўлади.

Юқоридаги матнда қуйидаги ҳаракат феъллари бор:

Ҳолат феъллари: ғам чекма, тўғри қил.

**2-топшириқ:** *ўқиди, ўқимади, ў=имадик* феълларидаги ажратиб кўрсатилган қўшимчаларининг қандай қўшимча эканлигини ва маъноларини айтинг.

*Ўқиди* сўзидаги *-ди* қўшимчаси замон қўшимчаси бўлиб, у қўшимча буйруқ-истак майлидаги феълларга қўшилиб, ўтган замон, бош нисбатни ясайди.

*Ўқитди* феълидаги *-т* қўшимчаси феълнинг буйруқ-истак майлига қўшилиб, орттирма нисбатни билдиради. Мазкур нисбатдаги феъллар ҳаракатга мажбур қилиш, унга йўл қўйиш маъноларини билдиради. *-ди* қўшимчаси эса иш-ҳаракатни ўтган замонда бажарилганлигини англатади.

*Ў=имади* сўзидаги *-ма* қўшимчаси феълнинг бўлишсиз шаклини ясайди. Бу қўшимча қўшилган феъллар иш-ҳаракатнинг инкорини билдиради.

*Ўқимадик* сўзидаги *-ма* қўшимчаси инкорни, *-ди* ўтган замон бош нисбатни, *-к* аффикси эса I шахс кўплик шахс сонини ифодалайди. Шахс-сон қўшимчалари тусловчи қўшимчалари щисобланиб, иш-щаракатни ким томонидан бажарилганини билдиради.

### *30-дарс*
### Нисбат шакллари услубиёти

**1-топшириқ***:* *Ёзди* феълидан *-иш, -ил, -дир* қўшимчалари орқали турли нисбат шаклларини щосил қилинг, нисбат шакли қўшилганда маънода қандай ўзгариш рўй бераётганини айтинг.

*Ёзди, ёзилди, ёзишди, ёздиртирди.*

*Ёзилди*-ким томонидан ёзилганлиги номаълум. Бу-мажҳул нисбат.

*Ёзишди*-кўпчилик, бирга ёзишди. Бу — биргалик нисбат.

*Ёздиртирди*-у ўзи ёзмади, бировларга ёздирди. Бу-орттирма нисбат.

**2-топширшиқ:** *Кел...* сўзи охиридаги нуқталар ўрнига *-са, -ай,* *-мо=чи* шаклларини қўйинг. Ҳар қайси шаклда қандай маъно ифодаланаётганини айтинг.

*Кел* **ай- I шахс келаси замон**

*Кел* **са -II шахс келаси замон**

*Кел* **моқчи- III шахс келаси замон**

*Келса, /селай*-**буйруқ-истак майли**.

### *31дарс*
### 31.1. Шахс-сон =ўшимчаларининг услубий хусусиятлари. Замон қўшимчаларининг услубий хусусиятлари

**1топшириқ:** *Ўқиди... ва бора...* феъллари охиридаги нуқталар ўрнига учта шахс ва бирликнинг кўпликка мансуб қўшимчаларини қўйинг. Уларнинг маъноларини айтинг.

| **Бирлик** | **Кўплик** |
|---|---|
| I. Ўқиди**м** | Ўқиди**к** |
| II. Ўқиди**нг** | Ўқиди**нгиз** |
| III. Ўқид**и** | Ўқид**и** (лар) |
| I. Бора**ман** | Бора**миз** |
| II. Бора**сан** | Бора**сиз** |
| III. Бора**ди** | Бора**ди** |

III шахс шахс-сон қўшимчалари бирликка нисбатан *-(и) м,* кўпликка нисбатан *-(и)миз* ҳисобланиб, иш-ҳаракатни бир киши ёки бир неча киши томонидан бажарилганини

англатади.

***33-дарс***
**Кўмакчи феъллар ва уларнинг вазифалари.**
**Бўлишли ва бўлишсиз шаклларининг**
**умумий хусусиятлари**

**1-топширшқ:** *Ўқи* феълининг бўлишсиз шаклларини топинг. Бу шаклларнинг бир-биридан фарқини айтинг.

*Ўқи* феълининг бўлишсиз шакли -*ма* аффиксини қўйиш орқали ҳосил қилинади. Бўлишли феъллар иш-ҳаракатнинг бажарилишини билдиради. Бўлишсиз феълларнинг улардан фарқи ҳаракатнинг юзага чиқмаслигини, бажарилмаслигини англатади (ўқимади).

**2-топшириқ:** -*ма, йўқ, эмас* шаклларини феълларга қўшинг. Уларнинг ўзаро маъно фарқини айтинг.

| | |
|---|---|
| *Бормади* | *Кулмади* |
| *Боргани йў=* | *Кулгани йўқ* |
| *Борган эмас* | *Кулган эмас* |

-*ма* бўлишсизлик қўшимчаси феълларнинг деярли ҳамма шаклларида қўлланиб, ҳаракатнинг инкорини билдиради. Масалан*: бақирмади, ёзмади.*

— *Эмас*-нарса-буюм, белги ва ҳаракатнинг инкорини ифодалайди, феълларнинг -*ган*, -*моқчи* шакллари билан биргаликда келади. Масалан: *келган эмас, келмоқчи эмас*. *Йўқ*-бўлишсизлик шакли-*ган* ва-*ётган* қўшимчалари ёрдамида ясалувчи ўтган ва ҳозирги замон феълларининг инкорини билдиради.

***34-дарс***
**Равшиларнинг услубий хоссалари**

**1-топшириқ:** *Секин, тез, зўр\а* сўзлари иштирокида гап тузинг. Юқоридаги сўзларнинг маъносини тушунтиринг.

*Секин, тез, зўр\а* сўзлари **қандай** сўроғига жавоб бўлиб, ҳаракатнинг қай тарзида бажарилаётганини билдиради.

а) У хатни секин, ўта эҳтиёткорлик билан ёзди.

б) Музаффар тез гапиргани учунми, баъзи сўзларни нотўғри талаффуз қилар эди.

в) Фотима имтиҳонлардан зўрға ўтиб олганини бир зумда унутиб юборди, яхшироқ ўқиш эса хаёлига ҳам келмади.

**2-топшириқ:** *Оз, кўп, анча* сўзлари иштирокида гап тузинг. Юқоридаги сўзларнинг маъносини тушунтиринг.

*Оз, кўп, анча* сўзлари **қанча** сўроғига жавоб бўлиб, ҳаракатнинг даража миқдорини билдиради.

а) *оз сўз-соз сўз*

**(Мақол)**

б*) кўп ўқиган одам, кўп билади.*

в*) ўтган йили қишда қийналган Соливой бу йил ёзда чорва учун анча хашак \амлаб =ўйди.*

***35-дарс***
**Ёрдамчи сўзлар.**
**Кўмакчилар ва уларнинг услубий хусусиятлари**

**1-топшири=:** Қуйида берилган гап таркибидаги ёрдамчи сўзни топинг. Унинг гапдаги вазифасини тушунтиринг: *Сен туфайли уйимиз нурга тўлди.*

Ушбу гапда *туфайли* кўмакчиси иштирок этган. Бу кўмакчи асл кўмакчи бўлиб, мазкур гапда от ўрнида алмашган олмошни феълга боғлаш вазифасини бажариб келади.

***36-дарс***

**Боғловчилар ва уларнинг услубий хусусиятлари**

Қуйидаги берилган гапдан боғловчини аниқланг, маъноси, вазифасини айтинг.

*Меҳнат қилиш энг яхши одат, чунки меҳнат берур бахт-саодат.*

*Чунки*-эргаштирувчи боғловчи.

Эргаштирувчи боғловчилар кўпинча қўшма гап таркибидаги содда гапларни бир-бирига эргаштириш йўли билан боғлайди.

***38-дарс***

**Модал сўзлар ва уларнинг услубиёти**

**1-топшири=:** Қуйидаги берилган гаплар таркибида *шубщасиз* сўзининг вазифасини аниқланг.

*Шубҳасиз, янгилик эскилик устидан \алаба қилади. Сизнинг аъло ўқиишнгиз, шубҳасиз.*

*Шубҳасиз,* сўзи фикрнинг аниқлигини билдирувчи модал сўздир.

Юқоридаги гапларда *шубҳасиз* сўзи «Сўзловчининг ўзи баён қилган фикрига муносабатини билдирган сўз кириш сўз дейилади» қоидасига мувофиқ кириш сўз вазифасида келган.

**2-топшириқ:** *Албатта* сўзи иштирокида гап тузинг. *Албатта* сўзининг гапдаги тартибини ўзгартиринг ва бу ўзгаришни гап мазмунига таъсир этиш этмаслигини аниқланг.

*Бу йил уйингизга албатта бораман.*
*Албатта бу йил уйингизга бораман.*
*Бу йил албатта уйингизга бораман.*
*Бу йил уйингизга бораман, албатта.*

*Албатта* сўзидан кейинги сўз ўзига гап урғусини оляпти.

*Албатта* сўзининг гап охирида келиши гапнинг биргина бўлагини эмас, балки умуман гапни тасдиқлаб келаётганини билдиради.

***39-дарс***

**Сўзларнинг тузилишига кўра турлари.**
**Содда ва қўшма сўзлар, уларнинг услубиёти**

**1-топшири=:** «Имло луғати»дан қўшма сўзларга ўнта мисол келтиринг. Қўшма сўзларнинг содда сўзлардан фарқини айтинг.

| | |
|---|---|
| *1.Ўринбосар* | *2. Янгиқўрғон* |
| *3. Кўзойнак* | *4. Гултожихўроз* |
| *5. Кунгабоқар* | *6.Тошбака* |
| *7. Бақатерак* | *8. Пахтаобод* |
| *9. Ошқовоқ* | *10. Шолипоя* |

Содда сўзлар бир ўзакдан иборат бўлади. Қўшма сўзлар улардан фарқли равишда икки ёки уч ўзакдан ҳосил бўлган бўлади ва янги бир маънони ифодалайди ёки қўшма сўзнинг қисмлари бир-бирини изоҳлайди. Шунга кўра улар қўшиб ёки ажратиб ёзилиши мумкин. Масалан: *Каттақўрғон, темирйўл.*

***Дарсликдан берилган топшири=лар***
***ю=оридагидек бажартирилади***

Хуллас, бозор иқтисодиётига ўтиш биздан ташаббускорлик ва тадбиркорликни, назария

билан амалиётнинг бирлигини, мустақил фикрлашни талаб этади. Бу тарбия тизимига ҳам дахлдордир.

Зеро, щар бир фаннинг мақсади маънавий етук инсон муаммосини ҳал этишга қаратилмоғи шарт, талаба берилган топшириқларни эгаллаган билимлар асосида дадил бажаришга ўргансин, улар материални ўзлаштирибгина қолмай, балки илмий изланcин, ижодкорликни ўзида шакллантирсин.

Хулоса қилиб айтганда, дарсликдан фойдаланишда, дарс ўтишда, турли педагогик усулларни қўллаш давр талабидир. Бу талабларга жавоб бериш, ижодий изланиш эса барча муаллимларнинг шарафли ва виждоний бурчидир.